

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

2-сон
(814)
2018 йил
15 январь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

22. «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги ўРҚ–457-сон Қонуни
23. «Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ўРҚ–458-сон Қонуни
24. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ўРҚ–459-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

25. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан та-

комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ–5296-сон Фармони

Учинчи бўлим

26. «Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январдаги 15-сон қарори
27. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ–5177-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ–3270-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январдаги 16-сон қарори
28. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 январдаги 18-сон қарори
29. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига Тошкент вилоятида тадбиркорлик субъектларига ер участкалари ажратиш тартиботларини соддалаштиришга йўналтирилган ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 январдаги 20-сон қарори

Бешинчи бўлим

31. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг 2017 йил 26 декабрдаги 2017-75-сон «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1500-4*)
33. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 1 декабрдаги 259-сон «Автомототранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтқа-

зишни (қайд этишни) ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2050-1*)

34. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 10 январдаги 16-мх-сон «Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2864-1*)
38. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 22 декабрдаги 282-сон «Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1252-2*)
39. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2017 йил 27 декабрдаги 30-2017, 186-сон «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2961*)
40. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 10 январдаги 22-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1625-2*)
42. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 30 декабрдаги 155, 192, 2017/09-01, 01-02/8-48-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2436-8*)
43. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 29 декабрдаги 191-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги ПФ–5245-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта

ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи
(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
12 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2963)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил
8 январдан 12 январгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

22 Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2017 йил 14 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва асосий вазифалари

Ушбу Қонуннинг мақсади маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашдан иборатдир.

2-модда. Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Махсус маъмурий тартиб-таомилларни белгиловчи қонун ҳужжатлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳолатини ёмонлаштирмаслиги керак.

Маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишга доир у ёки бу муносабатлар махсус маъмурий тартиб-таомилларни белгиловчи қонун ҳужжатлари билан тартибга солилмаган ҳолларда ушбу Қонун нормалари қўлланилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонун маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан лицензия, руҳсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, давлат хизматларини кўрсатиш

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 9 январда эълон қилинган.

билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, давлат хизматини ўташ, референдумлар, сайловлар ўтказиш, мудофаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот соҳасида, шунингдек тезкор-кидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов, жиноий мажбурулов чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият, суд ишини юритиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш соҳасида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳасига кирувчи муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

манфаатдор шахс — қабул қилинаётган маъмурий ҳужжат ёки маъмурий ҳаракат қаратилган шахс, шунингдек ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари маъмурий ҳужжатга ёки маъмурий ҳаракатга дахлдор бўлган ёхуд дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахс;

маъмурий иш юритиш — маъмурий тартиб-таомил орқали тартибга солинган маъмурий ишни кўриб чиқиш, маъмурий ҳужжатни қабул қилиш, уни маъмурий шикоят бўйича қайта кўриш, шунингдек маъмурий ҳужжатни ижро этиш жараёни;

маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) — маъмурий органнинг қонун ҳужжатлари доирасида йўл қўйилган чоралардан бирини қонунийликка ва мақсадга мувофиқликка ўзи баҳо бериши асосида ўз ихтиёрига кўра қўллаш ёки тегишли чорани қўллашдан воз кечиш ҳуқуқи;

маъмурий органлар — маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар;

маъмурий тартиб-таомил — маъмурий органларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга солувчи процессуал қоидалар;

маъмурий ҳаракатлар — маъмурий органнинг жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида амалга оширилган, маъмурий ёки процессуал ҳужжат бўлмаган, юридик аҳамиятга эга ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги);

маъмурий ҳужжат — маъмурий органнинг оммавий ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиришга, ўзгартиришга ёки тугатишга қаратилган ҳамда айрим жисмоний ёки юридик шахслар учун ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳи учун муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи таъсир чораси;

маъмурий-ҳуқуқий фаолият — айрим жисмоний ёки юридик шахсларга ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳига таъсир кўрсатувчи бошқарув фаолияти;

процессуал ҳужжат — маъмурий орган томонидан маъмурий иш юритиш давомида қабул қилинадиган, маъмурий ишни мазмунан ҳал этмайдиган ҳужжат.

5-модда. Маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий принциплари

Маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

мутаносиблик;

ишончлилик;

тингланиш имкониятининг мавжудлиги;

маъмурий тартиб-таомилларнинг очиқлиги, шаффофлиги ва тушунарлилиги;

манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг устунлиги;

бюрократик расмиятчиликка йўл қўйилмаслиги;

мазмунан қамраб олиш;

маъмурий иш юритишнинг «бир дарча» орқали амалга оширилиши;

тенг ҳуқуқлилик;

ишончнинг ҳимоя қилиниши;

маъмурий ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги;

текшириш.

6-модда. Қонунийлик принципи

Маъмурий тартиб-таомиллар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

7-модда. Мутаносиблик принципи

Маъмурий иш юритиш жараёнида жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган таъсир чоралари маъмурий орган томонидан кўзланган қонуний мақсадга эришиш учун мос ва етарли бўлиши ҳамда манфаатдор шахсларга имкон қадар қийинчилик туғдирмаслиги керак.

8-модда. Ишончлилик принципи

Маъмурий иш юритиш давомида манфаатдор шахслар томонидан тақдим этилган ҳақиқий ҳолатлар тўғрисидаги ҳужжатлар ва маълумотлар акси исботланмагунига қадар ишончли ҳисобланади.

Манфаатдор шахслар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг ҳақиқийлигига шубҳа пайдо бўлган тақдирда, маъмурий орган уларнинг ишончлилигини мустақил равишда ва ўз ҳисобидан текшириш учун чоралар кўради.

Маъмурий иш юритиш давомида манфаатдор шахслардан улар тақдим этган ҳужжатларнинг ёки маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқловчи қўшимча материаллар талаб қилиш, агар қонунда бундай талаб белгиланмаган бўлса, тақиқланади.

9-модда. Тингланиш имкониятининг мавжудлиги принципи

Маъмурий орган манфаатдор шахсга маъмурий ҳужжатни қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатлар юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятини бериши шарт.

10-модда. Маъмурий тартиб-таомилларнинг очиқлиги, шаффофлиги ва тушунарлилиги принципи

Маъмурий тартиб-таомиллар очик, шаффоф ва манфаатдор шахслар учун тушунарли бўлиши лозим.

Маъмурий органлар маъмурий тартиб-таомиллар ҳақидаги ахборотдан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган усуллар орқали эркин фойдаланилишини таъминлаши шарт.

11-модда. Манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг устунлиги принципи

Маъмурий иш юритиш давомида юзага келадиган, қонун ҳужжатларининг бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлари ва ноаниқликлари манфаатдор шахслар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу манфаатдор шахслар фойдасига талқин қилинади.

12-модда. Бюрократик расмийчиликка йўл қўйилмаслиги принципи

Манфаатдор шахсларга мажбуриятлар орқали қийинчилик туғдириш, фақат расмий қоидалар ва талабларга риоя этилиши мақсадидагина уларга ҳуқуқлар беришни рад этиш ёки уларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш маъмурий органларга тақиқланади.

Агар манфаатдор шахс виждонан ҳаракат қилган, ўз мажбуриятларини мазмунан бажарган бўлса ҳамда расмий қоидалар ва талабларнинг йўл қўйилган бузилишлари маъмурий ишни мазмунан тўғри ҳал қилишга тўсқинлик қилмаса, манфаатдор шахс томонидан расмий қоидалар ва талабларга риоя этилмаганлиги номувофиқ маъмурий ҳужжатни қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қила олмайди.

13-модда. Мазмунан қамраб олиш принципи

Маъмурий органлар манфаатдор шахсларга илгари ушбу шахслар томонидан бошқа ҳаракатлар доирасида бажарилган талабларни қўйишга ҳақли эмас.

Агар маъмурий органга тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар маъносига кўра бошқа зарур ҳужжатлар мазмунини ўз ичига олса, ушбу ҳужжатлар қўшимча ёки алоҳида тарзда талаб қилиниши мумкин эмас.

Агар амалга оширилган маъмурий тартиб-таомил маъносига кўра бошқа маъмурий тартиб-таомилларни ўз ичига олса, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда улар ҳам амалга оширилган деб ҳисобланади.

14-модда. Маъмурий иш юритишнинг «бир дарча» орқали амалга оширилиши принципи

Маъмурий органга маъмурий тартиб-таомилни амалга ошириш учун бошқа маъмурий органлардан ҳамда ўзга органлардан ҳужжатлар ва маълумотлар олиш талаб этилган ҳолларда, маъмурий иш юритиш «бир дарча» принципи бўйича амалга оширилиб, бунда маъмурий орган зарур ҳужжатлар ва маълумотларни мустақил равишда, манфаатдор шахсларнинг иштирокисиз, идоралараро ўзаро ҳамкорлик воситасида олади, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

15-модда. Тенг ҳуқуқлилиқ принципи

Маъмурий органларга бир хилдаги ҳақиқий ҳолатларга эга маъмурий ишларни ҳал этишда тенг бўлмаган ёндашувни намоён этиш тақиқланади.

Ҳақиқий ҳолатлари бўйича жиддий фарқланадиган маъмурий ишларни бир хил тарзда ҳал этишга йўл қўйилмайди.

Маъмурий орган маъмурий ихтиёрийликни (дискрецион ваколатни) бир хил усулда амалга ошириши шарт. Ушбу қоида маъмурий ихтиёрийликни (дискрецион ваколатни) амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, шаклланган маъмурий амалиёт ўзгартирилишини истисно этмайди.

16-модда. Ишончининг ҳимоя қилиниши принципи

Виждонан ҳаракат қилувчи манфаатдор шахсларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончи қонун билан кўриқланади.

Маъмурий органлар манфаатдор шахсларнинг юзага келган маъмурий амалиёт билан боғлиқ қонуний қутилган натижаларини ҳурмат қилиши шарт. Юзага келган маъмурий амалиётнинг ўзгартирилиши жамоат манфаатлари билан оқланган бўлиши, умумий хусусиятга эга ва барқарор бўлиши керак.

17-модда. Маъмурий ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги принципи

Маъмурий орган маъмурий ихтиёрийликни (дискрецион ваколатни) қонун ҳужжатларида белгиланган доирада амалга ошириши шарт.

Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар ва амалга оширилган маъмурий ҳаракатлар ушбу ваколатнинг мақсадига мос келиши керак.

18-модда. Текшириш принципи

Маъмурий орган маъмурий ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириши шарт.

Зарурат бўлганда, маъмурий орган манфаатдор шахслар томонидан тақдим этилган далиллар билан чекланмасдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз ташаббуси билан қўшимча далиллар йиғишга ҳақли.

19-модда. Маъмурий тартиб-таомиллар принципларининг қўлланилиши

Маъмурий ҳужжатлар ва маъмурий ҳаракатлар маъмурий тартиб-таомилларнинг принципларига мувофиқ бўлиши керак.

Маъмурий тартиб-таомиллар принципларига номувофиқлик маъмурий ҳужжатларнинг ва маъмурий ҳаракатларнинг бекор қилинишига ёки қайта кўриб чиқилишига олиб келади.

2-боб. Маъмурий тартиб-таомилларнинг умумий қоидалари

20-модда. Маъмурий ишларнинг тааллуқчилиги

Маъмурий органлар маъмурий иш юритишни қонун ҳужжатларида ўз ваколатига киритилган масалалар юзасидан амалга оширади.

Маъмурий ишларнинг тааллуқчилиги тўғрисидаги низолар маъмурий органлар учун юқори турувчи ҳисобланган орган ёки махсус ваколатли орган томонидан ҳал этилади.

21-модда. Идоралараро ҳамкорлик

Идоралараро ҳамкорлик маъмурий органнинг қўмаклашиш тўғрисидаги сўрови асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бўйсунув муносабатларида бўлган маъмурий органлар ўртасидаги муносабатлар идоралараро ҳамкорлик ҳисобланмайди.

Маъмурий органнинг қўмаклашиш тўғрисидаги сўрови самаралироқ тарзда тегишли ёрдам кўрсата оладиган ваколатли маъмурий органга йўлланиши керак.

Маъмурий органнинг қўмаклашиш тўғрисидаги сўровига жавоб берилмаганлиги маъмурий ишнинг ҳал этилишига тўсқинлик қилмаслиги керак.

22-модда. Маъмурий иш юритиш иштирокчилари

Маъмурий иш юритиш иштирокчилари қуйидагилардан иборат:
маъмурий орган;

кабул қилинаётган маъмурий ҳужжат ёки амалга оширилаётган маъмурий ҳаракат ўзига қаратилган шахс (бундан буён матнда адресат деб юритилади);

хуқуқлари ва қонуний манфаатларига маъмурий ҳужжат ёки маъмурий ҳаракат дахлдор бўлган ёхуд дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахс (бундан буён матнда учинчи шахс деб юритилади).

Маъмурий орган учинчи шахсларни маъмурий иш юритишда иштирок этишга ўз ташаббусига ёки манфаатдор шахснинг илтимосмасига кўра жалб қилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда учинчи шахслар маъмурий иш юритишда иштирок этишга мажбурий тартибда жалб этилади.

23-модда. Маъмурий иш юритишда вакиллик

Юридик шахслар маъмурий иш юритишда қонун ҳужжатларида, таъсис ҳужжатларида ёки қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончномада белгиланган ваколатлари доирасида ҳаракат қилувчи ўз вакиллари орқали иштирок этади.

Жисмоний шахслар маъмурий иш юритишда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиши мумкин, бундан қонун ҳужжатларида уларнинг шахсан иштирок этиши зарурлиги назарда тутилган ҳоллар мустасно. Вакилнинг иштирок этиши жисмоний шахсни маъмурий иш юритишда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вакилнинг ваколатлари қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончномада баён этилиши керак.

Манфаатдор шахснинг вакили маъмурий иш юритишга тааллуқли барча ҳаракатларни ўзи вакиллик қилаётган шахс номидан бажаришга ваколатлидир, шунингдек, агар қонунда ёки унинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий иш юритишнинг ўзи вакиллик қилаётган иштирокчиси эга бўлган барча ҳуқуқлардан фойдаланади.

24-модда. Манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Манфаатдор шахслар маъмурий иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусха кўчириш, рад қилиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, маъмурий иш юритишда иштирок этувчи бошқа шахсларга саволлар бериш, маъмурий иш юритиш бўйича арз қилиш, илтимосномалар бериш, маъмурий органга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, маъмурий иш юритиш давомида келиб чиқадиган барча масалалар бўйича ўз важларини баён этиш, бошқа манфаатдор шахсларнинг аризалари, илтимосномалари ва важларига қарши эътироз билдириш, маъмурий ва процессуал ҳужжатлар, шунингдек маъмурий ҳаракатлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Манфаатдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Манфаатдор шахслар ўзига берилган процессуал ҳуқуқлардан виждонан фойдаланиши ва қонун ҳужжатларида ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши керак.

25-модда. Маъмурий иш юритиш олиб бориладиган тил

Маъмурий органда маъмурий иш юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

Маъмурий иш юритиш иштирокчилари маъмурий иш юритишда иштирок этиш ва маъмурий иш материаллари билан танишиш чоғида, зарурат

бўлганда, таржимон хизматидан фойдаланиши мумкин, шунингдек улар ўз она тилида сўзлаш ҳуқуқига эга.

26-модда. Маъмурий иш юритишда ҳуқуқий ворислик

Манфаатдор шахслардан бири маъмурий иш юритишдан маъмурий ҳужжат қабул қилингунига қадар чиқиб кетган тақдирда, мазкур шахсни унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштиришга, агар бундай ҳуқуқий ворислик қонун ҳужжатларига мувофиқ мумкин бўлса, йўл қўйилади.

Маъмурий орган ўзгартирилган, тугатилган ёки унинг номи ўзгартирилган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилади.

Ҳуқуқий ворис маъмурий ишга киришгунига қадар маъмурий иш юритиш давомида амалга оширилган барча ҳаракатлар ўрнини бўшатиб берган манфаатдор шахсга қай даражада мажбурий бўлган бўлса, ҳуқуқий ворис учун ҳам шу даражада мажбурийдир.

27-модда. Маъмурий ишни ҳал қилишга кўмаклашувчи шахслар

Маъмурий ишни ҳал қилишга кўмаклашувчи шахслар (гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва бошқалар) маъмурий иш юритишга ихтиёрийлик ёки шартнома асосида маъмурий орган томонидан ўз ташаббусига ёки манфаатдор шахсларнинг илтимосномасига кўра, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жалб қилинади.

Маъмурий орган гувоҳ, эксперт ва таржимонни била туриб ёлғон кўрсатувлар, нотўғри эксперт хулосалари берганлик ҳамда нотўғри таржима қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириши шарт.

28-модда. Маъмурий иш юритишда гувоҳ

Маъмурий ҳужжатни қабул қилишда аҳамиятга эга бўлган маълумотларни баён этиш ёки маъмурий органнинг мансабдор шахси томонидан муайян ҳаракатларнинг амалга оширилиши фактини гувоҳлантириш учун гувоҳ маъмурий иш юритишга, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ихтиёрий тартибда жалб қилиниши мумкин.

Гувоҳ ўз хохишига кўра оғзаки ёки ёзма кўрсатувлар беради. Гувоҳнинг оғзаки кўрсатувлари маъмурий орган томонидан тегишли баённомада баён этилади.

29-модда. Маъмурий иш юритишда эксперт

Маъмурий орган фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимлар талаб этиладиган масалалар юзасидан хулоса бериш учун экспертиза тайинлаши мумкин.

Экспертлар тайинлаш ва экспертлар томонидан тушунтирилиши керак бўлган масалалар доирасини аниқлаш чоғида маъмурий иш юритишнинг барча иштирокчилари фикри инобатга олинади.

Эксперт экспертиза предметига тааллуқли маъмурий иш материаллари

билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш, маъмурий иш юритишда иштирок этувчи шахсларга ва гувоҳларга саволлар бериш, жойида кўздан кечиришда, аттестация-имтиҳон тадбирларида ҳамда эксперт баҳолашидан ўтказишга қаратилган бошқа ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Эксперт, агар унга тақдим этилган материаллар экспертиза ўтказиш учун етарли бўлмаса ёки эксперт ўз зиммасига юклатилган мажбуриятни бажариш учун зарур билимларга эга бўлмаса, хулоса беришни рад этиши мумкин.

Эксперт ўз текширишларининг натижалари бўйича эксперт хулосасини тақдим этади. Маъмурий органнинг ёки маъмурий иш юритишдаги бошқа иштирокчиларнинг талабига кўра эксперт ўз хулосаси юзасидан қўшимча тушунтиришлар бериши керак.

30-модда. Маъмурий иш юритишда мутахассис ва таржимон

Мутахассис далилларни аниқлаш ва мустаҳкамлашда маъмурий органга кўмаклашиш ёки фикр шаклида тушунтиришлар бериш учун маъмурий иш юритишга жалб қилинади. Мутахассис, агар у зарур билим ва кўникмаларга эга бўлмаса, маъмурий иш юритишда иштирок этишдан бош тортишга ҳақли.

Таржима қилиш учун зарур бўлган тилларни, шу жумладан кар-соқовларнинг имо-ишораларини биладиган шахс таржимондир.

31-модда. Маъмурий иш юритишда иштирок этиш имкониятини истисно қилувчи ҳолатлар

Маъмурий органнинг мансабдор шахси маъмурий орган номидан маъмурий иш юритишда иштирок этишга қўйидаги ҳолларда ҳақли эмас, агар у:

- мазкур маъмурий иш юритишда манфаатдор шахс бўлса;

- маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахслардан бири билан қариндошлик ёки қайин-бўйинчилик ва қуда-андачилик муносабатида бўлса (бўлган бўлса);

- маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахслардан бирининг вакили бўлса ёки илгари унинг вакили сифатида айни шу маъмурий иш юритишда иштирок этган бўлса;

- мазкур маъмурий ишни юритишда маъмурий ишни ҳал этишга кўмаклашувчи шахс сифатида иштирок этаётган бўлса ёки илгари иштирок этган бўлса;

- бошқача тарзда шахсан, бевосита ёки билвосита маъмурий ишни ҳал этиш натижасидан манфаатдор бўлса ёки унинг холислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

Маъмурий ишни ҳал этишга кўмаклашувчи шахсларни рад қилиш тўғрисида ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва олтинчи хатбошиларига мувофиқ, шунингдек ушбу шахсларнинг мазкур маъмурий иш ҳолатлари бўйича илгари хулоса берганлиги ёки уларнинг маъмурий ишни кўриб чиқаётган маъмурий органнинг мансабдор шахсига, маъмурий иш юритишнинг бошқа иштирокчиларига ёки уларнинг вакилларига

хизмат юзасидан ёхуд бошқача тарзда тобе бўлганлиги асосида арз қилиниши мумкин.

32-модда. Рад қилиш

Маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахслар ушбу Қонуннинг 31-моддасида назарда тутилган асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда, маъмурий органнинг мансабдор шахси ва маъмурий ишни ҳал этишга кўмаклашаётган шахсларни рад қилиш тўғрисида ёзма шаклда ариза беришга ҳақли.

Рад қилиш асослантирилган бўлиши ва бу ҳақда маъмурий ҳужжат қабул қилингунига қадар маъмурий иш юритишнинг исталган босқичида ариза берилиши мумкин.

Маъмурий органнинг мансабдор шахсини рад қилиш тўғрисидаги ариза рад қилиш билдирилаётган мансабдор шахсга ёхуд маъмурий иш юритиш коллегиял орган томонидан амалга оширилаётган бўлса, коллегиял органнинг раисига берилади. Рад қилиш тўғрисидаги аризани қабул қилган маъмурий органнинг мансабдор шахси бир иш куни ичида маъмурий ишни кўриб чиқишни тўхтатиши ва рад қилиш тўғрисидаги аризани рад қилиш ҳақида қарор қабул қилишга ваколатли бўлган шахсга кўриб чиқиш учун бериши керак.

Рад қилиш тўғрисидаги ариза бўйича қарорни ўзига нисбатан рад қилиниши ҳақида арз қилинган мансабдор шахснинг бевосита раҳбари, агар рад қилиш маъмурий органнинг мансабдор шахсига нисбатан арз қилинган бўлса, юқори турувчи орган ёки бошқа ваколатли орган қабул қилади.

Маъмурий иш юритиш коллегиял орган томонидан амалга оширилаётган бўлса, рад қилиш тўғрисидаги ариза бўйича қарор ушбу орган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Рад қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш юзасидан овоз беришда коллегиял органнинг ўзига нисбатан рад қилиш тўғрисида ариза берилган аъзоси иштирок этмайди. Агар рад қилиш коллегиял органнинг бутун таркибига нисбатан арз қилинган бўлса, рад қилиш тўғрисидаги қарор худди шу орган томонидан тўлиқ таркибда оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Маъмурий ишни ҳал этишга кўмаклашаётган шахсларни рад қилиш тўғрисидаги ариза маъмурий иш юритишни амалга ошираётган ҳамда ушбу ариза бўйича тегишли қарор қабул қиладиган маъмурий органнинг мансабдор шахсига берилади.

Рад қилиш тўғрисидаги қарор рад қилиш ҳақида ариза берилган пайдан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмасдан қабул қилиниши керак.

Маъмурий ишни кўриб чиқаётган маъмурий органнинг мансабдор шахсини, коллегиял орган аъзосини ёки коллегиял органнинг бутун таркибини рад қилиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, бир вақтнинг ўзида ушбу маъмурий ишни кўриб чиқишга ваколатли бўлган шахс (коллегиял орган) тайинланади.

Ушбу Қонуннинг 31-моддасида назарда тутилган асослардан бири мавжуд бўлса, маъмурий органнинг мансабдор шахси, шунингдек маъмурий ишни

ҳал этишга кўмаклашаётган шахслар ўзини ўзи рад қилиш тўғрисида дарҳол арз қилиши шарт.

33-модда. Тегишли тарзда хабардор қилиш

Хабарномани топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юбориш ёки тилхат олиб топшириш ёхуд хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда хабардор қилиш маъмурий иш юритишда тегишли тарзда хабардор қилиш ҳисобланади. Тегишли хабарнома манфаатдор шахс томонидан олинган пайт хабардор қилиш вақтидир.

Манфаатдор шахслар ўз манзили ўзгарганлиги тўғрисида маъмурий органга маъмурий ишни юритиш вақтида маълум қилиши шарт. Бундай маълумот мавжуд бўлмаган тақдирда, хабарлар маъмурий органга маълум бўлган охириги манзилга юборилади ҳамда етказиб берилган деб ҳисобланади.

Агар манфаатдор шахслар ўз телефонлари ва факслари рақамларини, электрон манзилини маъмурий органга маълум қилган бўлса, улар бу маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида маъмурий органни маъмурий иш юритиш вақтида ёзма шаклда ёки ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилиши керак.

Хабарномани манфаатдор шахсга тилхат олиб шахсан топширишнинг имкони бўлмаган тақдирда, хабарнома у билан бирга яшайдиган вояга етган оила аъзоларидан бирига ёки бундай шахслар бўлмаса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ёки манфаатдор шахснинг иш берувчисига (таълим муассасаси маъмуриятига) тилхат олиб топширилиши мумкин. Хабарномани қабул қилган шахс имконият бўлиши билан уни кечиктирмасдан манфаатдор шахсга топшириши шарт.

Хабарномани қабул қилишни рад этган манфаатдор шахс тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади. Рад этиш хабарномага белги қўйиш орқали расмийлаштирилади ва хабарнома маъмурий органга қайтарилади. Манфаатдор шахснинг хабарномани қабул қилишни рад этганлиги тўғрисидаги белги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки манфаатдор шахснинг иш берувчиси (таълим муассасаси маъмуриятининг мансабдор шахси) томонидан ёхуд иккитадан кам бўлмаган фуқаронинг имзоси билан тасдиқланади.

Тегишли тарзда хабардор қилиш фактини исботлаш мажбурияти маъмурий органнинг зиммасида бўлади.

34-модда. Маъмурий иш юритишда далиллар

Маъмурий иш юритишда далиллар маъмурий ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳақиқий ҳолатлар тўғрисидаги ҳар қандай маълумотлардан иборатдир.

Маъмурий органнинг маъмурий ишни кўриб чиқаётган мансабдор шахси мазкур ишни ҳолисона, ҳар томонлама ва тўғри кўриб чиқиш учун зарур бўлган далилларни йиғишни амалга оширади.

Маъмурий орган маъмурий иш юритишнинг иштирокчилари томонидан далил сифатида тақдим этиладиган ҳужжатларнинг шаклига нисбатан талаб-

лар қўйишга ҳақли эмас, бундан ҳужжатларнинг шакли қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно.

35-модда. Далилларни баҳолаш

Маъмурий орган фақат маъмурий ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган далилларни кўриб чиқишга қабул қилади.

Маъмурий орган ҳар бир далилни ишончлилик, дахлдорлик ва мақбуллик нуқтаи назаридан ҳамда далилларнинг ҳаммасини етарли даражада тўпланганлиги бўйича баҳолайди.

Қонун бўйича муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши керак бўлган ҳолатларни бошқа ҳеч қандай воситалар билан тасдиқлаш мумкин эмас.

36-модда. Маъмурий иш юритиш муддатлари

Агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий орган мумкин қадар қисқа муддатларда, аммо ариза маъмурий органда рўйхатга олинган кундан эътиборан, маъмурий ҳужжат маъмурий орган ташаббуси билан қабул қилинадиган тақдирда эса, адресат маъмурий иш юритиш бошланганлиги тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган кундан эътиборан ўттиз иш кунидан кечиктирмай маъмурий ишни кўриб чиқади ва маъмурий ҳужжатни қабул қилади.

Маъмурий органларнинг ташаббуси билан маъмурий ҳужжатларни қабул қилишнинг энг кўп муддатлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Маъмурий иш юритиш муддати қонунда назарда тутилган ҳолларда маъмурий орган томонидан узайтирилиши мумкин.

Маъмурий иш юритиш муддатининг ўтиши ариза маъмурий органда рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади, маъмурий ҳужжатни маъмурий органнинг ташаббусига кўра қабул қилиш учун эса ушбу муддатнинг ўтиши адресат маъмурий иш юритиш бошланганлиги ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган кундан эътиборан бошланади.

Агар ариза тааллуқлилиги бўйича ваколатли маъмурий органга қайта юборилган бўлса, маъмурий иш юритиш муддатининг ўтиши маъмурий иш тегишли ваколатли органга келиб тушиб, рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Маъмурий иш юритиш муддатлари кунлар, ойлар ва йиллар билан ҳисобланади.

Агар маъмурий иш юритиш муддати дам олиш (байрам) кунида тугаса, шу кундан кейинги иш кунидан муддатнинг тугаш кунидан ҳисобланади.

37-модда. Маъмурий иш юритишни тўхтатиб туриш

Маъмурий орган маъмурий иш юритишни қуйидаги ҳолларда тўхтатиб туришга ҳақли:

фуқаролик, иктисодий, маъмурий ёки жиноят суд ишларини юритиш тартибида кўрилаётган иш юзасидан суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинганига қадар маъмурий ишни кўриш мумкин бўлмаганда;

маъмурий иш юритишда иштирок этаётган жисмоний шахс вафот эт-

ганда, агар ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилган тақдирда ёки маъмурий иш юритишда иштирок этаётган юридик шахс қайта ташкил этилганда;

хатоларни тўғрилаш ва етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш имконияти берилганда;

манфаатдор шахсларнинг узрли сабабларга кўра келмаганлиги, агар уларнинг иштироки маъмурий иш юритишни тамомлаш учун зарур бўлганда;

манфаатдор шахснинг талабига кўра маъмурий орган томонидан экспертиза тайинланганда.

Маъмурий иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги хабар манфаатдор шахсларга бир иш куни ичида юборилади. Маъмурий иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги хабар процессуал ҳужжат ҳисобланади.

Маъмурий иш юритишни тўхтатиб туриш маъмурий иш юритиш муддатлари ўтишининг тўхташига олиб келади.

38-модда. Маъмурий иш юритишни тиклаш

Маъмурий иш юритишни тўхтатиб туришга асос бўлган ҳолатлар бар-тараф этилгач, маъмурий ишни юритиш тикланади. Маъмурий иш юритишни тиклаш тўғрисидаги хабарнома манфаатдор шахсларга бир иш куни ичида юборилади.

Маъмурий иш юритиш тикланган кундан эътиборан маъмурий иш юритиш муддатларининг ўтиши давом этади.

39-модда. Маъмурий иш юритишни тугатиш

Маъмурий орган қуйидаги ҳолларда маъмурий иш юритишни тугатиши шарт:

маъмурий иш маъмурий органда кўриш учун тегишли бўлмаса;

маъмурий иш юритишнинг айти бир иштирокчилари иштирокидаги, айти бир предмет ва айти бир асослар бўйича маъмурий иш юқори турувчи маъмурий органнинг ёки суднинг иш юритувида бўлса;

маъмурий иш ваколатли маъмурий органга қайта юборилган бўлса ёки маъмурий иш юритишнинг айти бир иштирокчилари иштирокидаги, айти бир предмет ва айти бир асослар бўйича маъмурий иш мазкур ишни ҳал қилишга ваколатли бўлган бошқа маъмурий органнинг иш юритувида бўлса;

ушбу маъмурий органда маъмурий иш юзасидан маъмурий иш юритишнинг айти бир иштирокчилари билан, айти бир предмет ва айти бир асослар бўйича маъмурий ҳужжат қабул қилинган бўлса;

ариза ёки маъмурий шикоят уни тақдим этган шахс томонидан чақириб олинса;

маъмурий иш юритиш иштирокчисининг ҳуқуқий мақоми (ҳуқуқий ҳолати) ўзгариши натижасида маъмурий иш бўйича маъмурий ҳужжатни қабул қилиш мумкин бўлмай қолса;

маъмурий иш юритишни тамомлаш учун иштироки зарур бўлган манфаатдор шахслар узрсиз сабабларга кўра келмаса;

манфаатдор шахс мавжуд бўлмаса ва мазкур ҳолатда ишда иштирок

этувчи жисмоний шахс вафот этганлиги ёки юридик шахс тугатилганлиги натижасида ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилмаса.

Маъмурий ишни юритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асосларга кўра ҳам тугатилиши мумкин.

Маъмурий иш юритишни тугатиш процессуал ҳужжат билан расмийлаштирилади.

Маъмурий иш юритишни тугатиш ҳақидаги хабар манфаатдор шахсларга бир иш куни ичида юборилади.

40-модда. Маъмурий ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатлар

Маъмурий ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатлар маъмурий иш юритишни амалга оширувчи маъмурий орган зиммасида бўлади.

Маъмурий иш юритишда қўшимча ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан маъмурий ишни ҳал қилишга кўмаклашувчи шахсларнинг иштирок этиши билан боғлиқ харажатлар ҳақини тўлаш ушбу ҳаракатлар маъмурий иш юритишнинг қайси иштирокчилари илтимосномаси бўйича амалга оширилган бўлса, ўша иштирокчининг зиммасида бўлади.

Маъмурий органларга бериладиган аризалардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ёки йиғим ундирилиши мумкин. Йиғимнинг миқдори маъмурий ишни кўриб чиқиш чоғида маъмурий орган сарфлаган харажатлар доирасида белгиланади.

Маъмурий шикоятлар учун давлат божи ва йиғим ундирилмайди.

3-боб. Маъмурий иш юритиш

41-модда. Маъмурий иш юритишни бошлаш учун асослар

Манфаатдор шахснинг аризаси (шикояти) ёки маъмурий органнинг ташаббуси маъмурий ишни бошлаш учун асос бўлади.

Маъмурий иш юритиш ариза маъмурий органда рўйхатдан ўтказилган пайдан эътиборан бошланган ҳисобланади.

Агар маъмурий ишни бошлаш учун маъмурий органнинг ташаббуси асос бўлса, маъмурий иш юритиш адресат тегишли тарзда хабардор қилинган пайдан эътиборан бошланган ҳисобланади.

42-модда. Аризанинг мазмуни ва унга қўйиладиган талаблар

Маъмурий органга бериладиган аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) ариза берилётган маъмурий органнинг номи;
- 2) аризачи — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг яшаш жойи, агар аризачи юридик шахс бўлса — унинг номи ва жойлашган ери (почта манзили), шунингдек агар ариза вакил томонидан берилётган бўлса, вакилнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва манзили;
- 3) аризачининг талаби;

4) аризага илова қилинадиган ҳужжатларнинг рўйхати (агар бундай ҳужжатлар мавжуд бўлса);

5) ариза берилган сана.

Ариза аризачи ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, унга ишончноманинг ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг кўчирма нусхаси илова қилиниши керак.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб берилган аризада ушбу моддада кўрсатилган маълумотлардан ташқари ўз манфаати ҳимоя қилинаётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), унинг манзили (почта манзили) ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ахборот кўрсатилган бўлиши керак.

Ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатларга нисбатан қонун ҳужжатларида бошқа талаблар ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин.

Маъмурий орган аризачидан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ахборотни ёки ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга, шунингдек аризага ва унга илова қилинган ҳужжатларга нисбатан талаблар қўйишга ҳақли эмас.

Электрон шаклда бериладиган аризаларда аризачининг электрон манзили ҳамда ягона идентификатори, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса электрон рақамли имзо ва бошқа реквизитлар кўрсатилиши керак.

Аризада электрон манзилнинг кўрсатилганлиги аризачининг хабарларни ахборот тизими орқали қабул қилишга бўлган розилигидир.

Жисмоний ва юридик шахслар аризаларни оғзаки шаклда беришга ҳам ҳақли, бундан қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри тақиқланган ҳоллар мустасно.

43-модда. Аризани рўйхатдан ўтказиш

Маъмурий органга келиб тушган ариза ўша куннинг ўзида рўйхатдан ўтказилиши лозим. Маъмурий орган аризачига ариза рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат (белги) бериши, ариза электрон шаклда берилган тақдирда эса, ариза рўйхатдан ўтказилганлигини маъмурий органнинг расмий веб-сайтидаги электрон хабар билан, тегишли ёзувга ҳавола билан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усул билан тасдиқлаши шарт.

Маъмурий органда аризани рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

44-модда. Маъмурий органга ариза бериш учун зарур ахборотни тақдим этиш

Маъмурий органга ариза бериш учун зарур бўлган ахборот маъмурий органнинг мансабдор шахси ёки ахборотни тақдим этиш ўз ваколатига киритилган бошқа ходими томонидан тақдим этилади.

Маълумотнома тарзидаги ахборот қоида тариқасида:

аризанинг шаклига;

аризанинг мазмунига;

ариза бериш учун зарур ҳужжатлар рўйхатига;

аризанинг шакли ва мазмунига доир талабларни бузиш оқибатларига;

ҳужжатларни қабул қилиш ва бериш вақтига;

аризани кўриб чиқиш муддатлари ва тартибига;

маъмурий ва процессуал ҳужжатлар ҳамда ҳаракатлар устидан шикоят қилиш тартибига оид масалалар юзасидан тақдим этилади.

Маъмурий орган аризалар намуналаридан ва маъмурий иш юритиш билан боғлиқ бўлган хизмат варақаларидан (бланкалардан), шунингдек уларни тўлдириш, шу жумладан маъмурий органнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш орқали тўлдириш бўйича йўриқномалардан фойдаланишни таъминлаши шарт.

Маъмурий орган аризага қонун ҳужжатларига мувофиқ зарур ёрдам кўрсатиши шарт.

45-модда. Аризачи томонидан хатоларни бартараф этиш ва етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш

Агар аризада тўғрилаш мумкин бўлган хатолар мавжуд бўлса, маъмурий орган уларни тўғрилаш учун аризага имконият ва муддат беради.

Агар аризага доир иловада қонун ҳужжатларига биноан талаб қилинадиган ёки аризага ҳавола қилаётган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, уларсиз маъмурий ҳужжатни қабул қилиш имкони бўлмаган тақдирда, маъмурий орган аризага етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш имкониятини, бунинг учун муддат белгилаган ҳолда, бериши керак.

Хатоларни бартараф этиш ва етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш учун маъмурий орган томонидан белгиланадиган муддат, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, беш иш кунидан кам бўлмаслиги лозим. Маъмурий орган аризагининг илтимосномасига биноан ушбу муддатни беш иш кунидан кам бўлмаган муддатга узайтириши керак.

Маъмурий иш юритиш муддатининг ўтиши хатоларни бартараф этиш ва етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш вақтида тўхтатиб турилади.

46-модда. Манфаатдор шахснинг аризасини тааллуқлилиги бўйича ваколатли маъмурий органга юбориш

Талаб қилинаётган маъмурий ҳужжатни қабул қилиш ўз ваколатига кирмайдиган маъмурий органга келиб тушган ариза қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган маъмурий органга кўпи билан беш кунлик муддатда юборилади ва бу ҳақда аризага хабар берилади.

47-модда. Маъмурий ишни маъмурий орган мажлисида кўриб чиқиш

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда маъмурий иш маъмурий орган мажлисида (бундан буён матнда мажлис деб юритилади) кўриб чиқилиши лозим.

Маъмурий иш маъмурий органнинг ташаббуси билан ёки манфаатдор шахснинг илтимосномаси бўйича ҳам мажлисида кўриб чиқилиши мумкин.

48-модда. Мажлис баённомаси

Маъмурий ишни мажлисида кўриб чиқиш чоғида мажбурий тартибда баённома юритилади.

Мажлис баённомаси маъмурий ишни кўриб чиқишнинг барча муҳим ҳолатларини акс эттириши керак. Мажлис баённомасида, хусусан, қуйидагилар кўрсатилади:

1) мажлиснинг санаси ва жойи;

2) мажлис бошланган ва тугаган вақт, мажлисидаги танаффуслар ҳақидаги маълумотлар;

3) маъмурий органнинг номи, маъмурий орган мансабдор шахсининг фамилияси, исми, отасининг исми ёки маъмурий ишни кўриб чиқаётган коллегиял органнинг таркиби ва мажлис котиби;

4) адресат — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг яшаш жойи, агар адресат юридик шахс бўлса — унинг номи ва жойлашган ери (почта манзили), агар иш юритишда вакил иштирок этаётган бўлса, вакилнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва унинг манзили, шунингдек маъмурий иш юритишда иштирок этувчи учинчи шахслар тўғрисидаги маълумотлар;

5) маъмурий иш юритишда иштирок этувчи шахсларнинг келганлиги ҳақидаги маълумотлар;

6) маъмурий иш юритишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиш ва уларнинг мажлисга келмаганлиги сабаблари тўғрисидаги маълумотлар;

7) маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтириб берилганлиги ҳақидаги маълумотлар;

8) маъмурий орган мансабдор шахсининг ёки маъмурий ишни кўриб чиқаётган коллегиял орган раислик қилувчисининг ушбу ишни кўриб чиқиш жараёнида қабул қилинадиган процессуал ҳужжатлари;

9) маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахсларнинг аризалари ва илтимосномалари ҳамда уларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар;

10) тақдим этилган далиллар, экспертларнинг ёзма хулосалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари ва ҳоказо ҳақидаги маълумотлар;

11) маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахсларнинг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертларнинг ўз хулосала-

ри юзасидан оғзаки тушунтиришлари, мутахассисларнинг фикрлари, ёзма ва ашёвий далилларни кўздан кечириш маълумотлари.

Маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахслар ўзлари муҳим деб ҳисоблайдиган ҳолатларни мажлис баённомасига киритиш хусусида илтимос қилишга ҳақли.

Маъмурий иш яқка тартибда кўриб чиқилганда мажлис баённомаси маъмурий органнинг ишни кўриб чиқаётган мансабдор шахси ва мажлис котиби томонидан имзоланади. Маъмурий иш коллегиял орган томонидан кўриб чиқилган тақдирда баённома раислик қилувчи ва мажлис котиби томонидан имзоланади.

49-модда. Маъмурий ишни мажлисда кўриб чиқишни кейинга қолдириш

Қуйидагилар маъмурий ишни кўриб чиқишни кейинга қолдириш асослари ҳисобланади:

тегишли тарзда хабардор қилинганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаган манфаатдор шахслардан бирининг мажлисга келмаганлиги;

маъмурий органнинг маъмурий ишни кўриб чиқишга ваколатли бўлган мансабдор шахсини рад қилиш ҳақидаги аризанинг қаноатлантирилганлиги ёки унинг йўқлиги;

маъмурий иш юритишда иштирок этувчи, маъмурий ишни ўзларисиз кўриб чиқиш мумкин бўлмаган манфаатдор шахсларнинг мажлисда ҳозир бўлмаганлиги;

мажлиснинг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган манфаатдор шахсларнинг маъмурий орган томонидан узрли деб топилган сабабларга кўра келмаганлиги.

Агар маъмурий орган мажлисга келмаганлик сабабларини узрсиз деб топса ёки маъмурий ишни кўриб чиқишни манфаатдор шахс қасддан чўзаяпти деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлса, маъмурий орган маъмурий ишни тегишли тарзда хабардор қилинган манфаатдор шахснинг йўқлигида кўриб чиқишга ҳақли.

Манфаатдор шахслар маъмурий ишни улар йўқлигида кўриб чиқиш хусусида илтимос қилишга ҳақли.

Маъмурий орган маъмурий ишни кўриб чиқишни кейинга қолдириб, кейинги мажлиснинг вақти ва жойини тайинлайди, бу ҳақда ҳозир бўлган шахсларга тилхат олиб эълон қилади. Мажлисга келмаган ҳамда маъмурий ишни кўриб чиқишда иштирок этиш учун янгидан жалб қилинадиган шахслар кейинги мажлиснинг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинади.

50-модда. Маъмурий ишни мажлисда кўриб чиқиш тартиби

Маъмурий ишни кўриб чиқиш маъмурий органнинг мансабдор шахси томонидан, маъмурий иш коллегиял органда кўриладиётганда эса, раислик қилувчи томонидан очилади. Шундан сўнг маъмурий иш юритиш иштирокчиларининг оғзаки тушунтиришлари эшитилади.

Маъмурий иш юритиш иштирокчилари бир-бирига саволлар бериши мумкин.

Шундан кейин маъмурий орган маъмурий ишни ҳал қилишга кўмаклашувчи шахсларнинг тушунтиришларини эшитишга ва бошқа далилларни текширишга ўтади.

Маъмурий иш юритиш иштирокчиларининг, шунингдек маъмурий ишни ҳал қилишга кўмаклашувчи шахсларнинг ёзма тушунтиришлари мажлисда ўқиб эшиттирилиши керак.

Маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахсларнинг илтимосномалари маъмурий иш юритишнинг бошқа иштирокчилари эшитилганидан сўнг кўриб чиқилади.

51-модда. Мажлисда кўриб чиқилган маъмурий иш бўйича маъмурий ҳужжат қабул қилиш

Маъмурий органнинг мансабдор шахси ёки коллегиял орган маъмурий ишни мажлисда кўриб чиқиш натижалари бўйича маъмурий ҳужжат қабул қилади.

Маъмурий ҳужжатни қабул қилиш бошқа органлар ва мансабдор шахсларнинг кўриб чиқиш натижалари асосида амалга ошириладиган бўлса, бундай кўриб чиқиш ушбу Қонун талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

4-боб. Маъмурий ҳужжат

52-модда. Маъмурий ҳужжатнинг шакли

Маъмурий ҳужжат ёзма шаклда қабул қилинади. Қонун ҳужжатларида маъмурий ҳужжат бошқа шаклда, шу жумладан бошқа тегишли ҳужжатни бериш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан қабул қилиниши мумкинлиги ҳоллари назарда тутилиши мумкин.

Ёзма маъмурий ҳужжат маъмурий органнинг ваколатли мансабдор шахси ёки коллегиял орган аъзолари томонидан имзоланади ва маъмурий органнинг муҳри билан тасдиқланади.

53-модда. Маъмурий ҳужжатнинг мазмуни

Маъмурий ҳужжат қонуний, асосланган, адолатли, аниқ ва тушунарли бўлиши керак.

Маъмурий ҳужжатда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) маъмурий ҳужжатнинг номи ва у қабул қилинган сана;
- 2) маъмурий ҳужжатни қабул қилган маъмурий органнинг номи ва жойлашган ери (почта манзили);
- 3) маъмурий иш юритиш иштирокчилари тўғрисидаги ахборот;
- 4) маъмурий ҳужжат орқали ҳал қилинадиган масаланинг тавсифи (тавсиф қисми);
- 5) маъмурий ҳужжатнинг асоси (асослантирувчи қисми);
- 6) қабул қилинган қарор баёни (хулоса қисми);

7) маъмурий ҳужжат устидан шикоят қилиш муддати ва тартиби;

8) маъмурий органнинг маъмурий ҳужжатни қабул қилган мансабдор шахсининг (коллегиал орган аъзоларининг) лавозими, исми ва фамилияси.

Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатда қуйидагилар назарда тутилиши мумкин:

муайян ҳуқуқнинг ёки мажбуриятнинг кучга кириш, ўз кучини йўқотиш пайти ёки амал қилиш муддати;

муайян ходисага ёки келажакда ҳуқуқнинг ёхуд мажбуриятнинг кучга кириши ёки ўз кучини йўқотиши билан боғлиқ бўлган шартга доир кўрсатма;

маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ҳуқуқи ёки келгусида қўшимча фармойишлар бериш ҳуқуқи маъмурий органда сақланиб қолиши тўғрисидаги изох;

адресатга муайян ҳаракатларни амалга ошириш, амалга оширишга йўл қўйиш ёки амалга оширишдан тийилиш хусусида кўрсатма берувчи қўшимча фармойишлар.

54-модда. Маъмурий ҳужжатнинг асослилиги

Маъмурий ҳужжатнинг асослантирувчи қисмида қабул қилинган маъмурий ҳужжатнинг барча ҳақиқий ва юридик асослари келтирилиши керак.

Маъмурий ҳужжатни асослантириш чоғида маъмурий орган текширилмаган ёки маъмурий иш юритиш жараёнида маъмурий ишга қўшиб қўйилмаган ёхуд маъмурий иш юритиш иштирокчиларига танишиш имконияти берилмаган далилларга таянишга ҳақли эмас. Агар маъмурий ҳужжатни қабул қилишда маъмурий органга маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) берилган бўлса, маъмурий ҳужжатнинг асослантирувчи қисмида у ёки бу маъмурий ихтиёрийликка (дискрецион ваколатга) ёхуд ундан воз кечишга сабаб бўлган барча баҳолар, вазллар ва мулоҳазалар баён этилади. Бунда маъмурий орган ўзи қабул қилган маъмурий ҳужжатнинг маъмурий тартиб-таомиллар принципларига мувофиқлигини асослаб бериши керак.

55-модда. Маъмурий ҳужжатнинг кучга кириши

Маъмурий ҳужжат адресат тегишли тарзда хабардор қилинган пайдан эътиборан кучга киради.

Адресатни маъмурий ҳужжат тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилиш ушбу Қонуннинг 33-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда маъмурий ҳужжатнинг манфаатдор шахсларга расмий эълон қилиниши ҳам тегишли тарзда хабардор қилиш деб топилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ адресатга фақат тегишли ҳужжат берилиши керак бўлган ҳолларда ҳужжатнинг адресатга берилиши маъмурий ҳужжат тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилишга тенглаштирилади.

Агар маъмурий ҳужжат қонун ҳужжатлари талабига мувофиқ расмий эълон қилиниши лозим бўлса, у расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

56-модда. Маъмурий ҳужжатни тушунтириб бериш ва уни тузатиш

Маъмурий орган манфаатдор шахснинг илтимосномасига кўра маъмурий ҳужжатнинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда уни тушунтириб бериши, шунингдек ёзувдаги йўл қўйилган хатоларни ва янглишишларни маъмурий ҳужжатнинг моҳиятига дахл қилмаган ҳолда, ўз ташаббусига ёки манфаатдор шахснинг илтимосномасига кўра тузатиши шарт.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни амалга оширганлик учун давлат божлари ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилмайди.

57-модда. Тегишли ҳужжатни ва унинг дубликати бериш

Тегишли ҳужжатни берганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда йиғим олиниши мумкин.

Маъмурий ҳужжат асосида берилган ҳужжатларни тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ва қайта расмийлаштириш тартиби қонун ҳужжатларида тартибга солинади.

Берилган ҳужжат йўқолган ёки яроқсиз бўлиб қолган тақдирда, манфаатдор шахснинг аризасига кўра янги ҳужжат ёки унинг дубликати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади.

Маъмурий орган ҳужжатни ёки унинг дубликати бериш тўғрисидаги ариза қабул қилинган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда янги ҳужжатни ёки ҳужжат дубликати бериши (юбориши) шарт, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно. Бунда ҳужжатнинг дубликати берганлик учун йиғим маъмурий орган томонидан аризани одатдаги тартибда кўриб чиқиш учун тўланадиган, дубликат бериш тўғрисида ариза берилган санада амалда бўлган сумма миқдорининг ярмидан ошмаслиги керак.

Янги ҳужжат ёки дубликат бериш учун йиғим миқдори ушбу ҳаракатни амалга ошириш учун кетган харажатлардан ошиб кетмаслиги керак.

58-модда. Маъмурий ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш

Маъмурий ҳужжатнинг амал қилиши:

агар маъмурий ҳужжат муддатли хусусиятга эга бўлса, маъмурий ҳужжатнинг амал қилиш муддати ўтиши;

маъмурий ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш билан боғлиқ шартнинг юзага келиши;

маъмурий ҳужжатнинг бекор қилиниши;

тартибга солиш предметининг барҳам топиши муносабати билан тугатилади.

Маъмурий ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш унинг асосида берилган ҳужжатлар амал қилишининг тугатилишига олиб келади.

59-модда. Маъмурий ҳужжатни бекор қилиш, ўзгартириш ёки ҳақиқий эмас деб топиш

Маъмурий ҳужжат манфаатдор шахснинг аризаси ёки маъмурий шикоя-

тига кўра маъмурий ҳужжатни қабул қилган маъмурий орган, юқори турувчи маъмурий орган томонидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органлар томонидан ҳам бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш зарурияти қонун ҳужжатларидаги ўзгартишлар, жамоат манфаатларига бўлган таҳдиднинг олдини олиш, маъмурий ҳужжатнинг қонун ҳужжатларига номувофиқлиги аниқланганлиги сабабли юзага келган ҳолларда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда маъмурий орган ўзи қабул қилган маъмурий ҳужжатни ўз ташаббусига кўра бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли.

Қонун ҳужжатларида маъмурий ҳужжатлар фақат суд тартибида бекор қилинадиган ёки ўзгартириладиган ҳоллар назарда тутилиши мумкин.

Маъмурий ҳужжат қонун ҳужжатларига мувофиқ эмас деб топилган тақдирда, у маъмурий орган томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши керак.

Манфаатдор шахснинг ишончи ҳимоя қилиниши лозим бўлган ҳолларда, маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласи суд тартибида кўриб чиқилади.

Агар манфаатдор шахс маъмурий ҳужжатнинг қонуний кучига ишониб, маъмурий ҳужжат асосида олинган мол-мулкдан фойдаланган, ўз мулкани тасарруф этиш учун битим тузган ёки маъмурий ҳужжатда белгиланган наф ва имтиёзлардан бошқача тарзда фойдаланган бўлса, унинг ишончи ҳимоя қилиниши лозим.

Манфаатдор шахснинг ишончи қуйидаги ҳолларда ҳимоя қилинмайди, агар:

манфаатдор шахс маъмурий ҳужжат билан боғлиқ бўлган қўшимча мажбуриятларини бажармаган бўлса;

манфаатдор шахс ўзига маъмурий ҳужжат асосида тақдим этилган пул маблағларидан, буюмдан ёки ҳуқуқдан мақсадли фойдаланмаган бўлса;

манфаатдор шахс маъмурий ҳужжатнинг ғайриҳуқуқийлигини билган ёки ўз айбига кўра бу ҳақда билмаган бўлса;

маъмурий ҳужжат алдаш, таҳдидлар ёки маъмурий органга бошқача тарзда ғайриҳуқуқий таъсир кўрсатиш оқибатида қабул қилинган бўлса;

қонун манфаатдор шахслар ишончининг ҳимоясини ҳисобга олмаган ҳолда маъмурий ҳужжатни бекор қилишни талаб этса.

Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу модда еттинчи қисмининг иккинчи — бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда ғайриҳуқуқий маъмурий ҳужжат орқага қайтиш кучи билан, уни бекор қилишнинг ёки йўқ қилишнинг аниқ пайтини белгилаш орқали бекор қилиниши мумкин.

Манфаатдор шахснинг ишончидан қатъи назар, қонун ҳужжатларига мувофиқ эмас деб топилган маъмурий ҳужжат, агар унинг сақлаб қолиниши жамоат манфаатларига таҳдид солаётган бўлса, маъмурий орган томонидан бекор қилиниши мумкин.

Манфаатдор шахсга маъмурий ҳужжатнинг қонуний кучига ишониш

сабабли келиб чиққан ёки муқаррар бўлган мулкый зарарнинг ўрни қопланади.

Мулкый зарарнинг ўрнини қоплаш маъмурий ҳужжатнинг мазмунига кўра манфаатдор шахс олиши керак бўлган наф миқдоридан ошмаслиги керак. Мулкый зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаб манфаатдор шахс маъмурий ҳужжат бекор қилинганлиги ҳақида хабардор қилинган пайтдан эътиборан бир йил ичида тақдим этилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинган маъмурий ҳужжат қуйидаги ҳолларда маъмурий орган томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин:

қонун талабларига мувофиқ ёки бундай имконият бевосита маъмурий ҳужжатнинг ўзида назарда тутилган бўлса;

агар кейинчалик ўзгарган ҳақиқий ҳолатлар туфайли ёки қонун ҳужжатларидаги ўзгартишлар асосида жамоат манфаатларига зарар етишининг олдини олиш мақсадида маъмурий ҳужжатни бекор қилиш зарур бўлса;

агар маъмурий ҳужжат билан қўшимча мажбуриятлар боғлиқ бўлса ва манфаатдор шахс уларни бажармаган бўлса;

агар манфаатдор шахс маъмурий ҳужжат асосида ўзига берилган пул маблағларидан, буюмдан ёки ҳуқуқдан мақсадли фойдаланмаётган бўлса;

агар маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш ушбу ҳужжат юборилган манфаатдор шахс фойдасига амалга оширилса ва бунда бошқа манфаатдор шахсларга қийинчилик туғилмаса.

Худди шундай мазмундаги маъмурий ҳужжатни такроран қабул қилиш учун бошқа асослар мавжуд бўлган ҳолларда, маъмурий ҳужжатни тегишли асосларда бекор қилишга ёки ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинган маъмурий ҳужжат фақат ушбу модда ўн иккинчи қисмининг иккинчи, тўртинчи ва бешинчи хат-бошиларида назарда тутилган ҳолларда, уни бекор қилиш учун аниқ пайт-ни белгилаш орқали, орқага қайтиш кучи билан бекор қилиниши мумкин.

Илгари қабул қилинган маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги маъмурий ҳужжатни қабул қилаётганда маъмурий орган бекор қилинаётган ёки ўзгартирилаётган маъмурий ҳужжатнинг қайси қисми ва қайси вақтдан эътиборан ўз кучини йўқотишини белгилаши керак.

Маъмурий ҳужжат қонунда белгиланган тартибда суд томонидан ҳақиқий эмас деб топиллиши мумкин.

60-модда. Маъмурий ҳужжатни бекор қилиш тартиб-таомили

Маъмурий ҳужжатни манфаатдор шахс фойдасига бекор қилиш мажлис ўтказмасдан амалга оширилиши мумкин.

Маъмурий ҳужжатни манфаатдор шахс манфаатларига зид равишда бекор қилиш, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, уни мажлисида қайта кўриб чиқиш орқали амалга оширилади.

Агар маъмурий ҳужжатни бекор қилиш бир манфаатдор шахс фойдасига, ammo бошқа манфаатдор шахснинг манфаатларига зид равишда амалга

оширилаётган бўлса, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

61-модда. Маъмурий ҳужжат бекор қилинган тақдирда ҳужжатлар, буюмлар ва пул маблағларини қайтариш

Маъмурий ҳужжат бекор қилинган тақдирда унинг асосида берилган ҳужжатлар, буюмлар ва пул маблағлари, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, уларга эгалик қилаётган шахслар томонидан қайтариб берилиши лозим.

5-боб. Маъмурий шикоят бўйича иш юритиш

62-модда. Маъмурий шикоят предмети

Ушбу бобда белгиланган тартибда:
маъмурий ҳужжатлар устидан;
процессуал ҳужжатлар устидан, агар уларнинг устидан шикоят қилиш ушбу Қонунда назарда тутилган бўлса;
маъмурий ҳаракатлар устидан, шу жумладан маъмурий ҳужжатни қабул қилишни рад этиш ёки уни тегишли муддатда қабул қилмаганлик устидан шикоят қилиниши мумкин.

63-модда. Маъмурий шикоят қилиш тартиби

Манфаатдор шахс маъмурий шикоятни қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий шикоятларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган юқори турувчи маъмурий органга ёки бошқа ваколатли маъмурий органга устидан шикоят қилинаётган маъмурий ҳужжатни, процессуал ҳужжатни қабул қилган ёхуд маъмурий ҳаракатни амалга оширган маъмурий орган орқали бериши мумкин.

Маъмурий шикоятни олган маъмурий орган у келиб тушган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида маъмурий шикоятни юқори турувчи органга ёки ушбу маъмурий шикоятни кўриб чиқишга ваколатли бўлган бошқа маъмурий органга маъмурий иш билан бирга юборadi.

Манфаатдор шахс маъмурий ҳужжат устидан берилган маъмурий шикоятни маъмурий тартибда кўриб чиқиш натижаларидан норози бўлган ёки юқори турувчи маъмурий орган мавжуд бўлмаган тақдирда, маъмурий ҳужжат устидан судга шикоят қилишга ҳақли.

Қонун ҳужжатларида маъмурий ҳужжат устидан маъмурий шикоят берилиши мумкин бўлган бошқа орган белгиланиши мумкин.

64-модда. Маъмурий шикоятни бериш муддати

Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий шикоят маъмурий ҳужжат, процессуал ҳужжат тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган пайтдан ёки манфаатдор шахсга маъмурий ҳаракат ҳақида маълум бўлган пайтдан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай берилиши мумкин.

Маъмурий шикоят бериш муддати, агар у узрли сабабга кўра ўтказиб

юборилган бўлса, шикоятни кўриб чикувчи маъмурий орган томонидан тикланиши мумкин.

65-модда. Маъмурий шикоятнинг шакли ва мазмуни

Маъмурий шикоят ёзма, оғзаки ёки электрон шаклда берилади ва унда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) маъмурий ҳужжатни қабул қилган маъмурий органнинг номи;
- 2) шикоят берган аризачининг (унинг вакилининг) фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи, юридик шахс учун эса — унинг номи ва жойлашган ери (почта манзили);
- 3) аризачининг талаблари;
- 4) илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати (мавжуд бўлган тақдирда);
- 5) ариза берилган сана.

Маъмурий шикоят манфаатдор шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Агар шикоят вакил томонидан берилган бўлса, унга ишончнома-нинг ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг кўчир-ма нусхаси илова қилиниши керак.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берилган маъмурий шикоятда ушбу моддада санаб ўтилган маълумотлардан ташқари манфаатларини кўзлаб шикоят берилаётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва унинг манзили ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ахборот кўрсатилиши керак.

Қонун ҳужжатларида маъмурий шикоятга ва унга илова қилинадиган ҳужжатларга доир бошқа талаблар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Маъмурий орган маъмурий шикоятга ва унга илова қилинадиган ҳужжатларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган талаблар қўйишга ҳақли эмас.

Жисмоний шахс оғзаки шикоят қилаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши керак.

Электрон шаклда бериладиган шикоятларда аризачининг электрон манзили ва ягона идентификатори, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса электрон рақамли имзо ва бошқа реквизитлар кўрсатилиши керак.

Шикоятда электрон манзилнинг кўрсатилганлиги аризачининг хабарномаларни ахборот тизими орқали электрон шаклда қабул қилишга бўлган розилигидир.

66-модда. Маъмурий шикоятни кўриб чиқиш

Маъмурий шикоят ушбу Қонуннинг 3-бобида назарда тутилган қоидалар бўйича кўриб чиқилади.

Маъмурий шикоятни кўриб чиқиш чоғида юқори турувчи маъмурий орган маъмурий ишни тўлиқ ҳажмда кўриб чиқади.

67-модда. Маъмурий шикоятни кўриб чиқиш муддати

Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, юқори турувчи маъмурий орган ёки бошқа ваколатли орган маъмурий шикоят бўйича ўттиз иш куни ичида қарор қабул қилиши шарт.

Маъмурий шикоят бўйича белгиланган муддатда қарор қабул қилинмаган тақдирда, манфаатдор шахс маъмурий ҳужжат, процессуал ҳужжат ёки маъмурий ҳаракат устидан суд тартибида шикоят қилишга ҳақли.

68-модда. Маъмурий шикоятни чақириб олиш

Маъмурий шикоят берган шахс шикоят бўйича қарор қабул қилингунига қадар уни чақириб олишга ҳақли. Маъмурий шикоятни чақириб олиш ёзма ёки электрон шаклда расмийлаштирилади.

69-модда. Маъмурий шикоят бўйича қарор

Юқори турувчи маъмурий орган ёки бошқа ваколатли орган маъмурий шикоят бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

шикоят қилинган маъмурий ёки процессуал ҳужжатни ўзгаришсиз қолдириш;

шикоят қилинган маъмурий ёки процессуал ҳужжатга ўзгартиришлар киритиш;

маъмурий ёки процессуал ҳужжатни бекор қилиш ва зарурат бўлганда янги ҳужжат қабул қилиш.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қарорларни қабул қилиш мумкин бўлмаганда ёки мақсадга мувофиқ бўлмаганда, маъмурий ҳаракатлар устидан шикоят қилинганда, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, юқори турувчи маъмурий орган ёки бошқа ваколатли орган муайян маъмурий ҳужжатни, процессуал ҳужжатни қабул қилиш ёки муайян маъмурий ҳаракатни амалга ошириш мажбуриятини маъмурий органнинг зиммасига юклатиши мумкин.

Манфаатдор шахс маъмурий шикоят бўйича қабул қилинган қарорга рози бўлмаган тақдирда, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, унинг устидан ўттиз календарь кун ичида суд тартибида шикоят қилишга ҳақли.

70-модда. Шикоят қилинганда маъмурий ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш

Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий ҳужжат устидан шикоят қилинганлиги маъмурий шикоят маъмурий органда рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан унинг амал қилишини ва ижро этилишини тўхтатиб туради.

6-боб. Ижро ишини юритиш**71-модда. Маъмурий ҳужжатнинг ижросини таъминлайдиган орган**

Агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса,

маъмурий ҳужжатни қабул қилган маъмурий орган унинг ижросини таъминлайди.

72-модда. Маъмурий ҳужжатни ихтиёрий ижро этиш муддати

Маъмурий орган томонидан маъмурий ҳужжатни ихтиёрий ижро этиш учун белгиланган муддат, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, адресат қабул қилинган маъмурий ҳужжат тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган кундан эътиборан беш календарь кундан кам бўлмаслиги керак.

73-модда. Маъмурий ҳужжатни ихтиёрий ижро этиш усули

Адресат маъмурий ҳужжатда белгиланадиган ижро этиш тартиби доирасида маъмурий ҳужжатни ўзи учун энг мақбул бўлган қонуний усуллар ва воситалар орқали ижро этишга ҳақли.

Ихтиёрий ижро этиш усули маъмурий ҳужжат талабларининг тегишли тарзда ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлаши керак.

74-модда. Маъмурий ҳужжатнинг мажбурий ижро этилишига йўл қўйилмаслиги

Маъмурий ҳужжатни мажбурий ижро этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Маъмурий ҳужжат бўйича ўз мажбуриятларини ихтиёрий равишда, тегишли тарзда ва тегишли муддатда бажараётган шахсга нисбатан маъмурий ҳужжатни мажбурий ижро этишнинг ҳеч бир чораси қўлланиши мумкин эмас.

Агар адресат маъмурий ҳужжатни мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш таҳдиди остида ихтиёрий равишда ижро этишга розилик билдирса ва ўз мажбуриятларини бажаришга киришса, тайинланган мажбурий ижро этиш чораси адресат маъмурий ҳужжатни виждонан ва тегишли тарзда бажараётганда ижро этилмаслиги керак.

Адресатнинг ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарганлиги мажбурий ижро этиш чораси қўлланилишини дарҳол бекор қилади.

75-модда. Мажбурий ижро чоралари

Маъмурий орган қонунда назарда тутилган ҳолларда қуйидаги мажбурий ижро чораларини қўллашга ҳақли:

пулга оид мажбурлов;

маъмурий ҳужжатда назарда тутилган ҳаракатларни маъмурий орган ёки бошқа шахс томонидан қарздор ҳисобига амалга ошириш;

бевосита мажбурлов.

Мажбурий ижро чораси маъмурий органнинг ижро ҳужжати билан расмийлаштирилиши керак. Тегишли ижро ҳужжатини қабул қилмай туриб, мажбурий ижро чораларини қўллашга йўл қўйилмайди.

Маъмурий орган мажбурий ижро чорасини тайинлашда маъмурий тартиб-таомиллар принципларига амал қилиши керак.

Агар тайинланган мажбурий ижро чораси маъмурий ҳужжат талабларининг тегишли тарзда ва ўз вақтида ижро этилишини таъминламаган бўлса, маъмурий орган оғирроқ мажбурлов чорасини қўллашга ҳақли.

Қонунда бошқа мажбурий ижро чоралари ҳам назарда тутилиши мумкин.

76-модда. Маъмурий органнинг ижро ҳужжати

Маъмурий ҳужжат адресат томонидан тегишли тарзда ва тегишли муддатда ижро этилмаган тақдирда унинг мажбурий ижросини таъминловчи процессуал ҳужжат маъмурий органнинг ижро ҳужжатидир. Агар ушбу бобда ёки бошқа қонунда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, ижро ҳужжатларига нисбатан ушбу Қонуннинг 4-бобиди назарда тутилган талаблар ва қоидалар қўлланилади.

Агар қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ижро ҳужжати маъмурий орган томонидан ўз ташаббусига кўра ёки ижро этилаётган маъмурий ҳужжат маъмурий иш юритиш бошқа иштирокчисининг қайси талаби натижасида қабул қилинган бўлса, ўша талабга кўра, ихтиёрий ижро этиш муддати ўтгач уч иш куни ичида қабул қилинади.

Маъмурий органнинг ижро ҳужжати фақат ёзма шаклда қабул қилинади ва у ушбу Қонуннинг 33-моддасида назарда тутилган тартибда хабардор қилиш мақсадида адресатга, шунингдек маъмурий ҳужжатнинг мажбурий ижро этилишини талаб қилаётган шахсга бир иш куни ичида юборилиши керак.

Ижро ишини юритишда маъмурий ҳужжат бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки тегишли тарзда бажармаганлиги учун ўзига нисбатан ижро ҳужжати қабул қилинган адресат — мажбуриятли шахс, ижро ҳужжати қайси шахснинг фойдасига ёки қайси шахс манфаатларини кўзлаб қабул қилинган бўлса, ўша шахс ундирувчи бўлади.

77-модда. Ижро ҳужжатини ижро этиш

Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ижро ҳужжати мажбуриятли шахс унинг қабул қилинганлиги тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган пайтдан эътиборан камида беш кун ўтгач ижро этилади. Мажбуриятли шахсни тегишли тарзда хабардор қилиш имкони бўлмаган тақдирда, ижро ҳужжати тегишли тарзда хабардор қилиш имконсизлиги факти расмийлаштирилган пайтдан эътиборан беш кун ўтгач кучга киради ва ижро этилади.

78-модда. Пулга оид мажбурлов

Пулга оид мажбурлов ундирилиши лозим бўлган муайян суммани тайинлашда ёки ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун пеня тўлашда ифодаланиши мумкин.

Пулга оид мажбурловнинг энг кўп миқдорлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

79-модда. Маъмурий ҳужжатда назарда тутилган ҳаракатларни маъмурий орган ёки бошқа шахс томонидан қарздор ҳисобига амалга ошириш

Агар маъмурий ҳужжатда назарда тутилган бирор-бир ҳаракатни амалга ошириш мажбурияти адресат томонидан бажарилмаётган бўлса, аммо у бошқа шахс томонидан бажарилиши мумкин бўлса, маъмурий орган ушбу ҳаракатни мажбуриятли шахс ҳисобидан амалга ошириш учун бошқа шахсни жалб этиши мумкин. Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий ҳужжатнинг ижросини таъминловчи орган ушбу ҳаракатни мажбуриятли шахс ҳисобидан ўзи амалга оширишга, агар бу мумкин бўлса, ҳақли.

80-модда. Бевосита мажбурлов

Агар енгилроқ чоралар маъмурий ҳужжатнинг ижросини таъминлай олмаса ёки объектив ҳолатларга кўра уларни қўллаш мумкин бўлмаса, маъмурий ҳужжатнинг ижросини таъминловчи орган, ўзида тегишли ваколатлар мавжуд бўлган тақдирда, мажбуриятли шахсни қонунда белгиланган тартибда маъмурий ҳужжат бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга бевосита мажбурлашга, бундай ваколатлар мавжуд бўлмаганда эса тегишли ижро ҳужжатини ижро этиш борасида кўмаклашиш учун ваколатли давлат органига мурожаат қилишга ҳақли.

81-модда. Мажбурий ижро чораларини қўллаш тўғрисида огоҳлантириш

Ушбу Қонуннинг 75-моддасида назарда тутилган ҳолда маъмурий орган мажбуриятли шахсга мажбурий ижро чораларини қўллаш тўғрисида огоҳлантириш юбориши ва маъмурий ҳужжатни ихтиёрий ижро этиш учун қўшимча муддат белгилаши мумкин. Агар мажбуриятли шахс белгиланган қўшимча муддатда ўз мажбуриятларини бажармаса, маъмурий орган мажбурий ижро чорасини бир иш куни ичида қўллайди.

82-модда. Маъмурий орган томонидан маъмурий ҳужжат бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслик

Агар маъмурий орган ўзи қабул қилган маъмурий ҳужжат бўйича ўз мажбуриятларини маъмурий ҳужжатда белгиланган ижро муддати ичида ёки, агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, маъмурий ҳужжат қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида тегишли тарзда бажармаса, манфаатдор шахс бундай бажармаганлик устидан маъмурий ҳужжат устидан шикоят қилиш учун белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

83-модда. Ижро иши юритишдаги харажатлар

Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий ҳужжатни мажбурий ижро этиш бўйича қилинган харажатларнинг ўрни мажбуриятли шахс ҳисобидан қопланади.

7-боб. Якунловчи қондалар**84-модда. Маъмурий регламентлар**

Агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий ишларни ҳал қилиш, маъмурий ва процессуал ҳужжатларни қабул қилиш, маъмурий ҳужжатларни ижро этиш, шунингдек маъмурий шикоятларни кўриб чиқиш бўйича маъмурий органлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи маъмурий регламентлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

85-модда. Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

86-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминласин.

87-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

88-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан ўн икки ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 8 январь,
ЎРҚ-457-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

23 Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2017 йил 18 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг **Ҳарбий доктринаси тўғрисида**»ги 105–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 180-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;
ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 январь,
ЎРҚ–458-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 10 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг
2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-458-сонли
Қонуни билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Ўзбекистон Республикасининг МУДОФАА ДОКТРИНАСИ

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси (бундан буён матнда Доктрина деб юритилади) ҳарбий соҳада Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашга доир принциплар ва ёндашувларни белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Доктринанинг мудофаа хусусиятига эгаллигини тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикаси ҳеч бир давлатни ўзининг душмани деб ҳисобламайди ва барча мамлакатлар билан муносабатларни мамлакат миллий манфаатларининг устуворлиги асосида ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини инobatга олган ҳолда, ўзаро наф кўриш, тенг ҳуқуқлилиқ ҳамда бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, барча низоли масалаларни тинч воситалар ва музокаралар йўли билан ҳал қилиш, давлатлараро шаклланган чегараларнинг бузилмаслиги ва ўзгармаслигини тан олиш асосида қуради.

3. Доктрина:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Миллий хавфсизлик концепцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига асосланади, халқаро ҳуқуқнинг, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг принциплари ва нормаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлган халқаро шартномаларга таянади;

мамлакатнинг миллий манфаатларидан, жаҳондаги ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятдан, ҳарбий соҳада миллий хавфсизликка бўлган таҳдидлар даражасидан, замонавий ҳарбий можароларнинг хусусиятидан келиб чиқади;

Ташқи сиёсий фаолият концепциясининг ва мамлакат мудофаасини режалаштиришга доир бошқа ҳужжатларнинг асосий қоидаларини инobatга олади;

ҳарбий можароларнинг олдини олиш, ҳаётий муҳим миллий манфаатларни ҳимоя қилиш бўйича давлат, жамият ва фуқаролар фаолиятини ташкил этиш йўналишлари ва усулларини очиб беради;

давлатнинг келажакда мудофаа соҳасидаги сиёсати устуворликларини, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини (бундан буён матнда Қуролли Кучлар деб юритилади) тайёрлаш, қуриш ва қўллашнинг асосий принциплари ва йўналишларини белгилайди.

4. Доктринани рўёбга чиқариш Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигини таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсати доирасида амалга оширилади.

5. Ушбу Доктринада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

алоҳида давр — сафарбарлик (ҳарбий ҳолатни жорий этиш) тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан бошланадиган давр, шу жумладан ҳарбий ҳаракатлар олиб бориладиган бутун давр;

давлатнинг ҳарбий ташкилоти — давлат бошқаруви ва ҳарбий бошқарув органларининг, Қуrolли Кучларнинг, уруш даври учун тузиладиган бошқа органлар, муассасалар ва махсус тузилмаларнинг, шунингдек мудофаа саноати комплекси мажмуи бўлиб, уларнинг биргаликдаги фаолияти ҳарбий хавфсизликни таъминлаш борасидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган бўлади;

мамлакат мудофааси — Ўзбекистон Республикасининг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини, аҳолисининг тинч ҳаёти ва хавфсизлиги ҳимоя қилинишини таъминловчи сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-ҳуқуқий, ахборотга оид, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирлар тизими;

миллий хавфсизликка ҳарбий соҳадаги таҳдидлар — Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий куч қўлланилиши ҳақиқатан мумкинлигини тавсифловчи омиллар;

ноқонуний қуrolли тузилмалар — миллий ва халқаро қонун ҳужжатларига хилоф равишда шакллантирилган, террорчилик, экстремистик, жиноий ёки бошқа мақсадларни кўзловчи қуrolли бирлашмалар, отрядлар, гуруҳлар;

таҳдид солувчи давр — вақтнинг турли муддат давом этадиган, қоида тарикасида, ҳарбий можаро бошланишидан олдинга тўғри келадиган ҳамда ҳарбий-сиёсий вазият ўта кескинлашганлиги билан тавсифланадиган даври;

фавқулодда вазият — одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғи ёки аτροφ-муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқаришга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавfli табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган ҳолат;

қуrolли можаро — давлатлар ўртасидаги (халқаро қуrolли можаро) ёки бир давлат ҳудуди доирасидаги (ички қуrolли можаро) қарама-қарши томонлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, миллий, этник, диний ва бошқа зиддиятларни ҳал этиш мақсадидаги микёси чекланган қуrolли тўқнашув (ҳаркат, жанжал) бўлиб, бунда уруш ҳолати эълон қилинмайди;

ҳарбий можаро — давлатлар ўртасидаги ёки давлатнинг ички қарама-қаршиликларини ҳарбий куч қўллаган ҳолда ҳал этиш шакли бўлиб, бу қуrolли кураш олиб боришнинг барча турларини, шу жумладан урушлар ва қуrolли можароларни қамраб олади;

ҳарбий тажовуз — Ўзбекистон Республикасининг суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига ва давлат мустақиллигига қарши ҳарбий кучни қўллаш;

ҳарбий хавфсизлик — миллий манфаатларнинг ҳарбий соҳада давлат хавфсизлигига бўлган таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати.

II. Доктринанинг ҳарбий-сиёсий жиҳатлари

1. Ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари

6. Глобаллашув давом этаётган ва халқаро муносабатларнинг бутун тизими ўзгариб бораётган шароитларда жаҳондаги ҳарбий-сиёсий вазият халқаро ва минтақавий хавфсизликка хавф-хатар ҳамда таҳдидлар кўлами кенгайиб бораётганлиги — геосиёсий қарама-қаршиликнинг кучайиши, можаролар ва танг вазиятларни куч ишлатиб ҳал этишга бўлган ёндашувнинг устунлик қилиши, куч ишлатиш, шу жумладан оммавий қирғин қуролини қўллаш эҳтимоли ошганлиги, ҳарбийлаштириш, халқаро терроризм ва экстремизм фаоллашганлиги, ахборот макони ва кибермаконда ўзаро кураш кучайганлиги билан тавсифланади.

Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларининг эркин талқин этилиши ҳамда танлаб қўлланилиши ҳоллари тобора кучаймоқда.

Ушбу банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида кўрсатилган хавотирли тенденциялар мавжуд танглик ўчоқларининг глобал миқёсда кескинлашувига ҳамда янгилари пайдо бўлишига олиб келмоқда. Бунинг оқибатида жаҳондаги ҳолат тобора мураккаблашмоқда, тахмин қилиниши қийин бўлган хусусият касб этмоқда.

Ўз навбатида Марказий Осиёдаги вазиятга терроризм, экстремизм, наркотрафик ва трансчегаравий жиноятчиликнинг сақланиб турган хавф-хатарлари ва таҳдидлари салбий таъсир кўрсатмоқда. Афғонистондаги ноқонуний қуроли тузилмалар фаолияти минтақа хавфсизлигига алоҳида хавф солмоқда.

7. Мазкур бўлимнинг 6-бандида кўрсатилган омиллар ҳарбий кучни қўллаш заруриятини келтириб чиқариши мумкин. Бундай шароитда давлатнинг мудофаа салоҳияти ҳарбий соҳада миллий хавфсизликка бўлган таҳдидларни жиловлаш, нейтраллаштириш ва тугатишнинг асосий воситаларидан бири бўлиб қолади.

2. Ҳарбий соҳада миллий хавфсизликка бўлган асосий таҳдидлар

8. Ҳарбий соҳада миллий хавфсизликка бўлган асосий таҳдидлар қуйидагилардан иборат:

ҳарбий ҳаракатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кўчиши хавфи бўлган ҳарбий можаролар;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси яқинида қўшинлар туркумларини минтақада кучлар мутаносиблиги бузилишига олиб келадиган тарзда ҳамда Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовузга тайёргарлик қўрилаётганидан дарак берадиган тарзда намоийшкорона кўпайтириш;

Ўзбекистон Республикасининг суверенитетига ва ҳудудий яхлитлигига тажовуз қилиш;

бевосита Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ёхуд қўшни давлатларнинг

чегара олди туманларига ташлаш учун ноқонуний қуролли тузилмаларни ташкил этиш, ўқитиш ва қуроллантириш;

наркотрафик, қурол-яроғ, ўк-дори, захарли ва портловчи моддалар, кўпурувчилик-террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа воситалар контрабандаси билан боғлиқ трансчегаравий ва халқаро уюшган жиноий фаолият;

ахборот-коммуникация маконида Ўзбекистон Республикасининг суверенитетига, мустақиллигига, ҳудудий яхлитлигига қарши қаратилган ҳамда аҳолининг тинч ҳаётига таҳдид солувчи мафкуравий ва психологик ҳаракатлар.

3. Ўзбекистон Республикасининг мудофаа соҳасидаги сиёсати

9. Ўзбекистон Республикасининг мудофаа соҳасидаги сиёсатининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

мустақилликни, суверенитетни, ҳудудий яхлитликни ва конституциявий тузумни ҳимоя қилиш;

давлатнинг ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш;

Марказий Осиёда халқаро ва минтақавий ҳамкорликни, хавфсизликни, барқарорликни ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш;

давлатнинг ҳарбий ташкилотини мунтазам равишда ривожлантириш, уни Ўзбекистон Республикасини қуролли ҳимоя қилишга шай ҳолатда сақлаб туриш.

10. Ўзбекистон Республикасининг мудофаа соҳасидаги сиёсати қуйидаги принципларга асосланган:

бошқа давлатларга қарши ҳарбий куч ишлатмаслик, бундан ҳарбий тажовузнинг олдини олиш ва уни даф этиш ҳоллари мустасно;

хавфсизликнинг бўлинмаслиги, ўз хавфсизлигини бошқа давлатлар хавфсизлиги ҳисобига мустаҳкамлашга йўл қўйилмаслиги;

бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, эҳтимол тутилган низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;

ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслик, ҳар қандай давлатлараро тузилмадан, агар у ҳарбий-сиёсий блок этиб ўзгартирилса, чиқиб кетиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиш;

мудофаанинг етарли даражада бўлиши;

ҳарбий қурилишнинг замонавий ҳарбий можаролар хусусиятига монанд бўлиши;

ядровий ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, тарқатиш ва жойлаштиришдан воз кечиш;

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги шартнома принципларига содиқлик;

ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базалари ва объектларининг жойлаштирилишига йўл қўймаслик;

Қуролли Кучларнинг хориждаги тинчлик ўрнатиш билан боғлиқ операцияларда ва ҳарбий можароларда иштирок этмаслиги;

халқнинг маънавий-ахлоқий кадриятларига ва ўзига хос маданий тамаддунига таяниш.

11. Ўзбекистон Республикаси тинчликсевар сиёсатни олиб борар экан, ҳарбий можароларнинг олдини олишда фаол иштирок этишни устувор вазифалардан бири деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикасининг ушбу соҳадаги сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

а) миллий даражада:

давлат ҳарбий ташкилотининг ўз мақсадига мувофиқ ҳаракат қилишга шайлигини сақлаб туриш;

ўз мудофаа саноати комплексини ва унинг илмий-ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш;

ижтимоий институтларга ва ҳокимият органларига бўлган ишончга путур етказишга, шунингдек давлатнинг ички ишларига аралashiш мақсадида аҳолининг оммавий онгига ахборот-мафкуравий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ хавфларни камайитиришга қаратилган илғор технологик ечимларни ва бошқа ечимларни қўллаш;

б) минтақавий даражада:

минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, минтақавий хавфсизликнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш, шу жумладан Афғонистондаги вазиятни тартибга солишга кўмаклашиш, трансчегаравий сув оқимлари ресурсларидан фойдаланиш масалаларини ҳал этиш, чегараларни делимитация ва демаркация қилиш жараёнларини тугаллаш, экологик барқарорликни таъминлаш, фавқулодда вазиятларга ҳамда табиий ва техноген хусусиятдаги трансчегаравий таҳдидларга эътибор қаратиш юзасидан таъсирчан чоратадбирларни кўриш;

минтақадаги тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликка ташқи ҳамда ички таҳдидлар бўлишига йўл қўймаслик ва уларни нейтраллаштириш, экстремизм, терроризм, уюшган ҳамда трансчегаравий жиноятчиликка қарши курашиш борасида Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар билан ўзаро ҳамфикрлик ва амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

минтақа давлатлари ўртасида ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш, ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш;

в) халқаро даражада:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, бошқа халқаро ташкилотлар ва институтларнинг халқаро хавфсизликни таъминлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишларида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигининг узоқ муддатли манфаатларидан келиб чиққан ҳолда манфаатдор мамлакатлар билан стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш ва сақлаб туриш ҳамда давлатлараро ўзаро манфаатли, мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиш;

оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик борасидаги глобал саъй-ҳаракатларга кўмаклашиш;

экстремизм ва халқаро терроризм кўринишларининг олдини олиш ва уларга чек қўйиш;

халқаро ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш.

12. Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хавфсизликни таъминлашга бўлган ўз ҳуқуқини амалга оширар экан, ўз Қуролли Кучларини:

ҳарбий тажовузни даф этиш;

ҳарбий соҳадаги миллий хавфсизликка таҳдид солувчи экстремизм, терроризм ва бошқа ғайриқонуний кўринишларга қарши курашиш;

фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этиш;

хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиш мақсадида қўллаши мумкин.

III. Доктринанинг ҳарбий-стратегик жиҳатлари

1. Замонавий ҳарбий можароларнинг хусусияти

13. Халқаро ҳарбий-сиёсий вазият беқарор ривожланаётган шароитларда Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигига турли кўринишдаги ҳарбий можароларга унинг жалб этилиши эҳтимолини истисно этмайди-ган таҳдидлар сақланиб қолмоқда.

14. Замонавий ҳарбий можароларнинг ўзига хос бўлган асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

зиддиятларни ҳал этиш учун ҳарбий куч ишлатиш зарурлиги тўғрисидаги сиёсий вазиятларни ва халқаро жамоатчилик фикрини шакллантириш учун олдиндан ахборот-психологик таъсир кўрсатиш;

ҳарбий куч билан бир қаторда ноҳарбий тусдаги (сиёсий, иқтисодий, ахборот-психологик ва бошқа) чора-тадбирлардан фаол фойдаланиш;

юқори аниқликка эга қуролларни, радиоэлектрон кураш воситаларини, учувчисиз учиш аппаратларини ва роботлаштирилган комплексларни, тармоқли автоматлаштирилган бошқарув тизимларини қўллаш;

қарши курашаётган томонларнинг бутун ҳудудида объектларнинг аниқ нуқталарини нишонга уришга қодирлик;

қўшинлар туркумларининг юксак даражада ҳаракатчанлиги ва етарли даражадалиги;

махсус операция кучларининг, ноқонуний қуролли тузилмаларнинг, хусусий ҳарбий компаниялар ва бошқа ёлланма шахсларнинг кураш олиб боришнинг қўпоровчилиги ҳамда террорчилик усулларида фойдаланиб ҳарбий можароларда фаол иштирок этиши;

маҳаллий аҳолининг ҳарбий можароларга кенг жалб этилиши ва ўта заифлиги;

вайрон қилиниши кенг қўламли фавқулодда вазиятларни, шу жумладан трансчегаравий фавқулодда вазиятларни келтириб чиқариши мумкин бўлган муҳим давлат инфратузилмаси объектларига аниқ йўналтирилган ҳолда зарба бериш (фаолият кўрсатишини бузиш);

бир шаклдаги ҳарбий можаронинг тез орада бошқа шаклдагисига ўзгариши эҳтимолининг юқорилиги.

2. Мамлакатни эҳтимол тутилган ҳарбий можароларга тайёрлашнинг асосий йўналишлари

15. Ҳарбий соҳада Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигини таъминлаш давлатнинг бош вазифаларидан биридир ва у эҳтимол тутилган ҳарбий можароларга олдиндан тайёргарлик кўришдан, уларни жиловлаш ҳамда уларнинг олдини олишдан иборатдир.

16. Мамлакатни эҳтимол тутилган ҳарбий можароларга тайёрлашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

мудофаа вазифаларини ҳал этиш учун ҳарбий ташкилотнинг барча таркибий қисмлари мувофиқлаштирилишини ва ўзаро ҳамкорликда ишлашини таъминлаш;

ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ривожланиш тенденцияларини мониторинг ва прогноз қилиш ҳамда миллий хавфсизликка ҳарбий соҳадаги таҳдидларни нейтраллаштириш борасида ўз вақтида монанд чора-тадбирлар кўриш;

мудофаа вазифаларини ҳал этиш учун қулай сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитларни сақлаб туришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

мамлакатнинг сафарбарлик тайёргарлиги, ҳудудни тезкор жихозлаш ва ҳарбий инфратузилмани ривожлантириш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

давлат ҳарбий ташкилотини мамлакатнинг иқтисодий имкониятларига мувофиқ мудофаа вазифаларини самарали ҳал этишни таъминлайдиган тарзда режали ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тизимини такомиллаштириш;

муҳим давлат (ҳарбий) объектларини қўриқлаш ва мудофаа қилиш тизимини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

ҳудудий мудофаа ва фуқаро муҳофазаси тизимлари ишининг самарадорлигини ошириш;

ахборот хавфсизлиги тизимини шакллантириш, ахборот ёрдамида фаол курашиш шакллари, усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш;

давлат ҳарбий ташкилотининг бошқарув тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

Қуролли Кучларга вазифаларни ўз вақтида қўйиш ва аниқлаштириш, уларнинг ҳаракатларини моддий-техникавий жиҳатдан ҳар томонлама таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларда Ватан тақдири учун жавобгарлик туйғусини мустаҳкамлаш борасида узлуксиз иш олиб бориш, шунингдек Қуролли Кучларнинг шахсий таркибини маънавий-ахлоқий ва психологик жиҳатдан самарали тайёрлаш.

3. Қуrolли Кучлар, уларнинг асосий вазифалари ва уларни қўллаш асослари

17. Қуrolли Кучлар давлат ҳарбий ташкилотининг ва мамлакат мудофаа тизимининг негизи бўлиб, ҳарбий можароларни жиловлаш ҳамда уларнинг олдини олиш, шунингдек давлатнинг ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш учун мўлжаллангандир.

Қуrolли Кучлар таркибига Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг тегишли бошқарув органлари, қўшинлари, ҳарбий тузилмалари ва муассасалари, шунингдек Миллий гвардия киради.

18. Қуrolли Кучларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) тинчлик даврида:

ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ривожланишини доимий равишда тизимли таҳлил ва прогноз қилиш;

ҳарбий соҳада миллий хавфсизликка бўлган таҳдидлар тўғрисида мамлакат мудофаа тизимининг барча кучлари ва воситаларини ўз вақтида огоҳлантириш (хабардор қилиш);

юзга келаётган ҳарбий-сиёсий вазиятга ва давлатнинг иқтисодий имкониятларига мувофиқ Қуrolли Кучларнинг қўлланилишини батафсил ва монанд режалаштириш;

бошқарув органлари ва қўшинларнинг (кучлар ва воситаларнинг) жанговар шайлигини ҳамда жанговар қобилиятини қуrolли можароларнинг олди олинишини таъминлайдиган даражада сақлаб туриш;

уруш бошланиши хавфи туғилган тақдирда Қуrolли Кучларнинг стратегик жиҳатдан ёйилишга шайлигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш;

муҳим давлат (ҳарбий) объектлари ва коммуникацияларини қўриқлаш ҳамда мудофаа қилиш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни тугатиш;

фавқулодда ҳолат режимини сақлаб туриш;

мамлакат ҳудудини тезкорлик билан жиҳозлашга ва ҳарбий инфратузилмани ривожлантиришга доир тадбирларни ўтказиш;

ҳудудий мудофаа ва фуқаро муҳофазаси тизимларини белгиланган муддатларда ёйишга ҳамда тегишли вазифаларни самарали бажаришга шай ҳолда сақлаб туриш;

бузғунчи кучларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви асосларига, ижтимоий-сиёсий барқарорликка қарши йўналтирилган ҳамда ҳарбий хавфсизликка зарар етказишга қаратилган қўпоровчилик фаолиятига қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қўмаклашиш;

бошқарув органлари ва қўшинларнинг тезкор ҳамда жанговар тайёргарлик режаларини ташкил этиш ҳамда бажариш;

б) таҳдид бўлаётган даврда:

Қуролли Кучларни юкори даражадаги жанговар шайликка келтириш бўйича комплекс тадбирларни ўтказиш;

Қуролли Кучларни стратегик жиҳатдан ёйиш;

худудий мудофаа ва фуқаро муҳофазаси тизимларини ёйиш;

ҳарбий ҳолат режимини сақлаб туриш;

в) уруш даврида:

ҳарбий тажовузни даф этиш ва тажовузкорнинг қўшинларига зарба бериш;

тажовузкорни Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига зид бўлмаган шартлар асосида ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга мажбур қилиш.

19. Қуролли Кучларни қўллаш Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий бош қўмондонининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мамлакат мудофаасини режалаштиришга доир бошқа ҳужжатларга мувофиқ ташкил этилади ва амалга оширилади.

Қуролли Кучларни қўллаш шакллари ва усуллари ҳақиқатан юзага келётган ҳарбий-сиёсий вазиятни ҳамда Ўзбекистон Республикасига нисбатан тажовузкор ҳаракатлар хусусиятини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

4. Қуролли Кучларнинг аҳолини ва объектларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш бўйича ҳаракатлари

20. Мамлакатнинг бутун ҳудудида аҳолини ҳамда потенциал хавфли объектларни замонавий ҳужум воситаларининг шикаст етказувчи омиллари таъсиридан, қўпоровчилик-террорчилик ҳаракатларидан ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш тизими ташкил этилади.

21. Ҳалокат юз берган ҳудудларда ва зарба ўчоқларида муҳандислик, радиациявий, кимёвий ҳамда бошқа турдаги разведка, қидирув-кутқарув, эвакуация ва бошқа шошилиш ишларни бажариш, жабрланган одамларнинг ҳаёт фаолиятини биринчи навбатда таъминлаш, объектларнинг фаолиятини тиклаш, шунингдек фуқаро муҳофазасига доир қолган вазифаларни бажариш олдиндан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган қўшма режаларга мувофиқ Фуқаро муҳофазаси қўшинлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳарбий ҳамда ихтисослаштирилган тузилмалари, фуқаро муҳофазасининг худудий ва объектлардаги тузилмалари томонидан амалга оширилади.

5. Мамлакат мудофаасига ва Қуролли Кучларга раҳбарлик қилиш

22. Мамлакат мудофаасига ва Қуролли Кучларга раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Президенти — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий бош қўмондони амалга оширади. У Ўзбекистон Республикаси мудофаа сиёсатининг ва ҳарбий қурилишининг асосий йўналишларини белгилайди.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат ҳарбий ташкилотининг мудофаа вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган молиявий, моддий ва бошқа ресурсларга бўлган талаб-эҳтиёжларини ҳар томонлама таъминлаш, мудофаа манфаатларини кўзлаб мамлакат ҳудудини тезкорлик билан жиҳозлаш масалаларини ҳал этади, Қуролли Кучларнинг қурол-яроғ, ҳарбий техника ва бошқа моддий-техника воситалари билан жиҳозланиши ҳамда таъминланишини ташкил этади, давлат ҳарбий буюртмаларини шакллантириш ва мудофаа аҳамиятига молик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлайди, мамлакат иқтисодиётининг сафарбарлик тайёргарлигини ташкил этади, фуқаро муҳофазасига раҳбарликни амалга оширади.

24. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада мудофаа вазифаларини ҳал қилишда иштирок этади.

25. Қуролли Кучлар таркибига кирувчи ҳарбий тузилмаларга раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавкулдада вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг, Миллий гвардиянинг марказий девонлари, шунингдек бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бошқарув органлари амалга оширади.

Мудофаа вазири уруш даври шароитида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий бош қўмондонининг ўринбосари ҳисобланади.

26. Қуролли Кучлар Бош штаби тинчлик даврида мамлакат мудофаасини режалаштиришнинг ва уруш даврида Қуролли Кучларни тезкор бошқаришнинг асосий органидир.

Тинчлик даврида Қуролли Кучлар Бош штаби ташкилий жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги таркибига киради ва вазирга бўйсунди, уруш даврида эса Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий бош қўмондонининг ишчи органига айланади.

27. Ҳарбий округ Қуролли Кучларнинг асосий ҳарбий-маъмурий бирлиги ва ҳудудий умумқўшин тезкор-стратегик бирлашмаси ҳисобланади. Ҳарбий округ қўмондонлиги мамлакатни қуролли ҳимоя қилиш манфаатларини кўзлаб тинчлик ва уруш даврида бўйсунувидаги қўшинларни тезкор режалаштириш ҳамда бошқаришни, шунингдек Қуролли Кучлар таркибига кирувчи ва унинг ҳудудий чегараларида жойлаштирилган барча ҳарбий тузилмаларнинг белгиланган йўналишда ягона тарзда режалаштирилишини, мувофиқлаштирилишини ва ҳамкорлигини амалга оширади.

6. Давлат ҳарбий ташкилотини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ва йўналишлари

28. Давлат ҳарбий ташкилотини ривожлантиришнинг асосий вазифалари миллий хавфсизликка ҳарбий соҳада мавжуд бўлган ва потенциал таҳдидларни, замонавий ҳарбий можароларнинг ўзига хос хусусиятларини, ҳарбий санъат назарияси ва амалиётининг ривожланишини, шунингдек дав-

латнинг ҳақиқий имкониятлари ва ресурсларини инobatга олган ҳолда мамлакатнинг мудофаа тизимини янада такомиллаштиришдан, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлиги ва жанговар қобилиятини оширишдан иборат.

29. Давлат ҳарбий ташкилотини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ҳарбий соҳада миллий хавфсизликнинг таъминланишини стратегик режалаштириш давлат тизимини қонунчилик йўли билан тартибга солиш самарадорлигини ошириш;

мамлакат мудофаасини режалаштириш тизимини такомиллаштириш;

давлатнинг ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш вазифаларига ва иқтисодий имкониятларига мувофиқ давлатнинг ҳарбий ташкилоти тузилмасини, таркибини ҳамда таркибий қисмлари сонини мақбуллаштириш;

мамлакатнинг сафарбарлик тайёргарлигини, давлат ҳарбий ташкилотининг фаолият юритишини иқтисодий жиҳатдан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

ҳарбий фанни ривожлантириш ва ҳарбий хавфсизликни таъминлаш соҳасида қабул қилинадиган қарорларнинг илмий жиҳатдан мустаҳкам тизимини такомиллаштириш;

мудофаанинг иқтисодий, технологик ва ҳарбий-техник базасининг асоси сифатида мудофаа саноати комплексини босқичма-босқич ривожлантириш;

қўшинларни қурол-яроғ, ҳарбий ва махсус техниканинг замонавий ва истиқболли намуналари билан қайта жиҳозлаш;

худудий мудофаа ва фуқаро муҳофазаси тизимларини такомиллаштириш;

ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишга доир янги механизмларни ишлаб чиқиш;

аҳолини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг самарали механизмларини мазкур жараёнга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилган ҳолда амалиётга жорий этиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

ҳалқаро ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш.

30. Қуролли Кучларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ҳарбий қурилишнинг миллий ва хорижий тажрибасини инobatга олган ҳолда қўшинлар ҳамда Қуролли Кучлар ҳарбий тузилмаларининг ташкил этилишини, тузилишини ва таркибини такомиллаштириш;

қўшинларнинг жанговар ва сафарбарлик шайлиги, қўшинларнинг тезкор, жанговар, маънавий-маърифий ва психологик тайёргарлигини режалаштириш ҳамда ташкил этиш, шунингдек таълим олган сафарбарлик захирасини тайёрлаш тизимларини такомиллаштириш;

барча даражалардаги бошқарув органларини мақбуллаштириш, қўшинларни ва қурол-яроғни бошқаришнинг ягона ҳимояланган ахборот-коммуникация тизимларини шакллантириш;

қўшинларнинг операциялари ва тактик ҳаракатларини тезкор (жанговар) таъминлаш тузилмаларини янада ривожлантириш;

ҳарбий таълим ҳамда миллий ҳарбий илмий ва педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини юксалтириш.

IV. Доктринанинг ҳарбий-иқтисодий жиҳатлари

1. Мамлакат мудофаасини ҳарбий-иқтисодий жиҳатдан таъминлаш асослари

31. Мамлакат мудофаасини ҳарбий-иқтисодий жиҳатдан таъминлашнинг мақсади тинчлик ва уруш даврида давлат ҳарбий ташкилотининг Ўзбекистон Республикасининг мудофаа соҳасидаги сиёсатини амалга ошириш учун етарлича молиявий, моддий-техникавий ва бошқа ресурсларга бўлган талаб-эҳтиёжларини қаноатлантиришдан иборатдир.

32. Мамлакат мудофаасини ҳарбий-иқтисодий жиҳатдан таъминлаш қуйидаги принципларга асосланган:

а) давлат ҳарбий ташкилотини молиявий ва моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш даражасининг мамлакат ҳарбий хавфсизлиги вазифаларига ҳамда иқтисодий имкониятларига мувофиқлиги;

б) ҳарбий-иқтисодий фаолиятни бошқаришда марказлаштириш;

в) молиявий, моддий-техникавий ва бошқа ресурсларни давлат ҳарбий ташкилотини тегишли мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш орқали ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал этишга йўналтириш.

33. Мамлакат мудофаасини ҳарбий-иқтисодий жиҳатдан таъминлашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотни етказиб бериш ҳамда ишлаб чиқаришга, мамлакат мудофааси эҳтиёжлари учун ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга доир давлат буюртмаларини жойлаштиришни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;

икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш дастурларини, шунингдек Қуролли Кучларни қурол-яроғ, ҳарбий ҳамда махсус техниканинг модернизация қилинган ва истиқболли намуналари билан таъминлаш дастурларини иқтисодий ҳамда молиявий жиҳатдан ўз вақтида ва оқилона таъминлаш;

ҳарбий хавфсизликни таъминлашга йўналтириладиган молиявий ва моддий ресурслар харажатларини мақбуллаштириш, давлат ҳарбий ташкилотининг барча таркибий қисмларини ўзаро боғлиқ, уйғун ҳолда ривожлантириш асосида улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

қўшинларни ва қурол-яроғни бошқаришнинг унификация қилинган, ҳимояланган ахборот-коммуникация тизимларини разведка, огоҳлантириш, радиоэлектрон кураш тизимларини, шунингдек юқори аниқликдаги нишонга уриш воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш учун иқтисодий ва молиявий шароитлар яратиш;

мамлакатнинг, Қуролли Кучларнинг ва ҳарбий инфратузилманинг илмий-техникавий, технологик ва ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш;

ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотдаги, шунингдек уларни ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш технологияларидаги интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

иқтисодиётнинг фуқароларга оид ва ҳарбий секторларини ўзаро уйғунлаштириш ҳамда давлатнинг ҳарбий-иқтисодий фаолиятини унинг ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш манфаатларини кўзлаб мувофиқлаштириш;

ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг турмуш даражасини юксалтириш, қонун ҳужжатларида белгиланган ижтимоий кафолатларини амалга ошириш;

мамлакатнинг сафарбарлик шайлиги ва сафарбарлик тайёргарлиги тизимларини такомиллаштириш;

моддий воситалар захираларини шакллантириш;

ўзаро манфаатли халқаро ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни амалга ошириш.

34. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг таркибий қисми бўлган мудофаа бюджети мамлакат мудофаасини молиявий жиҳатдан таъминлашнинг асосидир. Мудофаа бюджети давлатнинг иқтисодий имкониятларини ва давлат ҳарбий ташкилотининг мудофаа вазифаларини ҳал этиш учун ҳақиқий талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

35. Ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояси ҳарбий хизматни ўташ тартибини, ички таъминотини, уй-жой, тиббий ва пенсия таъминотини такомиллаштиришга қаратилган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва жамиятда ҳарбий хизматнинг нуфузи, обрўси оширилишини таъминлайдиган давлат дастурларини рўёбга чиқаришнинг бошқа ишлаб чиқилган самарали механизмлари асосида амалга оширилади.

36. Халқаро ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик Қуролли Кучларни қурол-яроғ, ҳарбий ва махсус техниканинг энг янги ҳамда истиқболли намуналари билан таъминлаш, уларни модернизация қилиш, таъмирлаш ва утилизация қилиш бўйича вазифаларни ҳал этиш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, мудофаа саноати комплексига чет эл инвестициялари ҳамда технологияларини жалб этиш, шунингдек ҳарбий, ҳарбий-техник кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш заруриятига мувофиқ ташкил этилади ҳамда амалга оширилади.

2. Мамлакатнинг сафарбарлик тайёргарлиги

37. Ўзбекистон Республикаси сафарбарлик тайёргарлигининг асосий мақсади иқтисодиётни, давлат ва хўжалик бошқаруви органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, ҳудудларни, аҳолини ва Қуролли Кучларни ҳарбий тажовузнинг даф этилишини таъминлашга ҳамда уруш даврида давлат ва аҳоли эҳтиёжларини қаноатлантиришга тайёрлашдан иборат.

38. Мамлакат сафарбарлик тайёргарлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

сафарбарлик тайёргарлиги ва сафарбарлик соҳасидаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, шунингдек кўп укладли иқтисодиёт шароитида мулк шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарлигини белгилаш;

мамлакат иқтисодиётининг сафарбарлик режасини шакллантириш;

ҳарбий ва фуқаролар учун мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарувчи (таъмирловчи) ишлаб чиқаришларни ривожлантириш ҳамда жойлаштиришга доир асосли қарорлар ва режаларни, давлатнинг моддий захираларини, фуқаро муҳофазаси объектлари ва мол-мулкни жамлаш нормативларини, шунингдек алоҳида даврда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг барқарор фаолият кўрсатишига доир кўрсаткичлар ишланмаларини ишлаб чиқиш;

корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига алоҳида даврда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш бўйича сафарбарлик топшириқларини белгилаш;

иқтисодиётни бошқариш тизимининг алоҳида даврда барқарор фаолият кўрсатишга шайлигини таъминлаш;

уруш даврида иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатишини ва аҳолининг ҳаёт фаолиятини таъминлайдиган давлат инфратузилма объектларини ривожлантириш;

уруш даврида Қуролли Кучларга топшириш учун ёки мамлакат иқтисодиёти манфаатларини кўзлаб фойдаланиш учун мўлжалланган махсус тузилмалар ва муассасаларни ташкил этиш ҳамда шай ҳолатда сақлаб туриш;

давлат захираларида моддий бойликлар захираларини шакллантириш;

молия ва солиқ тизимларининг уруш даврида фаолият кўрсатишга шайлигини таъминлаш;

Қуролли Кучларнинг сафарбар ҳолда ёйилишини ва зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга шай ҳолатга келтирилишини ҳар томонлама таъминлаш.

3. Мамлакатнинг мудофаа саноати комплекси

39. Қуролли Кучларнинг қурол-яроғ, ҳарбий ва махсус техниканинг модернизация қилинган ҳамда истиқболли намуналарига, шунингдек бошқа ҳарбий-техникавий мол-мулкка бўлган талаб-эҳтиёжларини қаноатлантириш учун мўлжалланган мудофаа саноати комплексини босқичма-босқич ривожлантириб бориш мамлакат мудофаасининг иқтисодий, технологик ва ҳарбий-техникавий базасининг асосини ташкил этади.

40. Мамлакат мудофаа саноати комплексини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

мудофаа саноати корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг самарали ишлаши учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни назарда тутувчи ўрта муддатли дастурларни амалга ошириш;
ҳарбий-техникавий йўналишдаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини шакллантириш ҳамда ўтказишнинг давлат тизимини жорий этиш;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва манфаатдор хорижий шериклар билан кооперация алоқаларини йўлга қўйиш;
ҳарбий мақсадга мўлжалланган маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва модернизация қилиш соҳасидаги талаб юқори бўлган технологияларни ўзлаштириш;

бошқарув кадрларини, илмий, муҳандис-техник ва ишчи кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш, иқтисодиётнинг ҳарбий секторидаги меҳнат фаолиятининг жозибадорлигини ошириш бўйича рағбатлантирувчи ижтимоий чора-тадбирларни жорий этиш.

Ҳарбий соҳада миллий хавфсизликка бўлган таҳдидлар кўринишларининг ўзгаришларига, ҳарбий-сиёсий вазият шароитларига, замонавий ҳарбий можаролар хусусиятига, давлат ҳарбий ташкилотини ривожлантириш вазифалари ва йўналишларига боғлиқ ҳолда Доктринанинг айрим қоидалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқлаштирилиши ҳамда тўлдирилиши мумкин.

Ҳарбий хавфсизликни таъминлаш соҳасида давлат фаолиятининг устувор йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти — Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларининг Олий бош қўмондони томонидан аниқлаштирилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

24

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2017 йил 18 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Гаров тўғрисида**»ги 736–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 614–I-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 96-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 156-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда) **28-моддаси** қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда гаровдаги мол-мулкни реализация қилиш бўйича кимошди савдолари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда электрон онлайн-аукцион шаклида ўтказилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-мод-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 10 январда эълон қилинган.

да; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **35-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуйидаги ҳолатлар, яъни кам аҳамиятли қилмишлар; зарурий мудофаа; охирги зарурат; ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш; буйруқни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш; касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик; жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш натижасида қилмиш содир этиш жиноятни истисно қилувчи ҳолатлар деб топилади»;

2) **38-модданинг бешинчи қисми** чиқариб ташлансин;

3) қуйидаги мазмундаги **41¹-модда** билан тўлдирилсин:

«41¹-модда. Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш

Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитиш натижасида ушбу Кодекс билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказилиши, агар бундай мажбурлаш ёхуд қўрқитиш оқибатида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқара олмаган бўлса, жиноят ҳисобланмайди.

Ушбу Кодекс билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитиш натижасида зарар етказганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги масала, агар бундай мажбурлаш ёки қўрқитиш оқибатида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқариш имкониятини сақлаб қолган бўлса, ушбу Кодекс 38-моддасининг қоидалари инобатга олинган ҳолда ҳал этилади»;

4) **122** ва **123-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«122-модда. Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш

Моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш хавfli рецидивист томонидан содир этилган бўлса, —

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган бўлса, у жавобгарликдан озод қилинади.

123-модда. Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш

Вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши, яъни уларни моддий жихатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслиги, шундай қилиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, — уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган бўлса, у жавобгарликдан озод қилинади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **21¹-модда** билан тўлдирилсин:

«21¹-модда. Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш

Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш

билан қўрқитиш натижасида ушбу Кодекс билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказган шахс, агар бундай мажбурлаш ёки қўрқитиш натижасида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқара олмаган бўлса, маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

Ушбу Кодекс билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитиш натижасида зарар етказганлик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги масала, агар бундай мажбурлаш ёки қўрқитиш оқибатида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқариш имкониятини сақлаб қолган бўлса, ушбу Кодекс 19-моддасининг қоидалари инобатга олинган ҳолда ҳал этилади»;

2) 47-модда:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади»;

3) қуйидаги мазмундаги 47⁴ ва 47⁵-моддалар билан тўлдирилсин:

«47⁴-модда. Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш

Моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, —

ўн беш сутка муддатга маъмурий қамокқа олишга ёки ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий қамок қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади.

Биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ихтиёрий равишда тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

47⁵-модда. Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш

Вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъ-

минлашдан бўйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, —

ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий қамоқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ихтиёрий равишда тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади»;

4) 77-модда:

биринчи қисмидаги «ва мол боқиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ўрмон фонди ерларида чорва молларини ўтлатиш қоидаларини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 46¹, 47, 47¹, 47², 47³, 48, 49¹, 51¹, 51², 51³, 51⁴, 51⁵, 51⁶, 51⁷, 51⁸, 51⁹, 52, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 61¹, 62, 64, 66, 67-моддаларида, 76-моддасида (сув хўжалиги иншоотларини шикастлантиришга оид қисмида)» деган сўзлар «40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 46¹, 47, 47¹, 47², 47³, 47⁴, 47⁵, 48, 49¹, 51¹, 51², 51³, 51⁴, 51⁵, 51⁶, 51⁷, 51⁸, 51⁹, 52, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 61¹, 62, 64, 66, 67-моддаларида, 76-моддасида (сув хўжалиги иншоотларини шикастлантиришга оид қисмида), 77-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **247-моддадаги** «47-моддасида назарда тутилган» деган сўзлар «47-моддаси биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 249-модда иккинчи қисмининг:

учинчи хатбошисидаги «ҳамда транспортдаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошисидаги «ҳамда транспортдаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошисидаги «транспортдаги ва жазони ижро этиш муассасалари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбошисидаги «транспортдаги ва жазони ижро этиш муассасалари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **261-модданинг биринчи қисмидаги** «77» рақами «77-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **271-модда** қуйидаги мазмундаги **4¹-банд** билан тўлдирилсин:

«4¹) шахс ҳаракатни жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш натижасида қилган бўлса».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда) **164-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган чеклов алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазо тайинланган ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолишга нисбатан татбиқ этилмайди. Бундай ҳолларда жазо ва алимент мажбуриятлари бўйича қарздорлик учун ушлаб қолинадиган ҳақнинг миқдори етмиш фоиздан ортиб кетмаслиги лозим».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8,

310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **67-модда:**

куйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Шўъба хўжалик жамияти ўз мулкида ўзининг асосий жамияти (ширкати) устав фондидаги (устав капиталидаги) улушга эга бўлишга ҳақли эмас. Ушбу қисмда белгиланган тақик кучга киргунига қадар ўзининг асосий жамияти (ширкати) устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни олган шўъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти (ширкати) иштирокчилари ёки акциядорлари умумий йиғилишида овоз беришга ҳақли эмас»;

учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи, бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **68-модда:**

куйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қарам хўжалик жамияти ўз мулкида иштирок этувчи бошқа жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларга эга бўлишга ҳақли эмас. Ушбу қисмда белгиланган тақик кучга киргунига қадар иштирок этувчи бошқа жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларни олган қарам хўжалик жамияти иштирок этувчи бошқа жамият иштирокчилари ёки акциядорлари умумий йиғилишида овоз беришга ҳақли эмас»;

учинчи ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) **70-модда:**

куйидаги мазмундаги **тўққизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Унитар корхона ўз мулкида ўз мулкдорининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушга эга бўлишга ҳақли эмас. Ушбу қисмда белгиланган тақик кучга киргунига қадар ўз мулкдорининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни олган унитар корхона хўжалик жамияти (ширкати) иштирокчилари умумий йиғилишида овоз беришга ҳақли эмас»;

тўққизинчи ва **ўнинчи қисмлари** тегишинча **ўнинчи** ва **ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 223–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ–370-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модда:**

куйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Шўъба хўжалик жамияти ўз мулкида ўз асосий жамиятининг овоз берувчи акцияларига эга бўлишга ҳақли эмас. Ушбу қисмда белгиланган тақик

кучга киргунига қадар ўз асосий жамиятининг овоз берувчи акцияларини олган шўъба хўжалик жамияти асосий жамият акциядорларининг умумий йиғилишида овоз беришга ҳақли эмас.

Тобе хўжалик жамияти ўз мулкида жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эга бўлишга ҳақли эмас. Ушбу қисмда белгиланган тақиқ кучга киргунига қадар жамиятнинг овоз берувчи акцияларини олган тобе хўжалик жамияти жамият акциядорларининг умумий йиғилишида овоз беришга ҳақли эмас»;

иккинчи — еттинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **76-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамият бошқаруви аъзолари ва директори, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Давлат солиқ хизмати тўғрисида**»ги 474–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 312-модда, № 12, 415-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 474-модда; 2010 йил, № 9, 336-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **4-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4-модда. Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифалари

Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни таъминлаш;

солиқларнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлиқ ҳамда ўз вақтида тушишини таъминлаш;

солиқ тўловчиларни ва солиқ солиш объектлари ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, уларнинг тўлиқ қамраб олиниш механизмларини солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-комму-

никация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш орқали такомиллаштириш;

солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича таҳлил қилиш ва таъсирчан чоралар ишлаб чиқиш, шу жумладан макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали таъсирчан чоралар ишлаб чиқиш, солиқлар йиғилишини ошириш бўйича чораларни амалга ошириш, солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларини жорий этиш, солиқларга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни бажариш;

пул маблағларининг ғайриқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумининг тўлиқ ва ўз вақтида топширилиши устидан мунтазам назоратни таъминлаш;

солиқ тўловчилар билан ишлашни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан солиқ тўловчиларга мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга ўтиш йўли билан амалга ошириш;

солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришда ҳар томонлама қўмаклашиш;

солиқларнинг ихтиёрий равишда тўланишини таъминлашга қаратилган, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича ишларни такомиллаштириш;

хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятини рағбатлантиришга, уларга зарур имтиёзлар ва преференциялар беришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

бозорлар ва савдо комплексларининг молия-хўжалик фаолияти, улар томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳамда уларнинг ҳудудида аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича терговга қадар текширув ўтказиб, жиноят ишларини терговга тегишлилигига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топшириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан давлат бюджетини шакллантириш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш;

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича назорат қилувчи органлар фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш, ушбу ишни амалга оширишда бир-бирини такрорлаш ва суиистеъмолликларга йўл қўймаслик;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта ҳамда экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш чоғида қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга ошириш;

кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, солиқ органларини юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган малакали ходимлар билан тўлдириш, коррупция ва ишга расмиятчилик билан ёндашиш фактларига барҳам бериш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, шунингдек ходимлар ўрта-

сида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ва улар учун хизматни ўташнинг муносиб шарт-шароитлари яратилишини таъминлаш»;

2) **5-модда** қуйидаги мазмундаги **8¹-банд** билан тўлдирилсин:

«8¹) товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишни кирим ҳужжатларини расмийлаштирмасдан амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақлари бўйича операцияларини беш банк кунигача бўлган муддатга вақтинча тўхтатиб туриш»;

3) **10-модданинг учинчи қисмидаги** «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бўлимларининг мансабдор шахслари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **15-модда:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15-модда. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг моддий ва ижтимоий таъминоти»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига давомийлиги ўттиз календарь кун бўлган ҳақ тўланадиган ҳар йилги таътилла берилади. Давлат солиқ хизмати органларининг ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган мансабдор шахсларига давомийлиги беш календарь кун, йигирма беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган мансабдор шахсларига эса давомийлиги ўн календарь кун бўлган қўшимча ҳақ тўланадиган таътилла берилади»;

5) қуйидаги мазмундаги **15¹-модда** билан тўлдирилсин:

«15¹-модда. Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларини уй-жой майдони билан таъминлаш

Давлат солиқ хизмати органларининг уй-жой олишга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож деб топилган мансабдор шахслари белгиланган тартибда уй-жой майдони олиш ҳуқуқига эга.

Давлат солиқ хизмати органлари хизмат уй-жой фондига эга бўлиши мумкин.

Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига турар жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ва микдорларда пуллик компенсация тўланади.

Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда яқка тартибда уйлар ёки квартиралар олиш ҳуқуқи берилади».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган «**Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида**»ги 483–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-

нинг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 239-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 10, 605-модда) **4-моддасининг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги 543–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–409-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 274-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **8-модда** «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) қуйидаги мазмундаги **11¹-модда** билан тўлдирилсин:

«11¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси:

ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

ўсимликларнинг ташқи ва ички карантини бўйича давлат тадбирлари тизимини амалга оширади;

ўсимлик дунёсида карантиндаги зарарли организмларга қарши курашишга доир чора-тадбирларни белгилайди ва уларнинг амалга оширилиши устидан назоратни амалга оширади;

ўсимлик дунёсида карантиндаги зарарли организмлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида кузатувларни амалга оширади;

ўсимликлар карантини объектларига қарши курашишнинг самарали ва илғор усуллари амалга оширилишини ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ваколатли органлар билан биргаликда таъминлайди, уларнинг қўлланилиши устидан назоратни амалга оширади;

иктисодиёт тармоқларига катта зарар етказиши мумкин бўлган карантиндаги ва бошқа хавфли зараркунандаларнинг, ўсимликлар касалликлари-

нинг ва бегона ўтларнинг хорижий мамлакатлардан кириб келишидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудини муҳофаза қилади;

келиб чиқиши ўсимликка мансуб бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, реализация қилиш ва улардан фойдаланишда белгиланган қоидаларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади ва ўсимликлар карантинини жорий этади;

ўсимликлар карантини объектларига қарши курашиш бўйича ихтисослаштирилган фумигация бўлинмаларини тузади, шахсий томорқа, деҳқон ва фермер хўжаликларига, ўрмон хўжаликларига, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ўсимликлар карантини объектларига қарши курашишда хизматлар кўрсатади;

экспорт қилинаётган ва хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасига олиб кирилатган ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотларни ва ўсимликлар карантини объектларини ташувчиларни карантин текширувидан ҳамда лаборатория экспертизасидан ўтказиши.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин».

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **99-модданинг иккинчи қисмидаги** «учдан бир қисмидан» деган сўзлар «етмиш беш фоизидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **135-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментлар бола вояга етгунига қадар бўлган давр учун, шу жумладан кўчмас ёки кўчар мулк ёхуд бошқа қимматли ашёни бериш йўли билан олдиндан тўланиши мумкин»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

3) **145-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментлар олдиндан тўланган ёки алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш учун гаров шартномаси тузилган бўлса, шахс алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиш мажбуриятидан озод этилади.

Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек алимент тўлаш мажбурия-

тини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**»ги 160–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–342-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 333-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **20-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

иккинчи қисмининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасига қўйилади»;

учинчи қисмидаги «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ташкилотлар» деган сўзлар «шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ўзга ташкилотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «тегишли тармоқлар мутахассислари иштирокида» деган сўзлар «тегишли илмий-тадқиқот муассасаларининг, тармоқларнинг вакиллари иштирокида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «**Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида**»ги 222–II-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда, № 9, 416-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 335, 341-моддалар, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда) **1-илоvasи** қуйидаги мазмундаги **олтмишинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмларини ва бошқа буюмларни ишлаб чиқариш».

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида**»ги 258–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда;

2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **23-модданинг учинчи қисмидаги** «беш» деган сўз «ўн беш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **24-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Суд ёки бошқа орган ижро ҳужжатида йўл қўйилган нуқсонларни қайтарилган ижро ҳужжати келиб тушган кундан эътиборан уч иш кунни ичида бартараф қилади ва уни такроран давлат ижрочисига юборади»;

3) **42¹-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«42¹-модда. Қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш

Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатидаги ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатидаги талаблар белгиланган муддатда қарздор жисмоний шахс томонидан узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаганда, давлат ижрочиси ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

Давлат ижрочисининг қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори катта давлат ижрочиси томонидан тасдиқланади. Мазкур қарорнинг кўчирма нусхалари қарздор жисмоний шахсга (агар унинг турган жойи маълум бўлса), ички ишлар органларининг кириш, чиқиш ва фуқаролик бўлимига (бошқармасига) ҳамда Давлат чегарасини кўриқлаш органларига юборилади.

Агар ижро ҳужжати суд ҳужжати бўлмаса ва суд ҳужжати асосида берилмаган бўлса, ундирувчи қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни белгилаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Давлат ижрочисининг қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши мумкин.

Қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашга асос бўлган ижро ҳужжатининг талаблари амалда ижро этилганда ёхуд у бўйича ижро иши юритиш ушбу Қонунда белгиланган асосларга кўра тугатилганда ёки тамомланганда, давлат ижрочиси кейинги кундан кечиктирмасдан қарздор жисмоний шахсни, ички ишлар органларини ва Давлат чегарасини кўриқлаш органларини қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини чеклаш олиб ташланганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

Вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментлар олдиндан тўланган ёки алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш учун гаров шартномаси тўзилган бўлса, давлат ижрочиси тўлов ёки гаров шартномаси тўғрисидаги тегишли ҳужжат олинган куннинг эртасидан кечиктирмасдан манфаатдор шахсларни, ички ишлар органларини ва Давлат чегарасини кўриқлаш орган-

ларини қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини чеклаш олиб ташланганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади. Бунда гаров қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз эллик бараваридан кам бўлмаслиги лозим.

Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек чиқиб кетишга чеклашни олиб ташлаш учун алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан давлат ижрочиларининг, ички ишлар органлари ва Давлат чегарасини қўриқлаш органларининг ҳамкорлиги тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати томонидан белгиланади»;

4) 56-модданинг:

иккинчи қисмидаги «кимовши савдосида» деган сўзлар «электрон онлайн-аукционларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи — ўн тўртинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **учинчи — ўн учинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Автомототранспорт воситаларини, кўчмас мулкни, шу жумладан ер участкасини, қурилиши тугалланмаган объектларни, кўчмас мулкни узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқларини, ер участкасига нисбатан мулкий ҳуқуқларни, интеллектуал фаолият натижаларига ва хусусий аломатларини акс эттирувчи воситаларга бўлган мулкий ҳуқуқларни реализация қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли оператор томонидан электрон онлайн-аукционларда амалга оширилади.

Мол-мулкни шартнома-воситачилик асосларида реализация қиладиган савдо ташкилотларини танлаш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган танлов асосида амалга оширилади.

Агар савдо ташкилотларига реализация қилиш учун топширилган мол-мулк у топширилган кундан эътиборан ўттиз кун ичида реализация қилинмаса, мазкур мол-мулк давлат ижрочиси томонидан қуйидаги тартибда арзонлаштирилиши керак:

давлат солиқ хизмати органи ва молия органи вакиллари иштирокида мол-мулк қийматининг 10 фоизидан ошмаган миқдорда — давлат даромади-га ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича;

мол-мулк қийматининг 10 фоизи миқдорида — бошқа ижро ҳужжатлари бўйича.

Мол-мулк арзонлаштирилганда давлат ижрочиси белгиланган тартибда далолатнома тузади, шундан сўнг арзонлаштирилган мол-мулк савдо ташкилотларига такроран реализация қилиш учун топширилади. Гаровга қўйилган мол-мулк билан таъминланган қарзни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича мазкур мол-мулкни реализация қилишда мол-мулк арзонлаштирилмайди ва у биринчи баҳоланган нарх бўйича савдо ташкилоти томонидан такроран реализация қилишга топширилади.

Мол-мулк такрорий электрон онлайн-аукционларда реализация қилинмаганлиги муносабати билан ваколатли оператор томонидан қайтарилган тақдирда ёки такроран реализация қилиш учун савдо ташкилотларига топширилган бошқа мол-мулк ўтгиз кун мобайнида реализация қилинмаган тақдирда, у мол-мулк нархининг 10 фоизига арзонлаштирилган нархда ундирувчига таклиф қилинади, давлат даромадига ижро ҳужжатлари бўйича ундириш қаратилган мол-мулк эса ушбу моддада белгиланган тартибда яна арзонлаштирилиши ва реализация қилишга топширилиши лозим. Гаровга қўйилган мол-мулк билан таъминланган қарзни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича ушбу мол-мулк реализация қилинмаган тақдирда, давлат ижрочиси гаровга олувчига мол-мулкни такрорий аукцион шаклидаги кимосди савдоларидаги ёки савдо ташкилотларининг такрорий реализация қилишидаги бошланғич сотиш нархидан 10 фоизга камайтирилган суммада ўзида қолдиришни таклиф қилади.

Қимматли қоғозлар қимматли қоғозларнинг биржа бозорларида ва уюшган биржадан ташқари бозорларида реализация қилиниши керак. Улар давлат ижрочиси билан тузилган шартнома асосида фаолият юритувчи инвестиция воситачиси — брокер томонидан кимосди савдосига қўйилади. Қимматли қоғозлар арзонлаштирилмайди ва икки ой мобайнида бир неча марта кимосди савдосига қўйилади. Қимматли қоғозлар мазкур муддатда реализация қилинмаган тақдирда, давлат ижрочиси ундирувчига ушбу қимматли қоғозларни уларнинг брокер томонидан кимосди савдосига қўйилган охириги кимосди савдоси кунининг охириги кимосди савдоси соатидаги ўртача нархида ўзида қолдиришни таклиф этади.

Давлат ижрочисининг реализация қилинмаган мол-мулкни ўзида қолдириш ҳақидаги ушбу модданинг еттинчи ва саккизинчи қисмларида назарда тутилган таклифи давлат ижрочиси томонидан тегишли мол-мулк реализация қилинмаганлиги тўғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ундирувчига юборилиши керак. Бир навбатдаги талаблар бўйича бир нечта ундирувчи мавжуд бўлган тақдирда, таклифлар давлат ижрочиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларига ижро ҳужжатларининг келиб тушиши навбатига кўра ундирувчиларга юборилади. Агар мол-мулкнинг давлат ижрочиси томонидан таклиф қилинган баҳоси ижро ҳужжати бўйича ундирувчига тўланиши лозим бўлган суммадан ортиқ бўлса, ундирувчи реализация қилинмаган мол-мулкни ўзида қолдиришга тегишли фарқни бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органининг депозит ҳисобварағига тўлаган (ўтказган) тақдирда ҳақли, бу ҳақда таклифда кўрсатиб ўтилади. Ундирувчи реализация қилинмаган мол-мулкни ўзида қолдириш тўғрисидаги қарори ҳақида давлат ижрочисини таклифни олган кундан эътиборан беш кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Ундирувчи мол-мулкни ўзида қолдиришдан воз кечган ёхуд бу ҳақдаги ўз қарорини белгиланган муддатда ёзма шаклда тақдим этмаган тақдирда мол-мулк ижро харажатлари, шу жумладан мол-мулкни олиб қўйиш, баҳолаш

ва реализация қилиш бўйича қилинган харажатлар ундирилган ҳолда қарздорга қайтарилади. Ундирувчи — гаровга олувчи реализация қилинмаган гаровга қўйилган мол-мулкни ўзида қолдиришдан воз кечганда ёхуд белгиланган муддатда ўз қарорини ёзма шаклда тақдим этмаганда, ижро иши юритиш ижро ҳужжатини ундирувчига қайтариш билан тамомланади, реализация қилинмаган бошқа мол-мулк бўйича ижро иши юритиш эса қарздорда ундирувга қаратилиши мумкин бўлган ўзга мол-мулк мавжуд бўлмаसा, ижро ҳужжатини ундирувчига қайтариш билан тамомланади.

Олиб қўйилган ва реализация қилинмаган мол-мулк қарздор қарзини ва давлат ижрочиси мол-мулкни олиб қўйиш, баҳолаш ва реализация қилиш билан боғлиқ ҳолда қилган харажатларнинг ўрни тўлиқ қопланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ундирувни амалга ошираётган давлат ижрочисига тақдим этган тақдирда ҳам қарздорга қайтарилади.

Реализация қилинган мол-мулкни мол-мулкнинг баҳоси тўлиқ тўлангунига қадар харидорларга бериб юбориш, шунингдек тўловни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) шарти билан реализация қилиш савдо ташкилотларига ва давлат ижрочиларига тақиқланади.

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилиш хусусиятлари, шунингдек кўчмас мулкни узоқ муддатга ижарага олиш ҳуқуқларини, қарздорнинг ер участкаларига, интеллектуал фаолият натижаларига ва хусусий аломатларини акс эттирувчи воситаларга бўлган мулкий ҳуқуқларини реализация қилиш тартиби ушбу Қонун талаблари ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

5) **63-модданинг:**

номидаги «**Аукцион шаклидаги кимошди савдоларини**» деган сўзлар «**Электрон онлайн-аукционларни**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мол-мулкнинг ва мулкий ҳуқуқларнинг айрим турларини реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукционлар ваколатли оператор томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

Ваколатли оператор билан тузилган шартнома ва электрон онлайн-аукционга қўйиладиган мол-мулкнинг ёки мулкий ҳуқуқларнинг дастлабки (бошланғич) баҳоси кўрсатилган буюртманома электрон онлайн-аукционни ўтказиш учун асос бўлади.

Буюртманомага қўйидагилар илова қилинади:

ижро ҳужжатининг кўчирма нусхаси;

мол-мулкни ёки мулкий ҳуқуқни хатлаш далолатномасининг ёки қарорининг кўчирма нусхаси;

мол-мулкни ёки мулкий ҳуқуқни баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот ёки давлат ижрочисининг мол-мулкни баҳолаш тўғрисидаги қарори ёхуд уларни баҳолаш қиймати кўрсатилган суд қарорининг кўчирма нусхаси;

мол-мулкнинг тоифасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Бош

прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси директори томонидан тасдиқланадиган регламентда назарда тутилган мол-мулкни тавсифловчи хужжатлар»;

тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларидаги «суд» деган сўз «давлат» деган сўз билан алмаштирилсин;

еттинчи ва саккизинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дастлабки электрон онлайн-аукционлар нархнинг ошиб бориши принципи, такрорий электрон онлайн-аукционлар эса нархнинг тушиб бориши принципи бўйича ўтказилади.

Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби қонун хужжатларида белгиланади»;

6) **71-модданинг биринчи қисмидаги** «беш кунлик» деган сўзлар «ўн беш кунлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «**Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида**»ги 310–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда) **38-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органининг ҳамда коллегиял ижро этувчи органининг, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари бошқарув органларининг аъзолари, жамият томонидан ташкил этилган унитар корхонанинг раҳбари ҳамда айни шу шўъба, тобе хўжалик жамиятларида ва унитар корхонада меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши мумкин эмас».

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида**»ги 432–II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 213-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **12-модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар тегишинча «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг», «Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **18-модда биринчи қисмининг 8 ва 9-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8) давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга риоя этилиши, Сенат ва унинг Кенгаши, Сенат қўмиталари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотини эшитади;

9) давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари томонидан қонунларнинг, Сенат қарорларининг ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини вақти-вақти билан жойларга чиқиб ўрганеди».

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида**»ги 434–II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **12-модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар тегишинча «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг», «Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **18-модда биринчи қисмининг 11 ва 12-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11) давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга риоя этилиши, Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши, Қонунчилик палатаси қўмиталари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотини эшитади;

12) давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари томонидан қонунларнинг, Қонунчилик палатаси қарорларининг ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини вақти-вақти билан жойларга чиқиб ўрганеди».

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида**»ги 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **14-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси қўмиталарида муҳокама қилиш

очик, қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти вакиллари, фуқаролик жамияти институтларининг ва илмий-тадқиқот муассасаларининг вакиллари таклиф этилган ҳолда ўтказилади. Муҳокамаларга олимлар, мутахассислар ҳам таклиф этилиши мумкин»;

2) **15-модданинг:**

еттинчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда энг муҳим ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган қонун лойиҳалари Қонунчилик палатасининг уни биринчи ўқишда қабул қилиш ҳақидаги қарорига мувофиқ қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида кенг муҳокамага, шу жумладан жойларда фуқаролар иштирокидаги кенг муҳокамага чиқарилиши мумкин»;

тўққизинчи ва **ўнинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Масъул қўмита маромига етказилган қонун лойиҳаси бўйича фикрлар ва таклифларни олганидан сўнг уларнинг муҳокамасини қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти вакиллари, фуқаролик жамияти институтларининг ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларининг вакиллари иштирокида ташкил этади. Муҳокамаларга олимлар, мутахассислар ҳам таклиф этилиши мумкин.

Фракциялар ва депутатлар гуруҳлари, ўз дастурий мақсадли вазифаларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳаларининг жойларда фуқаролар иштирокидаги муҳокамасини ҳамда улар бўйича келиб тушган таклифларни ўрганишни сиёсий партиялар тегишли ташкилотларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳудудий бўлимларининг ходимларини жалб этган ҳолда ташкил этади. Фракциялар ва депутатлар гуруҳлари ўрганишлар якунларига кўра келиб тушган фикрлар ва таклифларни ўз мажлисларида муҳокама қилади, ўз дастурий мақсадли вазифаларидан келиб чиққан ҳолда таклифлар ишлаб чиқади, улар масъул қўмитага юборилади»;

3) **32-модданинг биринчи, олтинчи** ва **еттинчи қисмларидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар тегишинча «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг», «Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **32¹-модданинг биринчи** ва **иккинчи қисмларидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар тегишинча «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг», «Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) қуйидаги мазмундаги **33²-модда** билан тўлдирилсин:

«33²-модда. Ҳукумат аъзоларининг Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига жавобларини эшитиш

Қонунчилик палатаси, қоида тарикасида, бир ойда бир марта ўз мажлисида ҳукумат аъзоларининг Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига жавобларини эшитади (бундан буён матнда «ҳукумат соати» деб юритилди).

«Ҳукумат соати»ни ўтказиш жадвали Ўзбекистон Республикаси Бош вазири билан келишилган ҳолда Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан белгиланади.

Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳукумат аъзоларига саволлари Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан «ҳукумат соати»ни ўтказишдан камида ўн кун олдин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси саволлар рўйхатидан келиб чиққан ҳолда «ҳукумат соати»да Қонунчилик палатаси депутатларининг саволларига жавоб берадиган ҳукумат аъзоларини белгилайди.

«Ҳукумат соати» яқунлари бўйича Қонунчилик палатасининг қарори қабул қилиниши мумкин»;

6) **33² — 33⁹-моддалар** тегишинча **33³ — 33¹⁰-моддалар** деб ҳисоблансин;

7) **33⁵-модданинг:**

учинчи қисмидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари» деган сўзлар «давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш яқунлари бўйича Қонунчилик палатасининг қўмиталари қарорлар қабул қилади, қарорлар тегишли давлат органига, хўжалик бошқаруви органига юборилади»;

бешинчи қисмидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари» деган сўзлар «давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари» деган сўзлар «давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 33⁶-модда учинчи қисмининг:

иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан» деган сўзлар «давлат органларидан, хўжалик бошқаруви органларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги 523–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9,

276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **31-модданинг биринчи, олтинчи ва еттинчи қисмларидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар тегишинча «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг», «Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **31¹-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар тегишинча «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг», «Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) қуйидаги мазмундаги **32²-модда** билан тўлдирилсин:

«32²-модда. Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш

Сенат ўз мажлисида вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиши мумкин.

Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш тўғрисидаги масала Сенат томонидан унинг қўмиталари ташаббусига кўра кўриб чиқилади.

Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш тўғрисида Сенат қарор қабул қилади, қарор тегишли ҳокимларга олдиндан юборилади.

Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш якунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади»;

4) **32⁶-модданинг:**

учинчи ва олтинчи қисмларидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари» деган сўзлар «давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича Сенатнинг қўмиталари қарорлар қабул қилади, қарорлар тегишли давлат органига, хўжалик бошқаруви органига юборилади»;

бешинчи қисмидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари» деган сўзлар «давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **32⁷-модда учинчи қисмининг:**

иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан» деган сўзлар «давлат органларидан, хўжалик бошқаруви органларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 октябрда қабул қилинган «**Ипотека тўғрисида**»ги ЎРҚ–58-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 535-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 10, 605-модда) **40-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилиш бўйича кимошди савдолари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда электрон онлайн-аукцион шаклида ўтказилади».

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган «**Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида**»ги ЎРҚ–60-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 537-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **16-моддасининг биринчи жумласи** «ўрганишни» деган сўздан кейин «шу жумладан фуқаролик жамияти институтларининг ва илмий-тадқиқот муассасаларининг вакиллари иштирокида ўрганишни» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506-модда, № 10, 605-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **65-модда иккинчи қисмининг биринчи хатбошиси** «расмийлаштирилади» деган сўздан кейин «унда солиқ қарздорлиги ҳосил бўлган солиқ даври кўрсатилади» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **96-модда:**

биринчи қисми «ва терроризмни молиялаштириш аниқланган» деган

сўзлардан кейин «шунингдек ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи ва тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Давлат солиқ хизмати органи товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишни кирим ҳужжатларини расмийлаштирмасдан амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақлари бўйича операцияларини беш банк кунигача бўлган муддатга вақтинча тўхтатиб туришга ҳақли.

Товарларни (ишларни, хизматларни) кирим ҳужжатларини расмийлаштирмасдан реализация қилиш деб ушбу моддани қўллаш мақсадида қуйидагилар эътироф этилади:

камерал назорат жараёнида аниқланган, кирим қилинган ва реализация қилинган (сарфланган) товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларининг мос эмаслиги, худди шунингдек банк операцияларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг хусусияти ва турига мос эмаслиги;

солиқ текшируви жараёнида аниқланган, товарлар (ишлар, хизматлар) кирим қилинганлиги факти тўғрисида далолат берувчи ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги, алмаштириб қўйилганлиги, қалбакилаштирилганлиги ёки йўқ қилинганлиги, реализация қилинмаган товарлар сифатида ҳисобга олинган товарларнинг оморда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги;

хўжалик юритувчи субъектларнинг товарларни (ишларни, хизматларни) кирим ҳужжатларини расмийлаштирмасдан реализация қилаётганлиги ҳолларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг жисмоний ва юридик шахслар томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилиши».

22-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрда қабул қилинган «**Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида**»ги ЎРҚ–226-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 9, 340-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **15-модданинг олтинчи қисмидаги** «ягона рақам — 01» деган сўзлар «ягона рақам — 101» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **34-модданинг:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат ёнғин назорати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати томонидан амалга оширилади»;

учинчи қисми «Миллий хавфсизлик хизматининг» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

23-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январда қабул қилинган «**Рақобат тўғрисида**»ги ЎРҚ–319-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 1, 5-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил,

№ 8, 312-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модда:**

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**келишув** — икки ва ундан ортиқ тарафларнинг рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган, ҳужжатда ёки бир нечта ҳужжатда акс этган ёзма шаклдаги шартлашуви, шунингдек оғзаки шаклдаги шартлашуви»;

саккизинчи — **ўн тўртинчи хатбошилари** тегишинча **тўққизинчи** — **ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **10-модданинг биринчи хатбошисидаги** «Хўжалик юритувчи субъектнинг пировард натижада рақобатни чеклашга ва (ёки) бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларини камситишга олиб келадиган ҳаракатлари» деган сўзлар «Хўжалик юритувчи субъектнинг пировард натижада рақобатни чеклашга ва (ёки) истеъмомчиларнинг, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини камситишга олиб келадиган тақиқланган ҳаракатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **11-модда:**

номидаги «битимларини» деган сўз «**келишувларини**» деган сўз билан алмаштирилсин;

биринчи қисми:

биринчи хатбошисидаги «битимлар» деган сўз «келишувлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги «олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса, тақиқланади» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи** ва **ўн иккинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«товарларни ишлаб чиқаришни иқтисодий ёки технологик жиҳатдан асоссиз равишда камайтиришга ва (ёки) тўхтатишга;

муайян сотувчилар ёки харидорлар (буюртмачилар) билан шартномалар тузишдан асоссиз равишда бош тортишга олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса, тақиқланади»;

иккинчи қисми:

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бири товар бозорида устун мавкени эгаллаб турган, бошқаси эса сотувчи ёки сотиб олувчи бўлган, ўзаро рақобатлашмаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг келишиб олинган ҳаракатлари ва келишувларига, агар бундай келишиб олинган ҳаракатлар ва келишувлар пировард натижада рақобатни чеклаб қўйса ёхуд чеклаб қўйиши мумкин бўлса, шу жумладан»;

тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«хўжалик юритувчи субъектларга бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқариладиган товарларни реализация қилишни тақиқлайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва келишувларига йўл қўйилмайди. Ушбу тақиқ товарларни товар белгиси, фирма номи ва сотувчининг интеллектуал мулк объектларига бўлган бошқа мутлақ ҳуқуқлари орқали реализация

қилишни сотиб олувчи томонидан ташкил этиш тўғрисидаги келишувларга нисбатан татбиқ этилмайди»;

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу моддада кўрсатилган тақиқлар:

товар бозорида умумий улуши ўттиз беш фоиздан ошмайдиган хўжалик юритувчи субъектларнинг келишилган ҳаракатлари ва келишувларига ёки давлат-хусусий шериклик шартномалари бўлган келишувларга;

шахсларнинг бир гуруҳига кирадиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги келишувларга;

агар келишувлар ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга, ишлаб чиқариш ҳажмларини ва товарларни реализация қилишни кўпайтиришга ёки техникавий, иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга ёхуд товарларнинг жаҳон товар бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга қаратилган бўлса, мазкур келишувларга нисбатан татбиқ этилмайди»;

тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

бешинчи қисмидаги «битимларни» деган сўз «келишувларни» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **12-модда:**

учинчи қисми биринчи хатбошисининг русча матнидаги «делки» деган сўз «соглашения» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи қисми тўртинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги «битимларига» деган сўз «келишувларига» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) **14-модданинг:**

биринчи қисми қўйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«лотлар таркибига савдоларнинг предметига технологик ва функционал жиҳатдан боғлиқ бўлмаган қўшимча товарларни (ишларни, хизматларни) киритиш»;

еттинчи хатбошиси саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

6) **16** ва **17-моддалар** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16-модда. Хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишга доир монополияга қарши талаблар

Монополияга қарши орган хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олиш бўйича битимга олдиндан розилик беради.

Агар тегишли битимда иштирок этаётган шахслар активларининг жами баланс қиймати ёки охириги календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган жами тушуми энг кам ойлик иш ҳақининг юз минг баравари миқдоридан ортиқ бўлса ёхуд улардан бири товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект бўлса, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олиш бўйича битимлар учун монополияга қарши органнинг олдиндан розилигини олиш зарур.

Ушбу модданинг талаблари хўжалик юритувчи субъектларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси қарорига кўра қўшиб юборилиши ва қўшиб олиниши ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишга олдиндан розилик бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

17-модда. Акцияларни (улушларни) олишда монополияга қарши талаблар

Монополияга қарши орган шахс ва шахслар гуруҳи томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш бўйича битимларга олдиндан розилик беради.

Қуйидаги ҳолларда монополияга қарши органнинг шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан хўжалик юритувчи субъект устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш бўйича битимларга олдиндан розилигини олиш зарур бўлади, агар:

бундай шахс ёки шахслар гуруҳи кўрсатилган акцияларнинг (улушларнинг) эллик фоизидан ортигини тасарруф этиш ҳуқуқини олса;

битимда иштирок этаётган шахслар активларининг жами баланс қиймати ёки охириги календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган жами тушум энг кам ойлик иш ҳақининг юз минг баравари миқдоридан ортик бўлса ёхуд битим иштирокчиларидан бири товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект бўлса.

Ушбу модданинг талаблари қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди: хўжалик юритувчи субъектни ташкил этиш чоғида унинг муассисларига; хўжалик юритувчи субъект томонидан ўз акцияларини олишга доир битимларга;

акциядорлик жамияти ўз устав фондининг (устав капиталининг) миқдорини сақлаб қолган тақдирда, бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга ўзгартирилганда;

устав фондидаги (устав капиталидаги) акциялар (улушлар) ишончли бошқарувга берилганда, шунингдек акциялар (улушлар) кейинчалик қайта сотиш мақсадида инвестиция воситачилари томонидан олинганда;

устав фондидаги (устав капиталидаги) акциялар (улушлар) хўжалик юритувчи субъект томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ олинишига доир битимларга;

хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акциялари (улушлари) давлат хусусийлаштириш дастурлари доирасида олинишига доир битимларга;

устав фондидаги (устав капиталидаги) акциялар (улушлар) жисмоний шахс томонидан олинишига доир битимларга, агар ариза билан мурожаат этилган пайтда бундай жисмоний шахс бирор-бир хўжалик юритувчи субъектнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг (улушларнинг) эллик фоизидан ортигини тасарруф этмаган бўлса.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капитали-

даги) акцияларни (улушларни) олишга доир битимларни кўриб чиқиш ҳамда бундай битимларни тузиш учун олдиндан розилик олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

7) **18-модда:**

биринчи қисмининг биринчи хатбошисида:

«Хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашмаларини ташкил этишга» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«монополияга қарши органга» деган сўзлар «ягона дарча» марказларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг учинчи жумласидаги «аризани кўриб чиқиш муддати бир ойдан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин» деган сўзлар «аризани кўриб чиқиш муддати бозорни тегишли тарзда ўрганиш учун бир ойдан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмининг иккинчи жумласи қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бунда мазкур талаблар, шунингдек уларни бажариш муддатлари монополияга қарши органнинг хўжалик юритувчи субъектларни кўшиб юбориш, кўшиб олиш ҳамда устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш бўйича битимлар тузишга олдиндан розилик бериш тўғрисидаги қарорида кўрсатилиши керак»;

бешинчи қисми қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Монополияга қарши орган товар ёки молия бозорида хатто хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеи юзага келиши ёки кучайиши ва (ёки) рақобатнинг чекланиши, нохуш оқибатлар юз бериши мумкин бўлган тақдирда ҳам, агар хўжалик юритувчи субъектларни кўшиб юбориш, кўшиб олиш ва устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш бўйича битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик ва (ёки) жисмоний шахслар ўз ҳаракатлари (битимлари) истеъмолчиларга сезиларли даражада наф келтиришини исботлаб берса, ҳаракатларни содир этиш (битимлар тузиш) учун олдиндан розилик бериш ҳақидаги аризани қаноатлантиришга ҳақли»;

8) **19-модда** чиқариб ташлансин;

9) **27-модданинг биринчи қисми** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Юридик шахсларнинг мансабдор шахслари, яқка тартибдаги тадбиркорлар хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган келишиб олинган ҳаракатлари ва келишувлари учун, шунингдек товар ёки молия бозоридаги устун мавқеини суистеъмол қилганлик, хўжалик юритувчи субъектларни кўшиб юборишда, кўшиб олишда ва устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш бўйича битимлар тузишда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини тугатиш ҳақидаги, дастлабки ҳолатни тиклаш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик, монополияга қарши органга ахборотни тақдим этмаганлик ёки ўз вақтида

тақдим этмаганлик, нотўғри ёки ёлғон маълумотлар тақдим этганлик, танлов (тендер) ёки биржа савдоларига доир монополияга қарши талабларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилади»;

10) **34-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«34-модда. Монополияга қарши органнинг қарори (кўрсатмаси) устидан шикоят қилиш

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишда иштирок этувчи шахслар монополияга қарши органнинг қарори (кўрсатмаси) устидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилишга ҳақли.

Монополияга қарши органнинг қарорлари (кўрсатмалари) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиниши судга шикоят қилиш ҳуқуқини истисно этмайди.

Монополияга қарши органнинг қарорлари (кўрсатмалари) устидан судга шикоят қилиниши уларнинг ижро этилишини суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунига қадар тўхтатиб туради, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ бўлган қарорлар (кўрсатмалар) мустасно».

24-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Экологик назорат тўғрисида**»ги ЎРҚ–363-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотнома-си, 2013 йил, № 12, 352-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **11-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

биринчи қисм «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи қисм:

иккинчи хатбошисидаги «етти» деган сўз «тўққиз» деган сўз билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошисидаги «ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини химоя қилиш бўйича давлат карантин қоидаларининг бажарилиши» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси — ўсимлик дунёсини химоя қилиш бўйича давлат карантин қоидаларининг бажарилиши юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси — ҳайвонот дунёсини химоя қилиш бўйича ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларининг бажарилиши юзасидан»;

еттинчи хатбошиси тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

25-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелда қабул қилинган «**Парламент назорати тўғрисида**»ги ЎРҚ–403-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 123-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **4-модданинг биринчи қисмидаги** «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар «Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **5-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **олтинчи** ва **еттинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Қонунчилик палатаси мажлисларида ҳукумат аъзоларининг Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига жавобларини эшитиш;

Сенат мажлисларида вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш»;

олтинчи — ўн учинчи хатбошилари тегишинча **саккизинчи — ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

ўн учинчи хатбошисидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари» деган сўзлар «давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) қуйидаги мазмундаги **10¹** ва **10²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«10¹-модда. Қонунчилик палатаси мажлисларида ҳукумат аъзоларининг Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига жавобларини эшитиш

Қонунчилик палатаси, қоида тариқасида, бир ойда бир марта ўз мажлисида ҳукумат аъзоларининг Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига жавобларини эшитади (бундан буён матнда «ҳукумат соати» деб юритилади).

«Хукумат соати»ни ўтказиш жадвали Бош вазир билан келишилган ҳолда Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан белгиланади.

Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳукумат аъзоларига саволлари Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан «ҳукумат соати»ни ўтказишдан камида ўн кун олдин Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

Вазирлар Маҳкамаси саволлар рўйхатидан келиб чиққан ҳолда «ҳукумат соати»да Қонунчилик палатаси депутатларининг саволларига жавоб берадиган ҳукумат аъзоларини белгилайди.

«Хукумат соати» яқунлари бўйича Қонунчилик палатасининг қарори қабул қилиниши мумкин.

10²-модда. Сенат мажлисларида вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш

Сенат ўз мажлисида вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг

тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиши мумкин.

Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш тўғрисидаги масала Сенат томонидан унинг қўмиталари ташаббусига кўра кўриб чиқилади.

Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш тўғрисида Сенат қарор қабул қилади, қарор тегишли ҳокимларга олдиндан юборилади.

Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш якунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади»;

4) **14-модданинг биринчи, учинчи ва тўртинчи қисмларидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар тегишинча «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг», «Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **15-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар тегишинча «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг», «Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **16-модданинг:**

номидаги ва биринчи қисмидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари» деган сўзлар «давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари қарорлар қабул қилади, қарорлар тегишли давлат органи, хўжалик бошқаруви органига юборилади»;

7) **17-модда:**

биринчи қисмидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари» деган сўзлар «давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари» деган сўзлар «давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ни ўрганиш Олий Мажлис палаталари кенгашларининг қарорига мувофиқ Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари томонидан амалга оширилиши мумкин»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

8) **18-модда учинчи қисмининг:**

иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан» деган сўзлар «давлат органларидан, хўжалик бошқаруви органларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **21-модданинг:**

учинчи хатбошисидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига» деган сўзлар «давлат органларига, хўжалик бошқаруви органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошисидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига» деган сўзлар «давлат органларига, хўжалик бошқаруви органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошисидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига» деган сўзлар «давлат органларига, хўжалик бошқаруви органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **22-модданинг:**

биринчи хатбошисидаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари» деган сўзлар «Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошисидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **23-модда биринчи қисмининг:**

иккинчи хатбошисидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини» деган сўзлар «давлат органларини, хўжалик бошқаруви органларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **24-модданинг:**

номидаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари» деган сўзлар «Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми биринчи хатбошисидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар «Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари» деган сўзлар «Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **25-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат ҳокимияти ва бош-

қаруви органларининг» деган сўзлар «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

26-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

27-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 2-моддасининг 4-банди, 3-моддасининг 3-банди, 4-моддаси, 10-моддаси ва 13-моддасининг 3-банди ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан олти ой ўтгач амалга киритилади.

Ушбу Қонун 23-моддаси 7-бандининг тўртинчи хатбошиси 2018 йил 1 декабрдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 январь,
ЎРҚ-459-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

25 Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Жаҳон молия тизимида юз бераётган жиддий ўзгаришлар, шунингдек мамлакатда миллий иқтисодий кенг кўламли ислох қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар пул-кредит сиёсатини шакллантириш, амалга оширишда ҳамда банк тизимини янада ривожлантиришда янгича ёндашув ва принциплар қўлланилишини тақозо қилмоқда.

Холис тан олиш керакки, бугунги кунда пул-кредит сиёсати ва банкларни тартибга солишдаги имкониятлардан амалда тўлақонли фойдаланилмапти, пул-кредит инструментларининг лозим даражада ишлаши ва самардорлигини таъминловчи трансмиссион механизмларнинг ривожланмаганлиги қўйилган мақсадларга эришишни қийинлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (кейинги ўринларда — Марказий банк) томонидан тижорат банкларининг бошқарув ва риск-менежменти сифатига таъсир қилиш механизмларининг такомиллашмаганлиги, банклар фаолиятига маъмурий аралашув амалиётининг давом этаётганлиги, айниқса, банклар томонидан ўз фаолиятига хос бўлмаган корхоналар ташкил этилиши, шунингдек уларнинг фаолият йўналишига мувофиқ бўлмаган вазифаларнинг юклатилиши банк назоратини таъсирчан амалга оширишни қийинлаштирмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, шунингдек пул-кредит сиёсати, умуман банк тизимининг барқарор фаолият кўрсатиши устидан самарали назоратни ва Марказий банк фаолиятини янада такомиллаштиришни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагиларни таъминлаш Марказий банк фаолиятининг стратегик мақсадли йўналишлари деб ҳисоблансин:

нархлар барқарорлиги;

банк тизими барқарорлиги ва ривожланиши;

тўлов тизими барқарорлиги ва ривожланиши.

2. Амалга оширилаётган ислохотлар доирасида Марказий банк фаолиятининг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

биринчидан, асосиз инфляциян кутилмаларни олдини олиш мақсадида ин-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 январда эълон қилинган.

фляцион таргетлашнинг принцип ва механизмларини босқичма-босқич татбиқ қилиш билан пул-кредит сиёсати ва унинг инструментларини тубдан такомиллаштириш, ушбу услуга ўрта муддатли истиқболда тўлиқ ўтиш ва пул-кредит соҳасида амалга оширилаётган сиёсат ва чораларнинг шаффофлигини ошириш;

иккинчидан, инфляция омилларини чуқур ўрганиш ва тўлов балансини ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиш тизимини тўлиқ шакллантириш асосида пул-кредит сиёсатини шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш услубларини такомиллаштириш мақсадида статистик, таҳлилий ва тадқиқот базасини ривожлантириш;

учинчидан, банк тизимини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмларини, шу жумладан тижорат банклар фаолиятида юзага келадиган муаммоларни дастлабки босқичларида аниқлаш ва уларни бартараф этувчи чоралар кўриш имконини берувчи тижорат банклар таваккалчилигини бошқариш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш;

тўртинчидан, ўрта ва узоқ муддат истиқболларда иқтисодиётни барқарор ўсишини таъминловчи муҳим таркибий қисм сифатида банк тизимини ривожлантириш, тижорат банклар ва тадбиркорлик субъектларининг ўзаро тўлиқ шериклик муносабатларини шакллантириш, аҳолининг банк тизимига ишончли институционал шерик сифатида ишончини мустаҳкамлаш учун рақобат шароитларни яратиш;

бешинчидан, тўлов тизимини янада ривожлантириш, шу жумладан реал вақт режимда тезкорлик билан ҳисоб рақамларни бошқариш ва банк операцияларини ўтказиш имконини берувчи масофадан банк хизматлари кўрсатган ҳолда тижорат банкларининг самарали ахборот алмашинуви тизимини ташкил этиш;

олтинчидан, нобанк кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини кучайтириш, шунингдек уларнинг фаолияти устидан назоратни кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

еттинчидан, банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига молиявий очиқликни ва уларнинг саводхонлик даражасини ошириш.

3. Қўйидагилар:

асосий вазифалари тегишлича банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва Марказий банкнинг пул-кредит операцияларини ўтказиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш бўлиб ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Банк назорати қўмитаси ва Кредит қўмитаси;

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш департаменти негизида асосий вазифаси банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига молиявий очиқликни ва уларнинг саводхонлик даражасини ошириш бўлиб ҳисобланган Марказий банкнинг Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати ташкил этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг:

Республика банк кенгашини тугатиш;

Республика пул-кредит сиёсати комиссиясини тугатиш;

Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қискартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссиясини тугатиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Ўзбекистон Республикаси молия секторини ривожлантириш бўйича агентлиги» давлат унитар корхонасини тугатиш;

Марказий банк раиси ўринбосарига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Республика инкассация хизмати фаолиятига бевосита раҳбарлик қилишни юклаш амалиётини бекор қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги бош директори лавозимини вазир ўринбосари лавозими мақомига тенглаштирган ҳолда, Марказий банк Раиси ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги бош директори лавозимини тугатиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

5. Марказий банк фаолиятининг тасдиқланган устувор йўналишларини ва бошқарув тизими оптималлашганини ҳисобга олган ҳолда:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ташкилий тузилмаси ҳамда унинг марказий аппаратининг тузилмаси 1- ва 2-иловаларга* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича бош бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ:

Марказий банк бошқаруви зарур ҳолларда Марказий банкнинг штатлар жадвалига, ташкилий тузилмасига, унинг марказий аппарати ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича бош бошқармалари тузилмаларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга эканлиги;

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ҳисобдорлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан мутасаддилик қиладиган давлат органлари рўйхатидан чиқарилсин.

7. Марказий банк 2018-2019 йилларда ходимларнинг оқилона танловини, жой-жойига қўйиш ва ротациясини, кадрлар захирасини сифатли шакллантиришни, шунингдек ходимларнинг меҳнати самарадорлиги ва мотивациясини оширишни таъминловчи замонавий кадрлар хизматини босқичма-босқич жорий қилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сон «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ:

* 1 — 3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

а) қуйидагилар:

2017 — 2021 йилларда илғор банк амалиёти асосида банк-молия тизими янада ривожлантириш чора-тадбирлари комплекси;

2017 — 2021 йилларда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш ҳамда инфляциявий таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари комплекси тасдиқланганлиги;

б) Марказий банк, тижорат банклари, масалага алоқадор вазирлик ва идоралар зиммасига мазкур чора-тадбирлар комплексларида кўзда тутилган вазибаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсан жавобгарлик юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

9. Марказий банк:

нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида ликвидлик бериш ва қайтаришнинг замонавий турлари, механизмлари ва усулларини жорий қилган ҳолда пул-кредит сиёсати инструментларининг таъсирчанлигини ошириш чоралари кўрилишини;

жамоатчилик ва бизнес муҳитининг пул-кредит сиёсатидан хабардорлиги ва тушуниш даражасини оширишга йўналтирилган аниқ ахборот-коммуникацион сиёсат олиб борилишини;

Ўзбекистон Республикаси тўлов балансининг Халқаро валюта фонди методологиясига мувофиқ ҳисоби ва таҳлили тизимли асосда юритилишини;

банк тизимидаги маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида инновацион технологиялардан кенг фойдаланилишини;

банклар томонидан иқтисодий нормативлар бажарилиши устидан, шу жумладан капитал етарлилиги, банк назоратининг халқаро тамойиллари талаблари доирасида белгиланган ликвидлилик бўйича таъсирчан назорат амалга оширилишини;

банк таваккалчиликларини баҳолашнинг замонавий тизимлари жорий қилилишини;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни замонавий банк хизматларини кўрсатиш учун тўсиқларни бартараф этиш ва шароит яратиш, шу жумладан чакана хизматларга ихтисослашган «рақамли» банклар ва банк бўлинмаларини ташкил этиш, инновацион банк технологияларидан фаол фойдаланган ҳолда масофавий банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида танқидий қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

10. Шундай тартиб белгилансинки, унга мувофиқ:

банкрот деб эълон қилинган ёки кредит бўйича узилмаган қарздорлиги мавжуд корхоналарни тижорат банклари мулкига ўтказиш тартиби бекор қилинади;

бошқарув компаниялари, инвестицион компания ва фондлар, шунингдек банк фаолиятига хос бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар устав фондларида банкларнинг иштироки тақиқланади.

11. Марказий банк 2018 йилнинг 1 сентябрига қадар илғор хорижий тажриба ва умумэтироф этилган нормалар ва стандартларни чуқур ўрганиш, ихтисослашган халқаро молия институтларининг тегишли эксперт

хулосалари асосида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Банк ва банклар фаолияти тўғрисида»ги қонунлари лойиҳаларини янги таҳрирда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг: Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки устав капиталидаги Марказий банк улушини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бериш;

Марказий банк ходимларини тижорат банклари, хўжалик бошқарув органлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг кузатув кенгашлари таркибига киритилишини тақиқлашни назарда тутувчи тартибни жорий қилиш;

Марказий банкнинг фаолият юритишини таъминловчи ўз идоравий бўйсунувидаги корхона ва ташкилотларнинг тегишли тузилмавий бўлинмаларини Марказий банк, шунингдек унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича бош бошқармалари ҳудуди ва биноларида бепул жойлаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

13. Марказий банк бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Банк назорати қўмитаси ва Кредит қўмитаси тўғрисидаги низомлар ҳамда уларнинг таркибини;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича хизмати тўғрисидаги низомни;

Марказий банкнинг фаолият юритишини таъминловчи ўз идоравий бўйсунувидаги корхона ва ташкилотлар фаолияти ва бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 5-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 январь,
ПФ–5296-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 9 январдаги
ПФ-5296-сон Фармониغا
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 28 октябрдаги ПФ-1875-сон «Капитал курилишни ташкил этишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонининг 2-бандидан «(Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 31 октябрдаги ПФ-3346-сон «Қимматбаҳо металлар харид қилиш, сақлаш ва сотиш тизими-ни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонининг 3-банди тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раисининг ўринбосари ҳисобланади» деган сўзлар «мақомига кўра вазир ўринбосарига тенглаштирилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 июлдаги ПҚ-1373-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий кон-металлургия комбинати Кузатув кенгашини ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 3 мартдаги ПҚ-809-сонли қарорига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қарори иловасининг ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сабилов Б.Б. — Қимматбаҳо металлар агентлиги бош директори».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 ноябрдаги ПҚ-3388-сон «2018 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси заргарлик саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори 5-иловасининг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сабилов Б.Б. — Қимматбаҳо металлар агентлиги бош директори».

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 9 январдаги
ПФ-5296-сон Фармониغا
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган ҳужжатлари РЎЙҲАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 8 ноябрдаги ПФ-985-сон «Ички бозорни дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари билан тўлдиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг 3-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 27 июндаги ПФ-1193-сон «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин

алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 4-банди, шунингдек унга илова.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 июлдаги ПФ–1492-сон «Республика пул-кредит сиёсати комиссияси таркиби тўғрисида»ги Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 18 февралдаги ПФ–1710-сон «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонининг 4-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 1 августдаги ПФ–1827-сон «Республика пул-кредит сиёсати комиссияси таркибини ўзгартириш тўғрисида»ги Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 29 сентябрдаги ПФ–2720-сон «Айрим комиссияларнинг таркибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонига 9-илова.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 декабрдаги ПФ–2772-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармонига илованинг 2-бандини «б» кичик банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 2 октябрдаги ПФ–3143-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 15 ноябрдаги ПФ–3162-сон «Республика банк кенгашини тузиш тўғрисида»ги Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 октябрдаги ПФ–3323-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш ва ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармонининг 1-банди тўртинчи хатбоши.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 февралдаги ПФ–4087-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармонига илованинг 1 ва 2-бандлари.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 апрелдаги ПФ–4215-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Фармонига 2-илованинг 31 ва 33-бандлари.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ–57-сон «Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 4-банди.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 13 июндаги ПҚ–97-сон «2005 йилда Тошкент шаҳрида қурилиш ва реконструкция қилиш объектларини қўшимча молиялаштириш манбалари тўғрисида»ги қарорининг 7-банди.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги ПҚ–147-сон «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловлари-

ни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарорига илованинг 7-банди.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 27 мартдаги ПҚ–822-сон «Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 4-банди.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 мартдаги ПҚ–2137-сон «Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 8-банди.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 октябрдаги ПҚ–3309-сон «Автомобиль йўллари кўприкларини, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотларни қуриш ҳамда фойдаланишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг 12-банди.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

26 Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг ролини янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссиясига (Бобожонов П.Р.) юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 8 январь,
15-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 январда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 8 январдаги 15-сон қарорига
ИЛОВА

**Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги
фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан диний ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини (кейинги ўринларда жамоат ташкилотлари деб аталади) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун моддий ва бошқа тарзда рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Қуйидагилар фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштирокини рағбатлантиришнинг (кейинги ўринларда фуқаролар ва жамоат ташкилотларини рағбатлантириш деб аталади) асосий вазифалари ҳисобланади:

фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаоллигини янада ошириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш;

фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга қўшаётган хиссалари учун муносиб тақдирлаш.

3. Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини рағбатлантириш:

қонунийлик;

адолатлилик;

холислик;

ошкоралик;

фуқаролар, жамоат ташкилотлари вакилларининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг хоши-истакларини ҳисобга олиш принциплари асосида амалга оширилади.

4. Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини рағбатлантириш тўғрисидаги таклифлар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика ва ҳудудий идоралараро комиссияларга (кейинги ўринларда идоралараро комиссиялар деб аталади) фуқаролар ва

жамоат ташкилотларини рағбатлантириш бўйича тақдимнома киритиш орқали амалга оширилади.

Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар тизимига:

- ички ишлар органлари;
- прокуратура органлари;
- миллий хавфсизлик хизмати органлари;
- адлия органлари;
- давлат божхона хизмати органлари;
- давлат солиқ хизмати органлари;
- меҳнат органлари;
- таълимни давлат томонидан бошқариш органлари;
- давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари;
- экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш органлари киради.

5. Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини рағбатлантириш тўғрисидаги тақлифлар республика ва худудий идоралараро комиссиялар томонидан кўриб чиқилади.

Ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҳолатлар ҳақида икки ва ундан ортиқ фуқаро ёки жамоат ташкилоти хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органларга хабар берган тақдирда, бу ҳақда биринчи бўлиб хабар берган фуқаро ёки жамоат ташкилоти рағбатлантирилади.

2-боб. Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини рағбатлантириш асослари

6. Қўйидаги асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда фуқаролар ва жамоат ташкилотлари рағбатлантирилиши мумкин:

қасддан содир этилиши режалаштирилаётган ёки содир этилаётган маъмурий хуқуқбузарликнинг олдини олиши ёхуд тўхтатиши;

тайёргарлик кўрилаётган жиноят ҳақида хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши натижасида жиноят содир этилишининг олди олиниши;

қасддан содир этилаётган жиноятни тўхтатиши ва уни тўлиқ фош этишда хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиши;

фош этилмаган жиноят бўйича уни фош этишга кўмаклашувчи далилларни аниқлаши ёки уни содир этган шахслар ёхуд уларнинг қаерда эканлиги ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши натижасида жиноятнинг фош этилиши;

қонун ҳужжатларига мувофиқ қидирув эълон қилинган шахснинг яширинган манзили ҳақида хабар бериши, уни ушлашда хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиши;

бедарак йўқолган шахс ҳақида берган маълумоти асосида унинг аниқланиши;

аҳоли ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка

қарши курашиш борасидаги тарғибот-ташвиқот тадбирларида фаол иштирок этиши ва уни бевосита амалга ошириши;

жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш борасида таклиф ва ташаббусларни амалга жорий этиши.

7. Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини рағбатлантириш юзасидан зарур ҳужжатларни йиғиш ва расмийлаштириш мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, рағбатлантириш тўғрисидаги таклиф билан чиққан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар томонидан бажарилади.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек туман (шаҳар) даражасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар рағбатлантириш ташаббуси билан ҳудудий идоралараро комиссияга, республика даражасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар эса республика идоралараро комиссиясига таклиф билан чиқади.

8. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар раҳбарларининг фуқаролар ва жамоат ташкилотларини рағбатлантириш бўйича тақдимномаси ва унга илова қилинган асослантирувчи ҳужжатлар, рағбатлантириш учун асослар юзага келган кундан бошлаб уч кун муддатда республика ёки ҳудудий идоралараро комиссияларга тақдим этилади.

9. Тақдимномага рағбатлантириш учун асос бўлувчи қуйидаги ҳужжатлардан бири илова қилинади:

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома;

жиноят иши қўзғатиш тўғрисида қарор;

ушланган қидирувдаги шахсга нисбатан қидирувнинг бекор қилинганлиги тўғрисида прокуратура, тергов, суриштирув ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг қарори ёки суднинг ажрими;

мазкур Низомнинг 6-банди саккизинчи ва тўққизинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолатлар бўйича йиғилиш баённомаси нусхалари.

10. Республика ёки ҳудудий идоралараро комиссиялар томонидан тақдимнома ва бошқа асослантирувчи ҳужжатлар келиб тушган кундан бошлаб ўн кун муддатда фуқаролар ва жамоат ташкилотларини рағбатлантириш масаласи кўриб чиқилади.

11. Республика ва ҳудудий идоралараро комиссиялар раислари комиссия қарорининг қонунийлиги, адолатлилиги ва холислиги учун масъул ҳисобланадилар.

12. Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини рағбатлантириш мазкур Низомга иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

13. Мазкур Низом талаблари ушбу Низом 6-бандининг еттинчи ва 16-бандининг иккинчи хатбошиларида кўрсатилган бедарак йўқолган шахсларнинг яқин қариндошларига (ота-она, ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари) нисбатан татбиқ этилмайди.

3-боб. Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини рағбатлантириш турлари

14. Фуқароларни пул маблағлари билан рағбатлантириш тегишли идоралараро комиссиялар томонидан қуйидаги микдордаги тўловларни тўлаш йўли билан амалга оширилади:

туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари — энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваригача;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар идоралараро комиссиялари — энг кам ойлик иш ҳақининг ўн беш бараваригача;

Республика идоралараро комиссияси — энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваригача микдорда.

15. Фуқаролар ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳар бир тасдиқланган хабар учун мазкур Низомнинг 14-бандида белгиланган рағбатлантириш микдорининг:

маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун — 50 фоизигача;

унча оғир бўлмаган жиноятлар учун — 75 фоизигача;

оғир жиноятлар учун — 100 фоизигача;

ўта оғир жиноятлар учун — 150 фоизигача;

қонун ҳужжатларига мувофиқ кидирув эълон қилинган шахсларни топишда ёрдам берганлиги учун фуқароларга бериладиган рағбатлантиришнинг микдори, ушбу шахслар содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига қараб, юқоридагиларга мос равишда, 50 фоиздан 150 фоизгача пул маблағлари билан рағбатлантирилади.

16. Қуйидагилар учун фуқаролар ташаккурнома ва бошқа эсдалик совғалар билан тақдирланади:

бедарак йўқолган шахсларни аниқлашда ёрдам кўрсатилиши;

аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги тарғибот-ташвиқот тадбирларида фаол иштирок этиш ва уни бевосита амалга оширилиши;

жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш борасида таклиф ва ташаббусларнинг амалга жорий этилиши.

17. Жамоат ташкилотлари мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатилган барча ҳолатлар бўйича ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

4-боб. Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини рағбатлантириш тартиби

18. Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун тақдирлаш, фуқаролар, шу жумладан жамоат ташкилотлари вакилларининг шахсий хавфсизлигини таъминлашни ҳамда уларнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга

олган ҳолда, кенг жамоатчилик иштирокида, республика ёки ҳудудий идоралараро комиссиялар томонидан, тантанали равишда амалга оширилади.

Тақдирлаш билан боғлиқ тантанали маросимлар оммавий ахборот воситаларида ёритилиши мумкин.

19. Фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга муносиб ҳисса қўшганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат мукофотларига ҳам тавсия этилиши мумкин.

20. Эсдалик совғалар фуқаролар ва жамоат ташкилотларини рағбатлантириш таклифи билан чиққан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва уларнинг миқдори ҳамда қиймати ушбу органлар томонидан белгиланади.

21. Фуқароларни пул мукофотлари билан тақдирлаш харажатлари рағбатлантириш таклифи билан чиққан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг маҳаллий бюджет маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

22. Рағбатлантирилган фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг ҳисоби республика ва ҳудудий идоралараро комиссиялар томонидан олиб борилади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

23. Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини рағбатлантириш билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

24. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини
хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка
қарши курашишдаги фаол иштироки учун
рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомга
ИЛОВА

**Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка
қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбир номи	Бажариш муддати
1-босқич	Хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар	Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган раҳбарининг тақдимномаси ва унга илова қилинган асослантирувчи ҳужжатларни тегишлича республика ёки ҳудудий идоралараро комиссияларга тақдим этиш	Рағбатлантириш учун асослар юзага келган кундан бошлаб уч кун муддатда
2-босқич	Республика ёки ҳудудий идоралараро комиссиялар	Тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш	Тақдимнома ва унга асослантирувчи ҳужжатлар келиб тушган кундан бошлаб ўн кун муддатда
3-босқич	Республика ёки ҳудудий идоралараро комиссиялар	Қабул қилинган қарор ҳақида рағбатлантириш тўғрисидаги таклиф билан чиққан хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органга хабар бериш	Қарор қабул қилинган куннинг ўзида
4-босқич	Республика ёки ҳудудий идоралараро комиссиялар	Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини рағбатлантириш (пул мукофотлари, ташаккурнома ва бошқа эсдалик совғалари билан тақдирлаш)	Комиссия томонидан белгиланган муддатда

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAХҚAMACIНИНГ
ҚАРОРИ

27 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ–5177-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ–3270-сон қарори)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ–5177-сон Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ–3270-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Марказий банк раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 8 январь,
16-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 январда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 8 январдаги 16-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдо тушуми инкассация қилишини ва назорат-касса машиналаридан фойдаланишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 11 декабрдаги 548-сон (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 11-12-сон, 39-модда) қарорида:

а) 3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 4-банддаги «тижорат банклари билан биргаликда» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 6-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржа ва ярмарка савдосининг самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 15 апрелдаги 174-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 19-модда):

а) 2-иловада:

9-банднинг «а» кичик бандидаги «ваколатли банкнинг» сўзлари «тижорат банкининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банддаги «ваколатли банкларида» сўзлари «тижорат банкларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-илованинг 8-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 17 ноябрдаги 504-сон қарорида:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошидаги «ва хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 5-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда):

а) 1-банднинг иккинчи хатбошидаги «ваколатли банкларнинг» сўзлари «тижорат банкларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банд ва 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 3-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилардаги «ваколатли банклар» сўзлари «тижорат банклари» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 5-бандда:

иккинчи ва тўртинчи хатбошилардаги «ваколатли банклар» ва «ваколатли банкларни» сўзлари тегишли равишда «тижорат банклари» ва «тижорат банкларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «мажбурий сотишнинг белгиланган прогноз миқдорлари бажарилиши» сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 263-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 30-модда):

а) 4 ва 5-бандлар ўз кучини йўқотдан деб ҳисоблансин;

б) 8-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошидаги «Ваколатли банклар» сўзлари «Тижорат банклари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) илованинг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 264-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 31-модда) иккинчи бандидаги «тижорат банклари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари» сўзлари чиқариб ташлансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 10 июлдаги 294-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 7-сон, 38-модда):

а) 1-банднинг иккинчи хатбоши ва 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2-банддаги «ваколатли банклар» сўзлари «тижорат банклари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 2-иловада:

1 — 3, 5 — 9, 22, 31, 34 — 41, 43, 45, 47, 48, 51-бандлардаги, шунингдек, 6 ва 7-бўлимлар номларидаги «ваколатли банк» сўзлари тегишли сон ва келишикларда «тижорат банки» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банднинг «а» ва «к» кичик бандлари, 3-банднинг «б» кичик банди, 4-банд, 8-банднинг иккинчи хатбоши, 11-банд, 3-бўлим, 27, 29 ва 46-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

10-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«10. Банклараро савдо сессияларида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг валюта ресурсларини сотиш ва сотиб олиш операциялари амалга оширилади»;

14-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон республика валюта биржаси Банклараро савдо сессияси ўтказиладиган кундан олдинги кунда соат 16:00 гача Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига савдо қатнашчиларидан тушган дастлабки буюртманомалар бўйича ахборот беради»;

50-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«50. Мазкур Низомда назарда тутилган тартибга риоя этмаслик тижорат банкларини вақтинчалик, 6 ой муддатгача ички валюта бозорида чет эл валютасини харид қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш учун асос бўлиши мумкин».

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Экспорт-импорт операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 92-модда):

а) 1-бандининг иккинчи хатбошидаги «ваколатли банклар» сўзлари «тижорат банклари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловининг 8, 12, 16, 18, 26-бандларидаги «ваколатли банк» сўзлари тегишли сон ва келишиклардаги «тижорат банки» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 21 июндаги 199-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 7-сон, 74-модда) 1 ва 2-бандларидаги «ваколатли банклар» ва «ваколатли банкларда» сўзлари тегишли равишда «тижорат банклари» ва «тижорат банкларида» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2016 йил 15 июндаги 207-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 6-сон, 56-модда):

а) муқаддимадаги «ва унинг мажбурий сотилиши» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-банднинг учинчи хатбошидаги «нақд хорижий валютага, маблағларни банкларнинг кассалари орқали белгиланган тартибда экспорт қилувчиларнинг ҳисоб рақамларига ўтказган ҳолда, шунингдек» сўзлари чиқариб ташлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 8 январдаги 16-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ички валюта бозорида алмашув курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 25 октябрдаги 422-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 10-сон, 58-модда) 1-банди учинчи хатбоши, 1-илова II бўлими 2-бандининг иккинчи, учинчи, тўртинчи, еттинчи, саккизинчи хатбошилари.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига ўзгартириш ва тўлдиришлар киритиш тўғрисида» 2002 йил 5 январдаги 7-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 1-сон, 1-модда) 1-банди, шунингдек, унга 1-илова ва 2-илова 2-бандининг учинчи хатбоши.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 72-модда) 3-иловасининг XIV банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2003 йил 14 январдаги 17-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 7-модда) 1-иловасининг 24-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 28 февралдаги 112-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 19-модда) 51-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта операцияларини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 1 октябрдаги 420-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2003 й., 19-сон, 178-модда) 4-бандининг учинчи хатбоши ва иловасининг 7-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» 2005 йил 15 июндаги ПҚ–100-сон қарори)» 2005 йил 15 августдаги 197-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 8-сон, 44-модда).

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг биржа савдоларида тузиладиган экспорт-импорт контрактларини тузиш ва расмийлаштириш тартибини такомиллаштириш билан боғлиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2006 йил 29 майдаги 96-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 5-сон, 36-модда) иловаси 2-бандининг қирқ учинчи ва қирқ тўртинчи хатбошилари.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 11 майдаги ПФ–3751-сон Фармони)» 2006 йил 27 июлдаги 149-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 7-сон, 56-модда).

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПҚ–672-сон қарори)» 2007 йил 12 сентябрдаги 192-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 9-сон, 52-модда).

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил-

ги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сон қарори)» 2009 йил 9 февралдаги 36-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 2-сон, 9-модда).

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2009 йил 27 февралдаги ПҚ–1062-сон қарори)» 2009 йил 11 мартдаги 63-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 3-сон, 20-модда) 1-иловасининг 8-банди.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2013 йил 6 февралдаги 30-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 2-сон, 9-модда) иловасининг 2-банди.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2013 йил 8 августдаги ПҚ–2022-сон қарори)» 2013 йил 21 октябрдаги 285-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 10-сон, 75-модда) иловасининг 2-банди.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» 2013 йил 13 ноябрдаги 307-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 11-сон, 81-модда) иловасининг 1-банди.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида алоҳида валюта режими фаолияти тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2013 йил 25 декабрдаги 341-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 12-сон, 95-модда).

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2014 й., 41-сон, 506-модда) 8-иловасининг 1-банди.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ–2454-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2016 йил 10 февралдаги 33-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2016 й., 6-сон, 56-модда) 4-иловасининг 3-банди.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартибига ўзгартириш

киритиш тўғрисида» 2016 йил 1 июлдаги 225-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 7-сон, 64-модда).

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 19 сентябрдаги ПҚ–2603-сон қарори)» 2016 йил 14 ноябрдаги 385-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 11-сон, 102-модда) 1-банди.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2017 йил 1 февралдаги 44-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 2-сон, 3-модда).

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар экспортини кенгайтиришга йўналтирилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2017 йил 26 апрелдаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 17-сон, 304-модда) иловасининг 2-банди.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда электротехника саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш, жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 13 февралдаги ПҚ–2772-сон қарори)» 2017 йил 28 апрелдаги 248-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 18-сон, 322-модда) иловасининг 1-банди.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2017 йил 17 майдаги 290-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 20-сон, 369-модда).

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 19 июндаги 391-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 25-сон, 543-модда) 2-иловасининг 2-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

28 **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мард ўғлон» давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 ноябрдаги ПҚ-3402-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 январь,
18-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 9 январдаги 18-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги 141-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 6-сон, 58-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисида низомда:

а) 52-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида» 1993 йил 5 февралдаги ПФ-555-сон Фармонига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарори билан тасдиқланган Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақалари ғолиблари бўлган академик лицейлар, касб-хунара коллежлари ва умумтаълим

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 январда эълон қилинган.

мактаблари ўқувчиларини тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низом асосида халқаро ва республика олимпиадалари ғолиблари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мард ўғлон» давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 ноябрдаги ПҚ–3402-сон қарорига мувофиқ «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳиблари бўлган умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари олий ҳарбий таълим муассасаси қабул комиссиясининг қарори билан дастлабки ва ҳарбий-профессионал танлаш талабларига мувофиқ бўлганлари тақдирда олий ҳарбий таълим муассасасига танловдан ташқари тест синовларисиз қабул қилинадилар. Олий ҳарбий таълим муассасасига танловдан ташқари қабул қилишга тавсия этилган халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақаларининг ғолиблари ҳамда «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳиблари бўлган умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади»;

б) 53-банднинг биринчи хатбошисига «Илғор сержант» номинациясида Республика тури ғолиблари» сўзларидан кейин «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳиблари» сўзлари қўшилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 25-сон, 545-модда):

а) 1-иловада:

23-бандга қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мард ўғлон» давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 ноябрдаги ПҚ–3402-сон қарорига мувофиқ «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳиблари бўлган умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари мос таълим йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига танловдан ташқари тест синовларисиз ва касбий (ижодий) имтиҳонларсиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар»;

учинчи — олтинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 2-илованинг 7-бандига «номли давлат стипендиялари совриндорлари» сўзларидан кейин «шунингдек «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳиблари бўлган олий ўқув юртлари талабалари ва бакалавр даражасига эга ёшлар» сўзлари қўшилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

29 **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига Тошкент вилоятида тадбиркорлик субъектларига ер участкалари ажратиш тартиботларини соддалаштиришга йўналтирилган ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

Тадбиркорлик субъектларига ер участкалари ажратиш тартиботларини соддалаштириш ҳамда уларни Тошкент вилоятида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ҳамда Тошкент вилояти ҳокими Ф.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 январь,
20-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 10 январдаги 20-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент вилоятида юридик ва жисмоний шахсларга ер участкалари ажратиш тартибини янада такомиллаштириш ва улардан мақсадли фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 20 январдаги 16-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2009 й., 4-сон, 24-модда) 3-бандининг биринчи хатбошидаги «Тошкент вилоятида ер участкалари ажратиш белгиланган тартибда» сўзлари «Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота, Тошкент, Бўстонлиқ ва Паркент туманларида ер участкалари ажратиш тўғрисидаги қарор» сўзлари билан алмаштирилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 январда эълон қилинган.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 февралдаги 45-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2009 й., 8-сон, 78-модда) билан тасдиқланган Тошкент вилоятида юридик ва жисмоний шахсларга шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ ер участкалари ажратиш амалиётини ўрганиш комиссияси томонидан Тошкент вилоятида ер участкалари ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳақидаги низом 1-бандининг биринчи хатбошидаги «Тошкент вилоятида ер участкалари ажратиш тўғрисидаги қарор» сўзлари «Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота, Тошкент, Бўстонлиқ ва Паркент туманларида ер участкалари ажратиш тўғрисидаги қарор» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 25 февралдаги 54-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 2-сон, 13-модда):

а) Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун аҳоли пунктларида ер участкалари бериш, қурилиш объектларини лойиҳалаштириш ва рўйхатдан ўтказиш, шунингдек объектларни фойдаланишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 22-бандидаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида» сўзлари «Тошкент шаҳрида, шунингдек Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота, Тошкент, Бўстонлиқ ва Паркент туманларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар, шунингдек икки ва ундан ортиқ туманлар (шаҳарлар) ёки вилоятлар ҳудудида жойлаштирилдиган объектлар қурилиши учун аҳоли пунктлари ташқарисидан ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низом 20-бандининг учинчи хатбошидаги «Тошкент вилоятида ер участкаси ажратиш бўйича материаллар» сўзлари «Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота, Тошкент, Бўстонлиқ ва Паркент туманларида ер участкаси ажратиш бўйича материаллар» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги 229-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 59-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона қурилиш регламентининг (I қисм) 8-бандидаги «ҳудудида» сўзлари «Қибрай, Зангиота, Тошкент, Бўстонлиқ ва Паркент туманлари ҳудудларида» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 10-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун доимий фойдаланишга танлов асосида ер участкалари бериш тартиби тўғрисида низомда:

а) 23-банддаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида» сўзлари «Тошкент шаҳрида ҳамда Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота, Тошкент, Бўстонлиқ ва Паркент туманларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 48-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тошкент шаҳрида, шунингдек Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота, Тошкент, Бўстонлик ва Паркент туманларида ер участкалари ажратиш тўғрисида қарорлар тегишли равишда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимлари томонидан қабул қилинади».

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ**

31 «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1500-4

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги ва 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ-436-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 10 июлдаги 2005-42-сон «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1500, 2005 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 30-31-сон, 238-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 26 декабрь,
2017-75-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил
26 декабрдаги 2017-75-сон қарорига
ИЛОВА

«Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Номидан ва 1-бандидан «ёзма» деган сўз чиқариб ташлансин.
2. Низомда:
 - а) номидан «ёзма» деган сўз чиқариб ташлансин.
 - б) 1-банддаги «ёзма ариза ва билдиришномаларни» деган сўзлар «ёзма аризалар ва билдиришномаларни, шу жумладан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилган аризалар ва билдиришномаларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
 - в) 6-банднинг «с» кичик банди учинчи хатбошисидаги «ёзма ариза ва билдиришномаларни» деган сўзлар «ёзма аризалар ва билдиришномаларни, шу жумладан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилган ариза ва билдиришномаларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
 - г) 21-бандининг бешинчи хатбошисидаги «ёзма ариза» деган сўз «ёзма, шу жумладан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилган ариза» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
 - д) 1, 2 ва 3-иловаларнинг илова белгисидан «ёзма» деган сўз чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**33** «Автомототранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказишни (қайд этишни) ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2050-1

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги 683-сон «Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2009 йил 13 октябрдаги 107-сон «Автомототранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказишни (қайд этишни) ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2050, 2009 йил 30 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 50-51-сон, 545-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 1 декабрь,
259-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2017 йил
1 декабрдаги 259-сон буйруғига
ИЛОВА

«Автомототранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказишни (қайд этишни) ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Буйруқ муқаддимасидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 майдаги 256-сон «Автомототранспорт воситалари-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 январда эълон қилинган.

ни рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш ишларини тартибга солиш ҳақида» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлар тўплами, 1997 й., 5-сон, 18-модда)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги 683-сон «Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Йўриқномада:

а) муқаддимадаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 майдаги 256-сонли «Автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш ишларини тартибга солиш ҳақида» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлар тўплами, 1997 й., 5-сон, 18-модда)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги 683-сон «Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Автомототранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

мулкдор-жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганда, шунингдек мулкдор-юримдик шахс қайта ташкил этилганда ёки номланиши ўзгарганда;

автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш жойини ўзгартиришни талаб қилмаган ҳолда автоматотранспорт воситаси эгасининг яшаш (тураб) жойи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда;

юримдик шахсларга тегишли юк автоматотранспорт воситаларининг, автобус ва микроавтобусларнинг сақлаб туриладиган жойи ўзгарганда;

автомототранспорт воситаларининг ранги ва (ёки) рақамли агрегати ўзгарганда;

автомототранспорт воситаси қайта жиҳозланганда;

автомототранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ёки рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиси яроқсиз ҳолга келганда, шикастланганда ёки йўқолганда.»;

в) 9-банддаги «Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига» деган сўзлар «Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасига (бундан кейинги ўринларда ИИБ ЙҲХББ деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 11-бандда:

«Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг Ихтисослаштирилган монтаж қилиш ва фойдаланиш бошқармаси ҳузуридаги «Ўзавтомобелги» шўъба корхонасида (бундан кейинги ўринларда шўъба корхона деб юритилади)» деган сўзлар «ИИБ

ЙХХББ қошидаги «Uzavtomotobelgi» Давлат унитар корхонасида (бундан кейинги ўринларда Давлат унитар корхона деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«шўъба корхонасига» деган сўзлар «Давлат унитар корхонага» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 12-банддаги «Шўъба корхона» деган сўзлар «Давлат унитар корхона» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 14-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«14. Автомототранспорт воситаларининг ҳар бир қайта тикланган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари ҳақидаги маълумот ИИБ ЙХХББ ва Ахборот маркази электрон ҳисоб базасига киритилади.»;

ж) куйидаги мазмундаги 17¹ ва 17²-бандлар билан тўлдирилсин:

«17¹. Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгисини қисқа муддатда қайта тиклаш зарурияти пайдо бўлганда жисмоний ва юридик шахслар ИИБ ЙХХББга ариза билан мурожаат этишлари мумкин.

Аризага куйидагилар илова қилинади:

автомототранспорт воситаси эгаси ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

тегишли тўловни тасдиқловчи ҳужжат;

транспорт воситасининг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги қайд этиш гувоҳномасининг нусхаси.

17². ИИБ ЙХХББ томонидан уч иш куни ичида ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар ўрганилиб, транспорт воситаси кўрикдан ўтказилади. Ҳужжатларда камчиликлар аниқланмаган тақдирда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига ҳамда Давлат унитар корхонасига тегишли топшириқ юборилади.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси шу куннинг ўзида яроқсиз ёки шикастланган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини қабул қилади ҳамда қайта тиклаш даврида илгари фойдаланишда бўлган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини вақтинча фойдаланишга беради.

Қайта тикланган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари беш иш куни ичида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан берилади.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**34** Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2864-1

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 42-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2864, 2017 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 140-модда) билан тасдиқланган Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низом 5-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «нотариал тасдиқланган нусхаси» деган сўзлар «иш берувчи давлат органи ва ташкилотининг муҳри билан аслига тўғрилиги тасдиқланган нусхаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 январда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 январь.
16-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

38 **Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1252-2

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сон «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати диагностика станцияларининг техника назорати бўйича вазифаларини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш мақсадида **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2003 йил 2 майдаги 137-сон буйруғи (рўйхат рақами 1252, 2003 йил 30 июнь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 12-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 январда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 22 декабрь,
282-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2017 йил
22 декабрдаги 282-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат йўл ҳаракати
хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномага
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 9-банднинг «в» кичик бандидаги «тергов ва суриштирув идоралари» деган сўзлар «терговга қадар текширувни, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 53-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Тергов ёки суриштирув идоралари қарорлари» деган сўзлар «Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи ва терговчининг қарори» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 59-банднинг иккинчи хатбошисидаги «транспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш» деган сўзлардан кейин «терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 60-банднинг иккинчи хатбошисидаги «транспорт воситаларининг техник ҳолати диагностика картадан ташқари» деган сўзлардан кейин «терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

39 Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2961*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ–5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 18 июлдаги ПҚ–3138-сон «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

Тошкент ш.,
2017 йил 27 декабрь,
30-2017-сон

И. МАДЖИДОВ

Молия вазири

Тошкент ш.,
2017 йил 27 декабрь
186-сон

Д. КУЧКАРОВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирли-
гининг 2017 йил 27 декабрдаги 30-2017 ва
186-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим
муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган
талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 18 июлдаги ПҚ-3138-сон «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (бундан буён матнда Иттифоқ деб юритилади) томонидан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом қоидалари олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура босқичларида тўлов-контракт асосида ўқишнинг кундузги бўлимида (иккинчи мутахассислик, сиртки ва кечки таълим бундан мустасно) таҳсил олаётган талабаларга қўлланилади.

2. Мазкур Низомга мувофиқ тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талабалар Иттифоқнинг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилоти фаолиятида фаол қатнашган тақдирда Иттифоқ томонидан моддий қўллаб-қувватланади.

Моддий қўллаб-қувватлаш Иттифоқ томонидан талабанинг ўқиши учун тўланадиган йиллик тўлов-контракт миқдорининг 35 фоизини тўлаб бериш орқали амалга оширилади. Бунда талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш улар томонидан шартномада белгиланган тўлов миқдорининг 65 фоизини белгиланган муддатларда тўлаш шarti билан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг қарори асосида қўшимча тўлов-контракт асосида бакалаврият босқичига ўқишга қабул қилинган талабалар иккинчи босқичдан бошлаб моддий қўллаб-қувватланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий

хизматни ўтаб, ҳарбий қисм Қўмондонлигининг тавсияномаси асосида олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган ва Иттифоқ томонидан моддий ёрдам кўрсатилаётган талабаларга мазкур Низомда белгиланган моддий қўллаб-қувватлаш имтиёзлари татбиқ этилмайди.

2-боб. Моддий қўллаб-қувватланадиган даъвогарларга қўйиладиган талаблар

5. Моддий қўллаб-қувватлашга тавсия этилаётган даъвогар талабанинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи ўрганилаётган даврда (биринчи босқич талабалари учун ўқув йилининг биринчи семестр натижалари) 86 фоиз ва ундан юқори бўлиши лозим. Бунда даъвогар талабанинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи ўрганилаётган даврдаги ўқув фанлари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари йиғиндисини ўтилган ҳар бир семестрдаги ўқув фанларининг умумий сонига бўлиш орқали аниқланади.

6. Иттифоқнинг олий таълим муассасасидаги Ёшлар Кенгаши (бундан буён матнда Ёшлар Кенгаши деб юритилади) даъвогар талабаларни моддий қўллаб-қувватлашга тавсия этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишда даъвогар талабанинг қуйидаги асосий кўрсаткичларини (биринчи босқичдаги даъвогар талабалар учун ўқув йилининг биринчи семестр натижаларини) инобатга олади:

даъвогар талабанинг Иттифоқнинг Ёшлар Кенгаши томонидан ташкил этиладиган лойиҳа ва тадбирларидаги фаол иштироки;

даъвогар талабанинг фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларидаги эришган натижалари;

даъвогар талабанинг ташкилотчилик ва етакчилик қобилиятлари;

даъвогар талабанинг илмий ва ижодий фаолиятдаги эришган натижалари;

даъвогар талабанинг олий таълим муассасасида белгиланган ички тартиб-қоидаларга риоя этиши (талабанинг олий таълим муассасасида белгиланган ички тартиб-қоидаларига риоя этмаганлиги юзасидан фақат олий таълим муассасаси ректори буйруғи асосида берилган ҳайфсан интизомий чораси Иттифоқнинг Ёшлар Кенгаши томонидан даъвогар талабани моддий қўллаб-қувватлашни рад этиш учун асос сифатида қабул қилинади).

Даъвогар талабаларнинг асосий кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари Иттифоқнинг Марказий Кенгаши томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

3-боб. Моддий қўллаб-қувватланадиган даъвогар талабаларни саралаш

7. Ҳар йили 1 февраль кунидан кечикмаган ҳолда Ёшлар Кенгаши олий таълим муассасасида тўлов-контракт шаклида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича ўз фаолиятини бошлаши лозим.

8. Ҳар йили 10 февраль кунига қадар мазкур Низомнинг 2-бандида кўзда

тутилган талабалар Ёшлар Кенгашига Иттифоқ томонидан моддий қўллаб-қувватлаш кўрсатилишини сўраб ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

9. Ҳар йили 10 февралдан 15 февралга қадар Ёшлар Кенгаши даъвогар талабаларнинг аризаларини кўриб чиқади ҳамда моддий қўллаб-қувватлаш учун тавсия этиш бўйича қарор қабул қилади.

10. Иттифоқнинг Ёшлар Кенгаши даъвогар талабани моддий қўллаб-қувватлашга тавсия этиш ёки рад этиш ҳуқуқига эга.

Даъвогар талабани моддий қўллаб-қувватлаш рад этилган ҳолларда, Ёшлар Кенгашининг тегишли мажлиси баёнида унинг сабаблари кўрсатилиши шарт.

11. Ёшлар Кенгашининг моддий қўллаб-қувватлашга талабаларни тавсия этиш тўғрисидаги қарори жорий ўқув йили мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

12. Ёшлар Кенгашининг тегишли мажлиси баёни нусхалари уч иш куни мобайнида олий таълим муассасасига ва Иттифоқнинг Марказий Кенгашига тақдим этилади.

Иттифоқнинг Марказий Кенгашига юбориладиган мажлис баённомасининг нусхасига моддий қўллаб-қувватлашга тавсия этилган талабаларнинг рўйхати илова қилинади.

Мазкур Низом асосида тақдим этилган барча ҳужжатларнинг тўғрилиги ва ҳақиқийлиги учун олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) ҳамда Ёшлар Кенгаши етакчиси жавобгар ҳисобланади.

13. Иттифоқнинг Марказий Кенгаши Ёшлар Кенгашлари қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани тегишли ҳужжатлар тақдим қилингандан сўнг, ўн иш кунидан кечиктирмасдан кўриб чиқади.

14. Моддий қўллаб-қувватлаш жараёни Иттифоқ Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори асосида амалга оширилади.

15. Иттифоқ Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорининг бир нусхаси уч иш куни ичида тегишли олий таълим муассасасига, иккинчи нусхаси Ёшлар Кенгашига юборилади.

16. Иттифоқ Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан кейин беш банк куни мобайнида, лекин йилнинг 1 мартдан кечиктирилмай олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий вазна ҳисобварақларига моддий ёрдам кўрсатиш пули ўтказилади.

17. Иттифоқнинг Марказий Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда даъвогар талабаларни моддий қўллаб-қувватлашга тавсия этиш билан боғлиқ масалани кўриб чиқиш муддатларига ўзгартириш киритилиши мумкин.

4-боб. Моддий ёрдам кўрсатиш пулининг қайтарилиши

18. Талабалар сафидан чиқарилган ёки академик таътилга чиққан талаба Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 2431, 2013 йил 26 февраль) 28 ва 29-бандларига мувофиқ ўзининг тўлов-контракт асосида ўқиши учун тўла-

ган маблағини қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда Иттифоқнинг Марказий Кенгаши томонидан олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларига ўтказилган моддий ёрдам кўрсатиш пули қайта ҳисоб-китоб қилиниши ва Иттифоқнинг Марказий Кенгашига қайтарилиши шарт.

19. Олий таълим муассасаси талабалари сафидан чиқарилган талаба Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 2431, 2013 йил 26 февраль) 27-бандига мувофиқ ўзининг тўлов-контракт асосида ўқиши учун тўлаган маблағини қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳолларда Иттифоқнинг Марказий Кенгаши тўланган моддий ёрдам кўрсатиш пулини талабадан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундиради.

20. Талаба моддий қўллаб-қувватланиш ҳуқуқидан воз кечса, олий таълим муассасаси талаба учун тўланган маблағни Иттифоқнинг Марказий Кенгашига ўн банк куни ичида қайтаради.

21. Мазкур Низомнинг 19 — 21-бандларида кўрсатилган ҳолатлар юз берган тақдирда Ёшлар Кенгаши Иттифоқнинг Марказий Кенгашини ўн календарь куни мобайнида хабардор қилиши шарт.

5-боб. Яқуний қоидалар

22. Мазкур Низом қоидаларига риоя этилиши, шунингдек, Иттифоқ томонидан моддий қўллаб-қувватланган талабаларнинг ўқув жараёнидаги иштироки, ўзлаштириши, интизоми ва Иттифоқ фаолиятидаги иштироки устидан назорат қилиш тегишли олий таълим муассасаси ҳамда Ёшлар Кенгаши зиммасига юклатилади.

23. Ушбу Низом Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши билан келишилган.

*Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
Марказий Кенгаши раиси*

Қ. ҚУРАНБАЕВ

2017 йил 27 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**40 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1625-2

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2018 йил 8 январдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг 2017 йил 15 декабрдаги 10-1-1246-сон «Аукцион савдоларини ўтказиш учун риэлторлик ташкилотлари ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотларни танлаш бўйича конкурс ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ (рўйхат рақами 1625, 2006 йил 30 сентябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни (рўйхат рақами 1625-1, 2014 йил 10 январь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш масаласи юзасидан хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2006 йил 29 сентябрдаги 177/1-ум-сон «Аукцион савдоларини ўтказиш учун риэлторлик ташкилотлари ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотларни танлаш бўйича конкурс ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1625, 2006 йил 30 сентябрь);

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 10 январдаги 8-мх-сон «Аукцион савдоларини ўтказиш учун биржаларни танлаш бўйича конкурс ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги буйруғи (рўйхат рақами 1625-1, 2014 йил 10 январь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 январда эълон қилинган.

4. Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 январь.
22-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

42 **Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2436-8

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги ПФ–3860-сон «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 15 февралдаги 21, 16, 3-02, 01-02/8-44-сон қарори (рўйхат рақами 2436, 2013 йил 20 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 11 январда эълон қилинган.

хужжатлари тўплами, 2013 й., 12-сон, 157-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Иқтисодиёт вазири**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 30 декабрь,
155-сон

Молия вазири**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 30 декабрь,
192-сон

Ташқи савдо вазири**Ж. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 30 декабрь,
2017/09-01-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси****М. ТОХИРИЙ**

Тошкент ш.,
2017 йил 30 декабрь,
01-02/8-48-сон

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги,
Ташқи савдо вазирлиги ва Давлат божхона
қўмитасининг 2017 йил 30 декабрдаги 155,
192, 2017/09-01 ва 01-02/8-48-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт
божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод
қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 27-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	8429	».
27.	(қуввати 200 от кучидан кам бўлган бошқа гусеничали бульдозерлар — 8429 11 009 0; ковшининг ҳажми 5 метр кубдан кам бўлган бошқа фронтал бир ковшли юк ортувчилар — 8429 51 990 0, ковши ҳажми 2 метр кубдан кам бўлган бошқа гусеничали экскаваторлар — 8429 52 100 9, ковши ҳажми 5 метр кубдан кам бўлган бошқа тўлиқ айланма машиналар — 8429 52 900 0 дан ташқари)	Бурилмайдиган ва буриладиган ағдаргичли бульдозерлар, грейдерлар, режалаштирувчи ўзиюрар йўл катоклари

2. Изоҳнинг «а» кичик бандидаги «Ўзбектуризм» МК» деган сўзлар «Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**43** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги ПФ–5245-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»-ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2963

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги ПФ–5245-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги ПФ–5245-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 13 сентябрдаги 69-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 августдаги ПФ–4822-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2826, 2016 йил 20 сентябр) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 453-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 29 декабрь,
191-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2017 йил 29 декабрдаги
191-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил
20 ноябрдаги ПФ–5245-сон «Иш ҳақи, пенсиялар,
стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги
Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби
тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги ПФ–5245-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг 4-бандига мувофиқ пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини белгилайди.

1. 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 172 240 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 336 880 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 336 880 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 206 720 сўм белгиланди.

2. 2017 йил 1 декабрдан кейин иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларни (2011 йил 1 октябрдан амалга киритилган) қўллаган ҳолда янги тайинланган пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун олинган иш ҳақини тенглаштириш учун ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари қўлланилади.

2017 йил 1 декабргача тайинланган пенсиялар, юқорида кўрсатиб ўтилган Фармонда белгиланган 1,15 баравар миқдорга ошириш йўли билан қайта ҳисобланади.

3. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ($172\,240 \text{ сўм} \times 8 = 1\,377\,920 \text{ сўм}$) ортиқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инobatга олинади.

4. Иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти қўлланилган янги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баравари ва ундан юқори миқдорида бўлган ҳолларда, пенсияларни қайта ҳисоблашни амалга оширишда иш ҳақи миқдори энг кам иш ҳақининг саккиз баравари 1 377 920 сўм ($172\,240 \text{ сўм} \times 8$) билан чегараланиб, иш стажининг давомийлигига боғлиқ равишда пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган фоизга қўпайтирилади.

5. Ёшга доир ёки I ва II гуруҳ ногиронлик бўйича пенсионерлар «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7 ва 17-моддаларига мувофиқ, пенсия тайинлаш учун зарур

иш стажига эга бўлмаган тақдирда, қайта ҳисоблашдаги пенсия миқдори мавжуд стажга мутаносиб равишда белгиланади.

6. Барча ҳолларда пенсияларга устама энг кам ойлик иш ҳақидан (172 240 сўм) келиб чиқиб аниқланади.

7. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

А. ХАИТОВ

2017 йил 29 декабрь

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги
ПФ-5245-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш
тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни
қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик
иш ҳақи миқдорлари**

Ўзгартиришлар санаси ва даври	Белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори
Сўмларда:	
01.01.1973 йилдан	70,00
01.01.1992 йилдан	350,00
01.03.1992 йилдан	$(350,00 + 550,00) / 2 = 450,00$
01.04.1992 йилдан	550,00
01.07.1992 йилдан	1 000,00
01.09.1992 йилдан	1 250,00
01.10.1992 йилдан	2 000,00
01.01.1993 йилдан	2 500,00
01.04.1993 йилдан	3 000,00
01.06.1993 йилдан	7 500,00
01.07.1993 йилдан	11 250,00
01.09.1993 йилдан	13 500,00
01.11.1993 йилдан	16 200,00
Сўм-купонларда:	
01.12.1993 йилдан	24 300,00
01.01.1994 йилдан	30 000,00
01.03.1994 йилдан	45 000,00
01.06.1994 йилдан	70 000,00

Ўзгартиришлар санаси ва даври	Белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори
Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида (сўм):	
01.07.1994 йилдан	70,00
01.08.1994 йилдан	100,00
01.03.1995 йилдан	150,00
01.09.1995 йилдан	250,00
01.04.1996 йилдан	400,00
01.09.1996 йилдан	550,00
01.12.1996 йилдан	600,00
01.07.1997 йилдан	750,00
01.07.1998 йилдан	1 100,00
01.01.1999 йилдан	1 320,00
01.08.1999 йилдан	1 750,00
01.08.2000 йилдан	2 450,00
01.08.2001 йилдан	3 430,00
01.04.2002 йилдан	3 945,00
01.08.2002 йилдан	4 535,00
01.05.2003 йилдан	5 440,00
01.08.2004 йилдан	6 530,00
01.05.2005 йилдан	7 835,00
01.10.2005 йилдан	9 400,00
01.07.2006 йилдан	10 800,00
01.11.2006 йилдан	12 420,00
01.08.2007 йилдан	15 525,00
01.11.2007 йилдан	$(15\ 525,00 + 18\ 630,00) / 2 = 17\ 077,50$
01.12.2007 йилдан	18 630,00
01.04.2008 йилдан	20 865,00
01.09.2008 йилдан	25 040,00
01.11.2008 йилдан	$(25\ 040,00 + 28\ 040,00) / 2 = 26\ 540,00$
01.12.2008 йилдан	28 040,00
01.08.2009 йилдан	33 645,00
01.12.2009 йилдан	37 680,00
01.08.2010 йилдан	45 215,00
01.12.2010 йилдан	49 735,00
01.08.2011 йилдан	57 200,00
01.12.2011 йилдан	62 920,00
01.08.2012 йилдан	72 355,00
01.12.2012 йилдан	79 590,00
01.08.2013 йилдан	$(79\ 590,00 + 91\ 530,00) / 2 = 85\ 560,00$
01.09.2013 йилдан	91 530,00
01.12.2013 йилдан	$(91\ 530,00 + 96\ 105,00) / 2 = 93\ 817,50$
01.01.2014 йилдан	96 105,00
01.09.2014 йилдан	107 635,00

Ўзгартиришлар санаси ва даври	Белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори
01.12.2014 йилдан	$(107\ 635,00 + 118\ 400,00) / 2 = 113\ 017,50$
01.01.2015 йилдан	118 400,00
01.09.2015 йилдан	130 240,00
01.10.2016 йилдан	149 775,00
01.12.2017 йилдан	172 240,00

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 8 январдан 12 январгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2017 йил 22 декабрдаги 8-сон «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидаларининг 34-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1383-4.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 26 декабрдаги 2017-75-сон «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1500-4.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 30 декабрдаги 48-В-7-сон «Давлат қисқа муддатли облигациялари бозорида дилерлик вазифаларини бажаришга доир шартномалар тузиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 525-7.

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 1 декабрдаги 259-сон «Автомототранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказишни (қайд этишни) ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2050-1.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 10 январдаги 16-мх-сон «Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш

масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2864-1.

6. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2017 йил 11 декабрдаги 51/1-Б-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги 164-сон қарори билан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2723-1.

7. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2017 йил 11 декабрдаги 51/2-Б-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги 164-сон қарори билан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2797-1.

8. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2017 йил 11 декабрдаги 51-Б-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги 164-сон қарори билан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2855-1.

9. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 22 декабрдаги 282-сон «Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1252-2.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2017 йил 27 декабрдаги 30-2017, 186-сон «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2961.

11. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 10 январдаги 22-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1625-2.

11. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2018 йил 5 январдаги 1-Б-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 октябрдаги 795-сон қарори билан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2962.

13. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 30 декабрдаги 155, 192, 2017/09-01, 01-02/8-48-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2436-8.

14. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 29 декабрдаги 191-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги ПФ-5245-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 12 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2963.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг «Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги 164-сон қарори билан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2723, 2015 йил 27 октябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 10 январдаги 17-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг «Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги 164-сон қарори билан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2797, 2016 йил 8 июнь).

Адлия вазирининг 2018 йил 10 январдаги 18-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг «Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги 164-сон қарори билан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2855, 2017 йил 27 январь).

Адлия вазирининг 2018 йил 10 январдаги 19-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Аукцион савдолар ўтказиш учун биржаларни танлаш бўйича конкурс ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1625, 2006 йил 30 сентябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1625-1, 2014 йил 10 январь)

Адлия вазирининг 2018 йил 10 январдаги 22-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 августдаги ПФ-4822-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2826, 20 сентябрь 2016 йил).

Адлия вазирининг 2018 йил 12 январдаги 25-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.